

С. Айнис

ҚИСҚАЧА  
ТАРЖИМАИ  
ҲОЛИМ



ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1960

Тоҷикистон давлат нашриётининг  
1958 йилги нашридан  
Н. Маллаев таржимаси.



## I

Мен 1878 йилда Бухоро область, Гиждувон районига қарашли Соктаре қишлоғида деҳқон оиласида туғилдим. Отамнинг икки таноб ери бўлиб, ундан олинган ҳосил оилани тўғизга олмасди. Бинобарин, отам оиланинг кийим-кечаги учун тўқувчилик билан шуғулланар ва тегирмон чархи ясаб сотар эди.

Онам тўқиладиган буюмларнинг ипини пишитар, калава қилар, бўяр, ғалтаклар ва найча қилиб берар эди.

Отам хат-саводли бўлиб, у ёшлигида бир неча йил Бухоро мадрасаларида яшаган экан. Отаси уйлантиргандан кейин, у мадрасани тугата олмай, қишлоққа қайтишга мажбур бўлган экан. Лекин, илм-билимга нисбатан муҳаббати сўнмаган эди. У уйланганидан кейин онам билан бирга бошлаб тоғаларим турган қишлоқда — Шофрикон районининг Маҳаллаиболо қишлоғида яшаган (чунки у томонларда тегирмон чархи ясовчи усталар кам бўлиб, бу касб яхши фойда берар экан). Отам ўз истаги билан бир неча

деҳқон болаларини, жумладан, катта тоғам Мулладеҳқонни ҳам хат-саводли қилиб, Бухорога олиб бориб мадрасага жойлаштирган.

Отам мадрасада оз ўқиган бўлса ҳам, лекин у адабиёт билан, жузъий масалалар<sup>1</sup> билан, ҳисоб, жумладан абжад ҳисоби билан хийлагина шуғулланган эди. Шу билимлари билан у ҳисобни ҳам, бошқа нарсаларни ҳам мутлоқ билмаган, кўпчилиги саводсиз бўлган қишлоқ муллаларидан ғолиб чиқар, мунозараларда уларни енгиб, шарманда қилар эди. Қишлоқнинг кўпчилик муллалари ундан ҳайиқар эдилар.

\* \* \*

Мактаб ёшига етганимда ўзи ўқитишга вақти бўлмаган отам мени қишлоғимиз — Соктаре масжиди қарамоғидаги мактабга берди. Мен у мактабда бирор нарса ўргана олмадим, шундан кейин отам мени бу мактабдан олиб, қишлоқ имоми хотинига қарашли қизлар мактабига берди. (Бу мактаб ўғил болалар мактабига қараганда бирмунча дурустроқ эди.) Шу орада менга абжад ва унинг ҳисобини ўзи ўргатди, бу эса зеҳнининг очилишига сабаб бўлди (мен мактабдаги ҳаётимни «Эски мактаб» номли очеркда батафсил ёзганман).

Мен бибихалифа (қизлар мактаби)да Ҳофизни, Бедилдан бир неча қисм ва Соибнинг бир неча ғазалини ўқидим (у давр мактабларида соибхонлик расм бўлмаса ҳам,

---

<sup>1</sup> Музыка, расм ва бошқалар.

отам Соибни яхши кўрарди ва унинг бир неча газалини қаердандир кўчириб олган эди, шу газалларни ҳам ўқитишни илтимос қилиб мен орқали уларни бибахалифага бериб юборган эди). Ун ёшимда мактабни тугатдим. Бироқ ҳали саводсиз эдим, мактабда ўқитганларини ўқий олсам, аввалдан ўзимга таниш бўлмаган бошқа нарсаларни ўқий олмас эдим.

Аммо шеърларни севар эдим. Уларнинг мазмунига яхши тушунмасам ҳам, оҳанги мени завқлантирарди. Баъзи шеърларни ёдлашга тиришар эдим. Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Соиб, Навоий ва Фузулий каби шоирларни «вали» ва уларнинг яратган шеърларини каромат деб ҳисоблар эдим.

Бироқ, бу орада шундай бир воқиа юз бериб, менинг бу тушунчамни пучга чиқарди.

Ёз кунларидан бири эди. Отам чархчилик дўконидан чиқиб пешин намози учун таҳорат қилди (у жуда диндор киши бўлиб, жамоат-масжид намозларидан сира қолмас эди) ва масжидга йўл олди. Мен ҳам отамнинг орқасидан чиқдим, ариқ ўтадиган ташқари ҳовлида «ариқча» ўйинига берилиб кетдим. Кўп ўтмади, отам шошилиб қайтиб келди-ю, мени ҳовлимиз билан масжид чорбоғи ўртасидаги девор устига кўтариб қўйиб:

— Ҳозир мадрасадан бир киши чиқиб ҳужрага томон йўл олади, сен уни яхшигина кўриб ол. У акангнинг домласи бўлади (акам мендан саккиз ёш катта бўлиб, у вақтда Бухорода ўқир эди), шоир, жуда яхши шеърлари бор,— деди.

Шу вақт қишлоқнинг мадрасасидан (ҳозир ўша ерда «Коммунизм» колхозининг идораси жойлашган) бир неча киши чиқди, уларнинг олдида имом, имомнинг ёнида новча, озгин, сийрак соқолига оқ оралаган бир одам борар эди. Бу кишининг эғнида бир оқ суруп яктак бўлиб, салласи имомнинг салласидан анчагина кичик эди.

Отам уни кўрсатиб:

— Акангнинг домласи шу, намоздан қайтиб келгач, сенга унинг шеърларини ўқиб бераман,— деди-да, мени девордан тушириб қўйиб, масжидга қараб кетди.

Отам масжиддан қайтиб келганда мен ҳовлининг эшиги олдида ўрик дарахтлари тагида Хайбар деган итим билан ўйнар эдим. Отам мени чақириб олиб, токчадан ҳар хил нарсалар ёзилган бир тўпламни олиб, Исо номли шоирнинг бир неча ғазали ёзилган кейинги саҳифаларни очди ва у ғазалларни менга кўрсатиб:

— Акангнинг домласидан ёзиб олган шеърларим шулар. Бу кишининг номи Исо махдум, тахаллуси «Исо»— деди, (мен у шеърларни ўша тўпламдан олиб Исо махдум номи билан «Намунаи адабиёти тожик»<sup>1</sup> ка киритганман) ва у ғазалларни бирин-кетин менга ўқиб бериб, мазмунини ўзи тушунганича, уқдирди ва у ғазаллардан қуйидаги:

То ба кай зи бекори  
Бо фасурдаги мурдан,

---

<sup>1</sup> «Тожик адабиёти намуналари». (Тарж.)

Нусхае бакаф дори  
Жамъ созу ажзо кун!<sup>1</sup>

байтларни қайта-қайта ўқиб, айтди:

— Донишмандлар кишиларни меҳнат қилишга чақирадилар, улар бекорчиликни ўлим билан тенглаштирадилар. Бошқа муллалар бўлса, ўзлари молу дунёга ботиб кетган бўлишларига қарамай, кишиларга «тарки дунё қилинг!» дейдилар, яъни кишиларнинг дунёни тарк қилишларини, ўзлари эса барча мол-дунёга эга бўлишни истайдилар...

Шундан кейин отам уй тоқчасидан Соиб ғазаллари ёзилган бир неча варақ олиб, ундан менга бу матлаъни ўқиб берди:

Ба дўши таваккул манеҳ бори худро!  
Валинеъмат хеш кун кори худро.<sup>2</sup>

ва деди:

— Кўряпсанми, улуғ кишилар бир-бирлари билан қанчалик ҳамфикрдирлар. Бундан 250 йил муқаддам ўтган Бобо Соиб (отам иефахонлик Соибни ҳурмат юзасидан «Бобо Соиб» дер эди) билан бизга замондош бўлган Исо бир мазмунда сўзлайдилар.

Мен Исони кўриб, унинг шеърларини эшитганимдан кейин аввалги тушунчамдан қайтиб, ҳар даврда ҳам, вали бўлмаган кишилар ҳам

<sup>1</sup> Қачонгача бекорликдан муздай қотиб қолиб ўлиш, ҳеч бўлмаганда қўлингдаги варақларни тўплаб, бир китобча қил!

<sup>2</sup> «Ўз юкингни «таваккал»нинг сиртига юклама!— Ўз ишингни ўзинг учун валинеъмат (неъмат эгаси) бил!» (Изоҳ С. Айнийнинг «Эсдаликлар» асаридан олинди, ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1953, бет 97).

шеър ярата олар экан деган фикрга келдим ва буни тасдиқлатмоқчи бўлиб отамдан сўрадим:

— Бизнинг замонамизда вали бўлмаган кишилар ҳам шеър яратиши мумкинми?

— Албатта, шеър яратиш учун замон ҳам, вали бўлиш ҳам шарт эмас. Мен ҳам масжидимизнинг янги айвони қурилиши муносабати билан бир тарих<sup>1</sup> битганман,— деб қуйидаги байтни ўқиб берди:

Ба соли мурғ ин айвон бино шуд,  
Бидеҳ бо мурғи ў ту обу дона.<sup>2</sup>

Шундан сўнг у:

— Агар «мурғ» сўзини абжад билан ҳисоблаб унга «обу дона» сўзларидаги ҳарфлар саноғини қўшсанг, 1303 (1886) санаси чиқади, бу эса айвон бино бўлган йилдир.

Мен абжад ҳисобини ўрганиб олган эдим, шунга кўра отамнинг айтганларини тез ва осон тушундим ҳамда тарихни ҳисоблаб чиқиб, унинг тўғри эканини аниқладим.

— Бошқа шеърлар ҳам яратганмисиз?— деб сўрадим отамдан.

— Йўқ, яна бир байт тарих яратганман, уни бирор вақт сенга ўқиб бераман. Қанча ҳаракат қилсам ҳам, барибир бошқа шеър тўқий олмадим. Сен агар ҳаракат қилсанг ва кўп ўқисанг шоир бўласан,— деди отам.

---

<sup>1</sup> Тарих — классик поэзиянинг жанрларидан бири бўлиб, унда шоир бирор воқиянинг йилини рамз-ишоралар билан акс эттиради ва у йил абжад ҳисоби йўли билан чиқарилади.

<sup>2</sup> Бу айвон мурғ (товуқ йилида қурилди, сен унинг товуғига обу дона (сув ва дон) бергин.



Бу суҳбат менинг ҳаётимга, адабий фаолиятимга ва меҳнатсеварлигимга жуда катта таъсир этди. Мен аввалгидан кўра кўпроқ шеър ўқиш ва шеър ёдлаш билан шуғулландим, шу тарзда ўқишни ўрганиб олдим. Мен ўқиган ва эшитган шеърларимни ёзиб олишни истар эдим. Бироқ, ёзувни билмаслигим бунга тўсқинлик қилар эди.

Мен бу мақсадимни отамга айтдим. У акам билан бирга Бухорода ўқиган ва ҳусниҳатда шуҳрат топган амакиваччамга мени шогирд қилиб берди (отам ва акамнинг ўз ёзувлари хунук эди). Уша йили менга ёзув қуроллари сотиб олиб берди, булардан фақат бир қаламдон менинг қўлимда ҳозирга қадар хотира бўлиб қолди (бу қаламдон туфайли бир фалокат рўй берган эди, бу воқияни бирор мавридда ёзарман).

Менинг хушхат домлам майда ёзишда уқувли бўлса ҳам, лекин жали (йирик-йирик) ёзишда етарли малакага эга эмас экан. Йирик ёзиш эса ёзишни энди ўрганиб келаётган кишиларга жуда зарур эди. У алоҳида ҳарфларни йирик-йирик қилиб ёзар, қийшиқ ёзилган ҳарфларга тишининг кирини суркаб, кейин уларни пичоқнинг учи билан ўчириб ташлар ва қоидага мувофиқлаштириб қайтадан ёзар эди.

У менга бир нарсани ёзиб берар, ўшанга қараб ёзиб келишга буюрар ва ўзи ёзгандек ёза олганимдан кейин, бошқа нарсани ёзишга ўргатар эди.

Мен хат ёзишни эгаллаб олишдан олдин домланинг ҳийласини ўрганиб олдим: мен ҳам домладек қийшиқ ёзилган ҳарфларни

тишимнинг кири билан ўчириб, қайтадан тузатар эдим. Шу тариқа бир оз вақт ичида алоҳида ҳарфларни ёзиш ва уларни бири-бирига қўшишни ўрганиб олдим. Бироқ, ҳуснихат бўйича кўп машқ қилмаганим учун, тамомила бадхат бўлиб қолдим. Севган шеърларимни қоғоз парчаларига ёзиб олар, бироқ қоғоз парчалар эскиргандан кейин баъзи бирларини ўзим ҳам ўқий олмас эдим.

Шу билан бирга мен қишлоқ имоми қошида «Бидон» номли тожик тилида, «Муиззий» ва «Занжоний» номли араб тилида ёзилган араб морфологияси китобларини мутолаа қилдим. Гарчи менга дарсларни тожик тилига таржима қилиб берсалар ҳам, мен бирор нарсани тушуна олмасдим, бу дарслардан зерикардим ва ўзимни овунтириш учун шеър ўқиш билан шуғулланардим.

\* \* \*

Вафотидан бир йил бурун отам мени Бухорога олиб бориб, мадраса ҳаёти билан танишиш ва келаси йили ўқишга тайёрланиш учун акамнинг олдида қолдирди. Уша йили мен акам билан бирга бир ойдан кўпроқ мадрасада бўлдим. Бу бир ой ичида мен мадрасанинг дастлабки азобларини татиб кўрдим.

Уша йили акам Мир Араб мадрасасининг бир ҳужрасида менга ҳуснихат ўргатган отамнинг қариндоши билан бирга турар эди. Мен уларга учинчи киши бўлиб қўшилдим. Бу ҳужра мадрасанинг юқори қаватида бўлиб, жуда кенг, бироқ, ниҳоятда қоронғи

эди. Шунга кўра, мадрасадагилар бу ҳужрани «девхона» деб атаган эдилар.

Бироқ, биз бу ҳужрада узоқ қолмадик. Қалин қор тушган қаҳратон қиш ўрталарида ҳужранинг эгаси бизни ҳайдаб чиқарди. Акам кўп ҳаракат қилиб Бухоронинг Бозорихўжа деган бозорбошидан бир боққол болохоначасини топди, у ерга кўчиб бордик (бизнинг кўчиб боришимиз жуда қизиқ бир воқиа бўлиб, ўрни келганда мен буни ҳикоя қилурман).

Бизнинг бу иккинчи турар жойимиз жуда ёмон эди, болохона ёғочдан ишланган бўлиб, атрофи бошқа иморатга туташмаганлигидан жуда совуқ эди. Уйчанинг кичик бир эшиги бўлиб, дераза вазифасини ҳам ўтар эди, унинг катаklarига ойна ўрнига қоғоз ёпиштирган эдик. Бироқ, совуқ кирмаслиги учун кундуз куни ҳам эшикчани ёпиб қўяр эдик, уй эса қоронғи гўрга ўхшаб қоларди.

Болохона шундай тор эдики, отамнинг қариндоши Бухоро аъламига хизматкор бўлиб кетгандан кейин ҳам, икки киши — ака-ука зўрға сигишиб ёта олар эдик. Ювиниш жойи пойгаҳда бўлиб, у ерда сув музлаб қолар эди. Биз қўл-бетимизни кўчага чиқиб ювар ва бошқа заруриятлар учун турар жойимизнинг қаршисида бўлган «Тўпчибоши» мадрасасига қатнар эдик.

Биз бу қийинчиликларга чидаш беролмай, ўқиш тамом бўлмасиданоқ, баҳорга чиқмай туриб, қишлоққа қайтдик. Мен Бухорода ўша йили бирор нарса ўқиб ўргана олмадим, фақат акамдан ошпазликни, палов, мош-

кичири, мошхўрда, шўрва ва ширчай қилиш-ни ўргандим.

Ҳаво исигандан кейин қолган дарсларини ўзлаштириш учун акам Бухорога қайтди, мен эса отам олдида қолдим.

\* \* \*

Отам олдида менинг келаси йили Бухорога бориб ўқишим масаласи турар эди. У мендан сўради:

— Келаси йили Бухорога ўқишга борасанми?

— Юборсангиз, бораман.

— Мен бу йил ўқишингга қанча қўшимча пул сарфлаш кераклигини билмоқ учун сени Бухорога юбордим. Маълум бўлишича, ҳар ойда 5 танга (75 тийин)дан кўпроқ сарфлаш керак экан. Бундан ташқари сенга китоб, ифтитоҳона (ўқиш бошланишида домлага ҳады тариқасида тўланадиган таълим ҳақи) ва кийимингни қишлоқий кийимдан дурустроқ қилиш керак, буларнинг ҳаммаси пул билан бўлади. Бу йилги синов иккалангизга, акангга ва сенга пул сарфлаш имкониятига эга эмаслигимни кўрсатди. Шунга кўра ўзинг ҳам бирор иш билан шуғулланиб, бир оз пул топишинг керак.

Мен таажжубланиб:

— Мен нима иш қилиб пул топа оламан?— дедим.

— Мен кўрсатаман,— деб отам ўрнидан турди ва супанинг нариги ёғида ёш ўрик дарахтлари ўтқазилган ерни кўрсатиб айтди:

— Бу ерга қўш киритиб бўлмайди, дарахтларни нобуд қилади. Сенга бир кичик кетмон

топиб бераман. Шу ерни шудгор қиласан, ошқовоқ экиб, сотасан. Қанчаки пул ишласанг, харажатинг учун Бухорога олиб кетасан.

Мен қабул қилдим. Қетмон ҳам тайёр бўлди. Ишни бошладим, ўн беш кунда ерни уч марта ағдардим, ҳар сафар ерни бир кетмон ағдарар эдим. Уч марта уч кетмон баравари ерни ағдардим, отам айтгандай ерга ўғит ва чиринди тўқдим, яна бир марта ағдардим, аралаштирдим.

Энди мола билан шудгорни текислаш керак эди, янги бир нарса ўйлаб топдим: эшикнинг бир тавақасидан мола ясадим. Бироқ, бу мола сих мола эмас эди ва сих молага эҳтиёж ҳам йўқ эди, ерни чопишда кесакларни кетмон билан майдалаган эдим. Молани катта чўпон итим Хайбарга қўшдим, мола устига чиқиб, уни итга судратар эдим. Ит бир-икки айлангандан кейин мола судрашни ўрганиб қолди.

Ер тайёр бўлди, уруғни отам экиб берди. Отам айтганидек экинни ўзим ўтаб, суғориб турдим.

\* \* \*

Уша йили отам ҳам деҳқончиликда ҳар йилгидан кўра кўпроқ меҳнат қилди, чунки Зарафшон суви тошиб дарёга яқин бўлган тегирмонларни оқизган ва тегирмонариқларини бузиб ташлаганди, тегирмон чархига эҳтиёж жуда кам эди.

Отам бир таноб (чорак гектар) ерга чигит ва бир таноб ерга жўхори (оқ жўхори) экди.

Еримиз икки таноб эди, ўз ҳўкизимиз йўқ эди. Отам бировларнинг ҳўкизини ишлатар эди. Оз ерга эга бўлган қўшҳўкизли ўрта ҳол деҳқонлар ўз ҳўкизларини ижарага берар эдилар. Ижара ҳақи арзон эди. Бир таноб ерни икки марта ҳайдаш учун бир калла кунжара бериш лозим эди. Бир калла кунжара ўша вақтларда икки танга (30 тийин) турар эди.

Бироқ бировнинг ҳўкизи билан ерни истаганча ҳайдаб бўлмасди. Шунга кўра отам қўшҳўкиз солгандан кейин яна ўзи кетмон билан ерни бир-икки ағдарар эди.

Отамнинг ўша йили чигит экилган майдонда қандай ишлаганини сўзлаб ўтирмайман, чунки ғўзалар қовжираб, унинг меҳнати зое кетган эди. Бироқ, жўхори ҳақида сўзлашга тўғри келади, жўхоридан олинган ҳосил бизни ҳалокатдан қутқариб қолган эди.

Отам жўхори экиш ниятида кузда ерни ҳайдади, ўғит солиб суғорди, қиш чилласида яна суғорди. Баҳорда ер етилиши биланоқ, уни қўш билан ҳайдади, қуруқ тупроқ аралаштирди, яна бир марта ҳайдаб, сўнг экди.

Жўхори сийрак унди, ҳар бир қадамда бир туп кўринарди, холос. Қўшни деҳқонлар қайта экишни маслаҳат кўрдилар. У қабул қилмади, «ғўза каландрав, жўхори шутурдав» (ғўза туплари орасига кетмон сиғса бўлгани, жўхори поялари орасида эса туя чопа олиши керак) деб айтганлар, деди. Жўхори парваришидаги бошқа ишларни ҳам деҳқончилик қоидалари ва ўз тажрибалари

асосида қилди. Отам ҳар бир таноб ердан 30 ман (240 пуд) ҳосил олишни умид қиларди.

Уша йили Бухоро музофотида ёппасига вабо тарқалиб, барчанинг ҳаёти ва осойишталигини бузди.

Ҳижрий 1306 йилда (1889 йилнинг июнь ойларида) Бухорода вабо тарқалиб, ўлим кўпайди. Акам касалланиб қишлоққа қайтди, ўқишни тугатиб Бухорода домлалик қилиб юрган тоғам ўлди, унинг ўлигини қишлоққа олиб келдилар.

Кўп ўтмай қишлоқларга ҳам вабо тарқалди. Укасининг вафотидан кейин онам ҳам бемор бўлди. Акам билан бирга икки укам ҳам касал бўлиб қолган эди, онамни уйга олиб келдим, орадан кўп ўтмай отам ҳам йиқилиб қолди. Уйимиз касалхонага ўхшарди, врач ҳам, фельдшер ҳам, ҳамшира ва санитарка ҳам ёлғиз мен ўзим эдим. Етти ёғочли уйда бешта бемор ётар эди, мен навбатма-навбат уларга сув ичирардим, пашшаларини елпирдим ва ҳожатга олиб чиқардим.

Бир ҳафта ичида қишлоғимиз ва қўшни қишлоқлардаги уйлар ҳам бизнинг уйимизга ўхшаб қолди. Тахминан 300 хонадонли бу қишлоғимизда ҳар куни битта-иккита киши ўларди.

Мен касалларимизнинг қандай дарди борлигини билмасдим. У вақтларда қишлоқларда духтур йўқ эди, бизнинг қишлоғимизда жуда бўлмаса ўт-мўт қайнатиб бериб, касалларга тасалли берувчи эски табиблар ҳам йўқ эди.

Қасалларим ичида айниқса отамнинг аҳволи оғир эди. У деярли доимо беҳуш ётарди. Ёлғиз сув ичарди, иссиғи жуда баланд эди. Кўзини очганда менга қараб:

— Жўхорини иккэнчи марта суғордингми?— деб сўрарди (биринчи суғоришни ўзи бажарган эди).

— Йўқ,— дердим.

— Биринчи суғорилганига қанча кун бўлди?

— Тахминан ўн кун.

— Яхши, ҳали суғоришга вақт бор,— дерди-да, яна кўзларини юмар эди. Отамнинг бу саволи ҳар куни қайта-қайта такрорланар эди. Охири бир кун савол бериб, мендан «йигирма кун бўлди» деган жавобни олди-да, шундай деди:

— Ундай бўлса, сувсаган, уддалай олсанг бориб суғор, чунки қуруқ тупроқни кўп солган эдим, агар вақтида суғорилмаса, нобуд бўлади.

Далага чиқиб тезда жўхорини суғордим, кўпчилик кишилар касал ётгани сабабли сув сероб эди. Қатта ариқдан сув очдим, эгатлар сувга тўлди.

Жўхорини суғориб қайтганимдан кейин бирор соат чамаси ўтиб отам кўзларини очиб сўради:

— Суғордингми?

— Суғордим.

— Баракалла!— яна кўзларини юмди.

Қасал бўлганининг қирқинчи куни терлади, тамоман ўзига келди, сув сўради, бердим.

Отамнинг ўзидан каттароқ Ҳидоятхўжа



деган амакиваччаси бор эди. Узи енгил касалланган бўлиб, бутун уй ичи оғир ётган эди. Шунга қарамай у ҳар куни бир-икки марта келиб отамдан хабар оларди. Отамнинг биринчи оғриганида у «ҳеч гап эмас, терласа тузалади» деб тасалли берарди. Бироқ, иккинчи марта оғриганида у бундай тасаллини бермай қўйди. Отамнинг иккинчи касаллиги менга аввалгисидан кўра енгил туюларди. Чунки у тинч-ором ётар эди. Иккинчи марта оғриганидан етти кун ўтгач, Ҳиндоятхўжа келиб отамни кўриб, менга айтди.

— Агар аҳволи оғирлашса, менга хабар қил. Уйимда касалим бўлмаганда, шу ерда ётиб қолардим.

Кўзларимга ёш олиб:

— Унинг аҳволи оғир ёки енгиллигини мен қандай биламан,— дедим.

— Йиғлама, мард бўл! Отанг ўғли бўл, отанг чидамли одамдир! Унинг аҳволи анча оғир, бироқ, бизларни қўрқмасин деб ўзини тетик тутяпти. Аҳволи оғирлашса, хириллай бошлайди, нафаси сиқилади. Хўп бўлмаса, мен кетдим, келинойингнинг аҳволи ҳам оғир эди.

Кеч кирди. Мен қора чироқни ёқиб ёғочдан ясалган чироқлоя устига қўйдим. Мендан бошқа ҳамма маст-аласт иситма уйқусида эди. Отам бу кеча биринчи бор оғир нафас оларди, томоғи хирилларди. Амакимни чақирдим. У келиб беморнинг оғзига пахта билан сув томизди. Бемор кўзларини очиб, бошлаб менга, кейин амакимга қараб:

— Кўпроқ сув беринг!— деди.

Энди амаким оғзига қошиқ билан сув қуяр эди. У:

— Бас,— деди-да, менга ишора қилиб сўзлай бошлади:

— Ўқи, ҳар қандай қийинчилик бўлса ҳам ўқи, одам бўл! Лекин қози, раис ва имом бўлма! Мударрис бўлсанг майли!— Кўзларини юмди. Бирор минутдан кейин хириллаб нафас олди. Шу орада бирдан бошини ростлади, кўзлари катта очилди, бироқ, улар нурсиз эдилар, ҳар томонга қараб тикилди, йиқилди. Қўл-оёқлари типирчилаб, сўнгра шалпайиб қолди. Бу унинг абадий тинчлиги эди.

\* \* \*

Қўшни қишлоқда Йўлдошбой деган савдогар бор эди. Вабо тарқалганда унинг кафанлик ва йиртиш сотиш бозори қизиб кетган эди. У отам ўлигига кафанлик ва йиртиш бериб, бизни юз танга қарздор қилиб қўйди. Амаким: «Нақд пул бўлса, бу нарсаларни бозордан 25 тангага олиш мумкин бўлар эди» дерди.

Азага 20 танга нақд пул ҳам керак эди. Бунни ўша бойдан 25 танга қилиб қайтариш шарти билан қарз олдик. Жума ва душанба кунлари харажати учун ҳам кишилардан 25 танга қарздор бўлдик. Шундай қилиб, отамни кўмиш учун 150 танга (22 сўм 50 ти-йин) қарздор бўлиб, унинг азасини ўтказдим.

Аза кунлари тугагандан кейин тунлардан

бири соғлом сигиримиз шишиб ўлди. Бемор ётган онам:

— Ҳар қандай бало бўлса, ўша сигирга келган бўлсин, кошки у отангдан илгари ўлсайди-ю, отанг соғ қолсайди. Ўлган сигирнинг бузоғини ўзинг ва ака-укаларингнинг бошлари садақаси учун Хўжахонга олиб бориб бер, деди (Хўжахон тўшагидан туролмайдиган бир майиб киши бўлиб, одамларнинг хайр-садақаси билан кун кечирар эди).

Мен бузоқни Хўжахонга олиб борганимда, у қабул қилмай:

— Отанг ўлгандан кейин ўзларинг мендан ҳам бадтар муҳтож бўлиб қолдиларинг. Мен нима бўлса ҳам хайр-садақа билан бир кунимни ўтказаман. Бироқ, сизлар хайр-садақа олишга одатланмагансизлар,— деди.

Онам яна бузоқни қайтариб юборди. У, бу сафар зўрға қабул қилиб олди. Мен шунда майиб Хўжахоннинг қишлоғимиз имомига қараганда инсофли киши эканини англадим. Эллик ман (400 пуд) буғдой, йигирма беш ман (200 пуд) арпаси ва қанча-қанча пули бўлган имом отам ўлганда лом-мим демай биздан 10 танга олган эди. Унинг жияни Мулланабот ҳатто «домлага оз ҳақ берилди» деб пўнғиллаб ҳам қолган эди. Хўжахон эса, аввал қабул қилмади, иккинчи марта, онамнинг кўнгли учун қабул қилди (имомимиз Дарвоздан бўлиб, Мулланабот унинг хизматкори ҳам эди. Мен буларнинг образи ва характерини «Дохунда»нинг учинчи қисмида Бозорнинг укаси Сафарнинг касали ва ўлими баёнида тасвирлаганман).

Отадан мендан бўлак уч бола қолди, акам Муҳиддинхўжа мендан саккиз ёш катта эди, мен ўн бир-ўн икки ёшда эдим, катта укам Сирожиддин тўққиз ёшда ва кичкина укам Қиромиддин тўрт ёшда эди.

Ҳаммалари — онам ҳам, акам ҳам, укаларим ҳам касал эди. Онамнинг аҳволи кундан кунга оғирлашарди. Укаларим мўйсафидлар айтганидек, тузалиб ўлим хатаридан ўтишган бўлса ҳам, бироқ, ҳали оёққа туриб бемалол юра олмас эдилар. Бутун азоб-машаққат менинг зиммамга тушган эди. Тузала бошлаган беморларга товуқ сўйиб шўрва қайнатиб берардим. Лекин онам ҳеч нарса емас эди. Бунинг устига оқариб етила бошлаган жўхориларни қўриш керак эди. Бироқ, онамни шу аҳволда қолдириб, жўхори қўришга чиқиб кета олмас эдим.

Шу орада касаллик тўшагидан энди турган тоғам онамни кўриш учун бир ҳамқишлоғи билан келиб қолди. Онамнинг оғир аҳволини кўрган тоғам уни олиб кетиш фикрига тушди.

— Ота-онамиз қари ва касал бўлсаларда, ҳали улар барҳаёт, нима бўлса ҳам уларнинг олдига олиб борганим маъқул,— деди.

Мен кўндим, икки ёғочдан сарожа (замбилга ўхшаш нарса) ясаб, беморни унга ётқизиб, сарожани икки эшак устига ортиб йўлга тушишди.

Онамнинг кетиши акам ва укаларимга қандай ва қай даражада таъсир этганини сўзлай олмайман. Менинг кўнглим бўлса

ниҳоятда бузилди, додлаб йиғлагим келарди. Бироқ, бемор ташвишланмасин деб ўзимни тутиб қолдим. Шунга қарамай кўзларимдан тешик шишадан сув оққандай ёш оқарди. Кўзим онамнинг кўзларига тушди. Унинг мадорсиз кўзларидан озиб кетган ва сарғайган бетларига майда ёш томчилари оқар эди. Уша аҳволда эшитилар-эшитилмас овоз билан менга қараб:

— Минг яша!— дерди...

Улар кетишди. Мен «у ҳали ўлмайди, наҳотки отадан ҳам, онадан ҳам бирйўла ажралсам» деб ўзимга тасалли берардим.

\* \* \*

Кўпинча мен далада бўлардим. Тажрибали деҳқонларнинг маслаҳати билан оқариб қолган жўхориларни бирин-кетин қайириб олиб хирмон қила бошладим. Хирмон қилинган жўхорини қўриқлаш учун дала бошида ётиб қолишга тўғри келди. Жўхориюйдан бир чайла ясаб олдим. Кечалари дадам амакиваччасининг онасиз қолган ўртанча ўғли Икромхўжа келиб менинг олдимда ётар эди.

Қиров тушиб экинларни совуқ ургандан кейин бутун жўхориларни йиғиштириб олдим. Қўкбошларини алоҳида ажратдим, етилганларини янчишга ҳозирлаб қўйдим. Уни деҳқон болалари ёрдами билан от ва ҳўкиз топиб, хўп ҳайдаб, янчдик.

Бир неча деҳқон бола кечалари бизнинг олдимизда ётиб қолар эди. Гиждивон бозорига бориб бизнинг олдимизга кечроқ қайтган деҳқон болалардан бири мендан сўради:

— Хўш, сен «вой онажоним» деб йиғлашга бормадингми?

Онамнинг ўлганини, бу воқияни бўланинг бозорда тоғам қишлоғидан келган бирор кишидан эшитиб қолганини фаҳмладим. Бироқ, йиғлай олмадим. Гўё бошимга ўт ёқилиб, бутун баданимни куйдириб, кўз ёшимни қуритган эди.

Мен бирор нарса дея олмадим, бошқалар ҳам лол қолдилар. Бир оздан кейин Икром-хўжа шундай деди:

— Менинг ҳам онам йўқ.— Бу, менга мусибатни енгиллатиш учун айтилган ягона тасалли эди.

\* \* \*

Жўхорини елиб, галвирдан ўтказиб, туйиб қўйдик. Қоплари ва араваси билан хирмон бошида Йўлдошбой ҳозир бўлди. Воситачилар ҳар бир ман (8 пуд) жўхорини унга 10 танга (бир сўм 50 тийин) баҳолаб бердилар. Бозорда жўхори 12 танга эди, Йўлдошбойга кира пули деб икки танга арзон қилиб беришди. Майда-чуйда қарзларни ҳам у тўлайдиган бўлди.

Яна тахминан 5 ман жўхори қолди, ейиш учун уни ташиб олдим. Бундан бўлак анчагина кўкбош жўхори қолган эди, уни ҳам ташиб олдим.

Деҳқонларнинг айтишича, бу ҳосил ўша миқдорда ҳеч мисли кўрилмаган ҳосил эди. «Агар паррандалардан қўриганингда 40 ман оқ жўхори олардинг» дерди улар.

Жўхорини йиғиштириб олганимдан кейин онамни олиб кетган тоғам келди. У онам-

нинг ўлимига қилган харажати билан бизни юз танга қарздор қилган экан. «Бировдан олган эдим, тез топиб бериш керак»,— деди. Воситачилар ҳар бир ман кўкбош жўхорини беш танга (75 тийин) баҳолаб, унга йигирма ман (160 пуд) жўхори тортиб беришди. У пешма-пеш ташиб олди. Кўкбош яна кўп қолган эди, қиш бўйи эшагимиз тўйиб еди.

Мўйсафидлар «ернинг бу қадар кўп ҳосил бериши хосиятсиздир, отангнинг бошини еган ҳам мана шу мўл-кўл ҳосил бўлди»,— дейишарди.

Ёш бўлишимга қарамай, бу гапга қўшила олмасдим.

Мен шундай ўйлардим: «Гўза қуриб кетди, отамнинг бир йиллик меҳнати куйди. Бироқ, бу унинг умрини узайтирмади, нега жўхорининг мўл ҳосили унинг умрини қисқартирар экан?»

Менинг деҳқончилик меҳнатимнинг бево-сита биринчи ҳосили бўлган ошқовоқ ҳам одатдан ташқари кўп солди (яхшиям бу менинг бошимни емади).

Ошқовоқни отамнинг тўқувчилик дўконига териб қўйдим, шипга қадар кўтарилди. Неча дона ошқовоқ олганим хотирамда йўқ, бироқ, шунисини эслайманки, ҳафтада икки марта бир қопдан ортиб, Гиждивон бозорига олиб бориб сотиб, рўзғорга 5—6 тийин харажат қилар эдим. Бу ҳол куздан баҳоргача давом этди, икки юз танга (30 сўм) даромад қилдим.

Биз, ака-укалар, ҳар биримиз ошқовоқ пулидан бир сидра уст-бош қилиб олдик (бу бизнинг бозордан сотиб олган биринчи кийи-

мимиз эди). Қолган пулга боқиш учун баҳорда болалик бир семиз қўй сотиб олдик.

Мен ўша йили оиламизда ҳам ота, ҳам она бўлдим. Онам бир халта тутмайиз қилиб қўйган эди. Бир кампир бир оз тутмайиз қайнатиб, қиём қилиб, ҳолвайтар пиширишни ўргатди. Бу мазали таомдир.

Мен ҳар уч-тўрт кунда тутмайиз қиёмга арпа уни солиб ҳолвайтар қилардим, ҳолвайтарни зоғора билан ер эдик. Жўхоридан гўжа ҳам пиширардим, қатиқ ўрнига онам қуритиб қўйган қурутдан солиб ичардик (гўжа пиширишни мен «Қуллар»да тасвирлаганман), кирни ҳам ўзим ювардим, ўзим жўхорини тегирмонга олиб бориб ун қилиб келардим. Фақат ҳафтада бир, кампир бизга зоғора ёпиб берарди, холос.

\* \* \*

Қиш ўрталарида акам қувватга кирди. Лекин у биз билан уйда қолмай, келаси йилга ўқишга пул жамғариш учун имомлик қилиш нияти билан иш қидириб кетди. Биздан узоқ бир қишлоқда имомлик ишини топиб, ўша ерда қолди. Кунларнинг бирида келиб «Мен ўз харажатимга пул топаман ва ўқишга жўнайман. Сен ҳозирча ўқимай тур, укаларга қарашмоғинг керак»,— деб қайтиб кетди.

Мен ҳам унинг айтганини сўзсиз қабул қилдим. Аввалан, Бухорода яшаш учун пулим йўқ, иккинчидан, кичик укам ҳали жуда ёш, ундан каттаси эса жисмоний заиф эди. Менинг қаровимсиз улар яшай олмас эди.



Баҳорда қўй-қўзи сотиб олиб, уларни боқиш билан банд бўлдим. Бултурги майдонга яна ошқовоқ экдим. Мен икки таноб ерни шудгор қилолмасдим. Менга бир танобга баҳори арпа, бир танобга беда сепсанг, кўп меҳнат талаб этмайди, деб маслаҳат беришди.

Бироқ, баҳори арпа уруғи ўрнига кузги арпа уруғи сепган эканман, ердан униб чиқиб, ажриқ томирига ўхшаш ёйилиб кетди-ю, бўйига ўсмади. Беда ҳам сувсиз қолиб офтобда қовжираб қолди. Қовоқ ҳам ҳосил бермади (мен у вақтда бир ерга бир хил экинни пайдарпай экиш дуруст эмаслигини билмасдим). Хуллас, бу йилги деҳқончилик ишим тамомила барбод бўлди, фақат бир халта тутмайиз ва бир халта туршак қуришиб олишга эришдим, холос.

Бу йил менинг умрим кўпроқ қўй боқиш билан ўтди, кўпинча мен қўйларни қабристонда ўтлатардим (буни мен «Коммунизм колхозини» очеркида тасвирлаганман). Баъзан қишлоқдаги чўпон болаларга қўшилиб дарё бўйида қўй ўтлатардим. У ерда биргаликда лўяшўрак қилиб ердик (лўяшўрак пиширишни «Қуллар»нинг иккинчи қисмида тасвирлаганман).

Бу йили олдимизда кўп пул талаб этадиган бир иш турарди: отам-онамнинг вафотига бир йил тўлиши муносабати билан ош беришимиз ва икки укамни хатна тўйи қилишимиз керак эди. Тоғаларим қишлоғида бир ҳовлимиз бор эди, уни сотиб бу ишларга сарфладик.

Бу орада менинг Бухорога бориб ўқишимга имкон берувчи бир воқиа юз берди. Бувам ва бувим (она томонидан) сизларни умримизнинг охирида кўриб қолмоқчимиз, укаларингни олиб кел деб хабар юборишди.

Укаларим билан эшак миниб қишлоғимиздан ўн олти километр нарида бўлган қишлоққа — уларнинг олдига бордик. Ўша кунни кўшни қишлоққа акамнинг кичик домласи Бухородан меҳмон бўлиб келган экан. Меҳмонга хизмат қилиш учун акамни у ёққа чақиртириб олдилар. Келганимни эшитиб, мени ҳам хизматга чақириб олишди.

Мен бордим. Менга икки катта самоварни қайнатиб туриш вазифаси топширилди. Самовар бошида эканман, бўйи менга тенг бир ёш йигит меҳмонхонадан чиқиб менинг томонимга келди, бироқ, у менга қарамай эснади-да, ўзича ғурунглаб шундай деди:

— Қишлоқ кўнглимга тегди. Бу ерда лоақал байтбарак қиладиган бирор одам ҳам топилмайди.

— Байтбарак нима деган гап?— деб сўрадим.

У менга ажабланиб қарагандан кейин:

— Саводинг борми?— деб сўради.

— Оз-моз ўқий оламан.

— Ёддан байт биласанми?

— Бир неча байтни биламан.

— «Байтбарак» шундай ўйинки,— деди у бола,— мен бир байт ўқийман, сен жавоб беришда бош ҳарфи мен ўқиган байтнинг сўнгги ҳарфи билан бир бўлган бир байтни

Ўқийсан, ундан кейин мен бош ҳарфи сен ўқиган байтнинг сўнгги ҳарфи билан бир бўлган байтни ўқиб, сенга жавоб қайтараман. Мана шу тариқа навбатма-навбат байт ўқиша берамиз. Қимки жавоб бера олмаса, ютқизган ҳисобланади.

— Бундай бўлса бошланг.

У бир байт ўқиди, мен жавоб бердим, у менга жавоб қайтарди, мен унга. Тахминан эллик-олтмиш байт айтишдик. Пировардида у «ж» ҳарфида енгилди. «Ж» (масалан, (аждар»—*Тарж.*)— ҳарфини «ж» (масалан, «жўжа» тожикча ёзилиши «чўча»—*Тарж.*) билан айтмоқчи бўлди. Мен унамадим. Жанжал бошланди. Жанжалимизнинг устига меҳмонхонадан бир кўзи кўр ўрта ёшли бир киши чиқиб қолди. У жанжални бир оз тинглади-да, сўнг меҳмонхонага кириб кетди. Унинг изидан у бола ҳам меҳмонхонага кириб борди. Бир оздан кейин мени меҳмонхонага чақиришди. Мен кирдим.

Тўрда 25—26 ёшлар чамасида соқол қўйган бир йигит ўтирарди. У бош меҳмон эди. Мен унга салом бердим.

— Сенинг гапинг ҳақ!— деди у менга ва чой қуйиб ўтирган акамга қараб давом этди,— бу болани ўқитиш учун шаҳарга олиб бориш керак. Қобилияти борга ўхшайди.

Акамнинг домласи бўлган уй эгаси ҳам унинг гапини қувватлаб:

— Албатта, олиб бориш керак,— деди.

Меҳмон Шарифжон Махдум деган Бухоронинг катталаридан бўлиб, унинг отаси Бухорода қозикалон ўтган экан. Унинг қобилиятимни тақдирлаши Бухорога бориб ўқиш

фикримни қатъийлаштирди (Бола эса Шарифжон махдум хизматкори Мирзаабдулвоҳид Мунзим эди. У умрининг охирида Сталин-ободда ишлар эди. 1934 йилда вафот қилди. Доимо мен билан дўст эди).

Меҳмонлар тарқалгандан сўнг мен Бухорога бориш масаласини акамнинг олдига қатъий қилиб қўйдим. Мулла Абдусалом ҳам менга ён босди: «Тирикчилик бир нав ўтар, худо подшодир» деди.

Охири укаларимни бувимга қолдириб, акам билан Бухорога бориб ўқишимга қарор қилишди.

\* \* \*

Қўйларни сотиб, ўзим ва укаларимга бир бошдан кийим қилиб, қолган беш танга (75 тийин)ни сақлаб қўйдим. Тутмайиз ва туршак кўтариб укаларимни бувимникига олиб бориб қўйдим. Шаҳар харажати учун эшакни сотиб акам пулини асраб қўйди.

Ҳижрий ҳисоби билан мен 1306 йил (1890 йилнинг сентябрь ойида) Бухорога ўқишга бордим. Бухорода Мир Араб мадрасасининг тўртинчи қаватидан бир ҳужра топилган экан, мен ҳам ўша ҳужрага жойлашдим.

Акам сотилган эшак пулига ва имомчиликдан топган даромадига бир оз озиқ-овқат ва ёқилғи сотиб олиб қўйди. Бироқ, агар бу озиқ-овқатни иккаламиз баҳам кўрганда, у таҳсил ўртасига бориб тугаб қолар эди. Шунга кўра, мен учун бошқа бирор жойдан овқат топиш йўлини ахтариш керак эди. Бунинг иложи ҳам топилди. Мадрасага бориб

Ўқишимга далолат қилган акамнинг кичик домласи — Мулла Абдусалом мени ўз ҳамтовоқларига ошпаз қилди. Улар уч шерик бўлиб, мен ҳар куни навбатма-навбат бирининг ҳужрасида ош пиширар эдим. Ҳужраларини супуриб-сидирар ва дам олиш кунлари кирларини ювиб берар эдим. Менинг хизмат ҳақим улар билан овқат ейиш эди. Мен нонуштани акамнинг ҳужрасида қилардим, кечки чойни ҳам ўша ерда ичар эдим. Шунга қарамай, Бухорода ўқишга имкон топганим учун хурсанд эдим.

Бироқ, ўша йили мен ўқишдан етарли баҳра топа олмадим: мен уч дарс ўқирдим, китоблар арабча эди. Домлалар тожик тилига таржима қилсалар ҳам, бироқ тушунтира олмас, арабча ибораларни таржимаси билан бирга ёд олишга буюрар эдилар.

Яхшиям берилган топшириқларни суриштирмас эдилар. Шунга қарамай, мен уларни ёдлашга ҳаракат қилар эдим. Янги муллаваччалар билан бирга кечалари мадраса ҳовлисида дарс такрорлар эдик. Қанчалик совуқ бўлмасин, қор ёққан бўлмасин, барибир бу машғулоти тарк қилмас эдик. Баъзан тош устидаги қорни енгимиз билан супуриб ташлаб, унга ўтириб дарс такрор қилар эдик. Домлалар бизга «Қиши қанчалик илм йўлида машаққат чекса, у шунчалик яхши мулла бўлади»,— деб таълим берар эдилар.

Менинг бир пахталик чопоним бўлиб, унга ўралиб олар эдим. У вақтда Бухорода, айниқса мадрасада камзул ва шим кийиш расм эмас эди. Менинг маҳсим ҳам йўқ эди. Оёқ яланг жайдари кўндан тикилган ковуш ки-

йиб, лой, қор кечардим, оёқларим ёриларди.  
Оёғимнинг ёрилган жойларига ёниб турган  
шам ёғини томизиб даволардим.

\* \* \*

Уч юздан ортиқ талабаси ва хатм қилган муллалари бўлган Бухоронинг Мир Араб мадрасасида мен шеър ва адабиёт тўғрисида суҳбатлашадиган бирон кишини ҳам кўролмадим. Менинг хўжайинларим дам олиш кунлари (Бухоро мадрасаларида ҳафтада тўрт кун — шанба, якшанба, душанба ва сешанба кунлари дарс бўлиб, қолган уч кун дам олиш бўларди) бир ҳужрага тўпланишар, мен ухлаш вақтига қадар уларга хизмат қилардим. Ош пиширар, чой қайнатар эдим. Бироқ, мен уларнинг суҳбатидан ҳеч баҳра тополмас эдим. Чунки улар вақф ҳақида, илмий мансаблар ҳақида ва муллаларнинг ҳақ ёки ноҳақ илмий мансабга эришгани ҳақида сўзлашар эдилар. Баъзан қадимги Греция фалсафаси ҳақида, масалан, «олам яратилганми ёки абадийми» деган мавзуда мунозаралашар эдилар, мен бу мунозаралардан бирор нарса тушунмас эдим. Агар китобхонлик қилишса, шайхлар маноқиб ва пайғамбарлар муъжизасига доир китоблар ўқишар эди. Булар менга ёқимсиз бир афсонадай туюлар эди (мен қишлоқда кампирларнинг кўп афсонасини эшитган эдим. Улар жуда ёқимли эди. Аммо бу китоблар жуда оғир ва кишини бездирувчи эди).

У мадрасада Аҳмад Қалла ҳам деб юритилган муҳандис Аҳмад Махдум Донишнинг

хужраси бор эди. У ўз ҳовлисида ҳар ҳафта бир куни кечқурун бу хужрага келарди, муллалар уни шоир ва донишманд деб ата-салар ҳам, кофир, динсиз ҳисоблар эдилар. Қалбим бу киши билан танишишга ошиқарди, лекин ёшлигим бунга монелик қиларди (Аҳмад Дониш ҳақидаги таассуротларим катта ва узундан-узоқ бўлиб, уларни ўрни келганда бирон жойда ёзарман).

Кунларнинг бирида мадрасада мен ўзимга жуда муҳим бўлган бир китобча қўлга киритдим: мадрасада кўлоблик Абдулҳаким деган мулла бўлиб, у дам олиш кунлари бозорда китоб олиб сотарди. Бир куни у бозордан бир неча китоб олиб келди, уларни мадраса дарвозаси олдида турган муллаларга кўрсатиб, бу муҳим — қимматли китоблар деб мақтар эди. Ўша китоблар ичида тош босмада босилган тахминан бир жуз<sup>1</sup> катталигида бир китобча ҳам бор эди. Бироқ, у бу китобга аҳамият бермасдан уни четга олиб қўйган эди. Мен уни очиб кўра бошладим. У Маҳмуд ва Аёз номли шеърӣ китоб бўлиб, байтбарак тарзида ёзилган эди, унда араб алифбесининг ҳар бир ҳарфи билан бошланган содда ва равон ғазаллар бор эди.

Бу китобчани мен жуда ёқтирдим. Ғазаллари менга тушунарли эди (кейинроқ адабий қиммати пастлигини билдим), бу китоб байтбаракда ютиб чиқишимга катта ёрдам берди.

Мен мулладан: Бу китоб қанча туради? — деб сўрадим.

---

<sup>1</sup> Бир жуз — тахминан бир босма лист ҳажмида. (Тарж.)

— Бу китоб ортиқча бир нарса. Буни мен бошқа бир қанча китоб билан ночор сотиб олдим. Эгаси бутун китобларини бирийўла сотмоқчи эди,— деди.

— Ортиқча бир нарса бўлса, менга сотинг,— дедим.

— Сен сафсата гапдан иборат бўлган бу нарсани нима қиласан, хўп, майли, бир танга бер!— деди.

Мен югуриб ҳужрага бордим, қишлоқдан олиб келган 5 тангадан 3 тангаси қолган эди, бир танга (15 тийин) олиб келиб, китобфурушга бердим ва китоб меники бўлди.

\* \* \*

1890—91 йил таҳсили тамом бўлди (ҳозирги ҳисоб билан 22 мартда). Таҳсил тамом бўлиши билан акамнинг озиқ-овқати ҳам тугаб қолди. Туркман овулларида ёзда мактабдор (муаллим) қилиш учун уни бир туркман ўртоғи Қаркига олиб кетди.

Акам туркман тилинигина эмас, ҳатто ўзбекчани ҳам билмас эди. Аммо акамнинг ўртоғи «тилни билиш шарт эмас, туркман бойлари болаларини саводли қилиш учун эмас, балки фалончи Бухородан муаллим келтирибди, деган ном учунгина мактабдор сақлайдилар. Фақат туркман шайхлари билан мураса қилиш керак, бўлмаса улар бунга йўл қўймайдилар» деди.

Акам жўнади. Бироқ, мен авжи саратонга қадар, хўжайинларим Бухорода тургунча, мадрасада қолдим. Баҳорда Бухоронинг кўча ва тор кўчаларини, шаҳарнинг атрофи-



ни айланиб, уларни яхши ўрганиб чиқдим (у хотираларни ёзиш учун фурсат керак).

Ёзнинг ўрталарида, тахминан июль ойларида хўжайинларим далага, ўз қишлоқларига қайтмоқчи бўлишди. Мен ҳам Мулла Абдусалом билан тоғаларим қишлоғига жўнадим. У ерда мени катта бир мусибат кутиб олди: кичик укам, энг яхши кўрганим Киромиддин вафот этибди. Бироқ, қайғуришмасин деб ўз вақтида бизга хабар қилишмаган экан. Катта укам, азалдан жисмоний заиф бўлган Сирожиддин ўлимдан зўрға омон қолибди. Мен уни ҳам ўзим билан бирга Бухорога олиб кетишга қарор қилдим.

У ердан ўз қишлоғимиз — Соктарега бордим, ҳовлимиз хароб бўлган, дарахтлар сувсиз қолиб қовжираган, ўриклар хом-хатала еб кетилган эди. Ерга экин экишни акам бировга топшириб, унга уруғлик бугдой қолдириб кетган эди. Бироқ, у уруғликни еб, ерни наридан-бери эккан экан, ҳосил унмабди...

Мен бир оз Соктареда ва бир оз тоғаларим қишлоғида бўлиб, таҳсил бошланишидан бир неча кун бурун (ҳозирги ҳисоб билан 24 сентябрь — ўқиш бошланиши вақти эди) укам билан бирга Бухорога келдим. Акам ҳам Қаркидан келган экан. Укамни шаҳарга олиб келишимнинг сабабини айтдим, у маъқуллади.

Укам доимо акам билан бирга бўлди, мен бултургидай Абдусаломларга — уч шерикка ошпазлик қилдим.

Бир куни кечаси Абдусалом ўз дарсдоши ва жамоат қориси (синф бошлиғи) Шариф-

жон махдумга зиёфат берди. Шарифжон махдум бу зиёфатга ўзининг бир неча улфат ва дўстларини ҳам олиб келган эди. Меҳмонлар келишди. Мен ош пиширдим, бошқа ишларни ҳам бажардим. Шарифжон махдум мени кўриши биланоқ таниди ва:

— Бу болани ўқишга олиб келиб яхши иш қилгансизлар,— деди. Меҳмонлар менинг хўжайинимга ўхшамасди, улар қувноқ ва хушчақчақ кишилар эди. Улар шеър ва латифалар айтишар эди. Мен Бухорода бундай қувноқ кишиларни ва адабиётчиларни биринчи марта кўрмоқда эдим.

Зиёфат соат биргача давом этди. Меҳмонлар тарқалиб кета бошлаганида, Шарифжон махдум Мулла Абдусаломга қараб бундай деди:

— Агар бу бола акаси олдида қийналадиган бўлса, у тақдирда бизнинг ҳовлимизга олиб боринг. Хизмат қилиб, ўқиб юради.

Мулла Абдусалом — хўп,— деди. Эртаси куни мен Бухоронинг Чорхарос гузаридаги Шарифжон махдум ҳовлисига хизматкор бўлиб бордим. Мен ўлик табиат кишилардан қутулиб, қувноқ кишилар муҳитига кириб бораман деб шод бўлдим.

\* \* \*

Шарифжон махдумнинг ҳовлиси катта эди. Ташқари ҳовлининг бир даҳлиз ва бир ҳужрачасида Шарифжон махдум ёлғиз ўзи турарди, бир уйда укаси ва яна бир уйда отбоқар яшарди. Орқа томонда бир айвон ва

кенггина ҳовли бор эди, у ерда икки от боқиларди. Ичкари ҳовлида ҳам кўпгина уйлар бўлиб, у ерда Шарифжон махдумнинг онаси, хотини ва бошқа яқин қариндошлари туришарди.

Ташқари ҳовлининг хизматкорлари: отбоқар, Мирзабаде деган бир кўзли харажатбоши, Мирзаабдулвоҳид ва мен эдик.

Шарифжон махдумнинг уйи менинг учун ҳам яхши, ҳам ёмон эди. Шунинг учун яхши эдики, учала дам олиш куни кечалари у ерда шаҳарнинг шоирлари ва хушчақчақ кишилари тўпланишиб шеърхонлик қилишар ва латифа айтишар эди. Ўшандай вақтларда меҳмонхона хизмати — чой олиб кириш, дастурхон ясаш ва бошқаларни мен ва Мирзаабдулвоҳид бажарар эдик. Мен у суҳбатлардан яхши баҳраманд бўлар эдим. Муҳим адабий материалларимни мен ўша ҳовлида йиққанман деб айта оламан. Мен ўша ерда Муллоназулла Лутфий, Абдулмажид Зуфунун, Содиқхўжа Гулшаний, Ҳомидбек Ҳомид, Абдуллахўжа Таҳсин, Қориабдулкарим Офарин Дўзахий, Мирзаазим Сомий, Мирзаҳайит Саҳбо ва бошқалар билан танишиб, қадрдон бўлиб қолдим. Гарчи уларнинг фикр савиялари бошқа замондошларидан кам фарқ қилса ҳам, лекин бошқаларга нисбатан оппозицион хатти-ҳаракатлари бор эди.

У йиғилишларда Аҳмад Қалла ҳақида ҳам сўз борарди. Бироқ, булар мадраса муллаларига ўхшаш уни ҳақорат қилмас, балки ҳурмат билан тақдирлаб номини тилга олар эдилар.

Шарифжон махдум ёлғиз қолган пайтларида кўп шеър ва бошқа адабий асарлар ўқир, завқли ўринларини баланд овоз билан мен ва Мирзаабдулвоҳидга ўқиб берар, изоҳлар эди. Баъзан «Шоҳнома»га ўхшаш асарларни бизга ўқитиб қулоқ соларди, биз хато ўқиган ўринларни у тuzатар ва биз тушуна олмаган ўринларни тушунтириб берар эди.

Шуларга қарамай, бу ҳовлининг иши мен учун жуда оғир эди. Одами кўп бўлган бу ҳовлининг оғир ва қийин ишлари кўпинча менинг бўйнимга тушар эди. Уй ва ҳовлини супурардим, баъзан отбоқар отхонани ҳам менга супуртирарди, бу катта ҳовлининг ўчоқларига ўтин ёриб берардим, харажатбоши бозордан нимаики сотиб олса, менга кўтариб келтирарди. Пошобиби (хўжайиннинг онаси) ҳар куни менга неча марта бирон жойга тугун кўтариб бориш ёки кўтариб олиб келишни топширарди.

Кейинроқ мен бу ердаги барча хизматчиларнинг ҳақ олмай, бепул ва кийимсиз ишлашини билиб олдим. Харажатбоши, бир куни хўжайин қози бўлса, унинг давлати соясида кўп пул топаман деган умид билан текинга ишлар экан. Мирзаабдулвоҳид менга ўхшаш ота-онасиз етим ва қариндошсиз экан. Отасининг бир қадрдони «бола кўчада қолиб дайдиланиб юрмасин, бу ерда бирор нарсани ўрганиб олар» деб қолдириб кетган экан. У келажакда қозихона мирзаси бўлиш умиди билан хат ва васиқа ёзишни машқ қиларди. Қийимини эса отасидан қолган меросдан қилар эди. У меросини бировга амонатга қолдирган эди. Отбоқар эса бир қишлоқи одам эди. Унинг

акаси Шарифжон махдум билан шерик экан, у махдум (Шарифжон) воситаси билан даҳъяк—(илмий мукофот) олиш истагида экан. Шунга кўра хушомад қилиб ўз укасини бу ерга отбоқар қилиб қолдириб кетган экан. У даҳъяк олгач, укаси бу ердан кетарди. шундан сўнг ўлганнинг устига тепган деган-дек икки отнинг қарови ҳам менинг бўйнимга тушарди.

Бирон мақсадсиз қорин тўйғазиб ўқиш учунгина бу ерда хизмат қилувчи, ёлғиз бир мен эдим, холос. Тўғри, мен бу ерда кўп нарса ўрганмоқда эдим. Бироқ, иш оғир ва эгним бутун эмас эди.

Бир чопоним, кўйлак ва лозимимгина бўлиб, улар ҳам эскириб йиртилган эди. Ҳамма кетиб, ҳовлида ҳеч ким қолмаганда, отхона томонига ўтиб кўйлагимни ювардим, уни қуритиб кийганимдан кейин, лозимимни ювардим.

Ҳали ҳам маҳсисиз эдим, булғорча ковушим йиртилган эди, йиртиқ ковуш билан ҳовли ва кўчада лой-қор кечардим.

Бир маҳал хўжайин ковушимни кўриб:

— Ковушинг йиртилибди, бошқа ковушинг йўқ шекилли. Мана менинг бу ковушимни кий!— деди-да, эски ковушини менга берди. Аммо бу ковушнинг менинг оёғимга тўғри келиш-келмаслигини ўйламади ҳам. Мен у ковушни акамга бериб, ўзим ўша эски йиртиқ ковушда қолавердим.

Бир вақт хўжайиннинг хотини туғди, хўжайин биз — хизматкорларни баъзи ошноларига хабар бериш учун юборди. Шу жумладан мени Хўжасултон деган кишига юбор-

ди. Хўжасултон менга ўзи кийиб юрган бир олача чопонини берди. Мен чопонни хўжайинга олиб келиб бердим. Бироқ, у олмади:

— Ўзинг кийиб юр ёки киймасанг сотиб юбор,— деди. Бироқ, мен у чопонни кия олмасдим, бўйи менинг бўйимга икки баравар келарди. Лекин сотгим ҳам келмасди, чунки арзонга кетарди. Уни ҳам акамга бердим.

Менинг олти ойлик меҳнат ҳақим мана шу икки нарса бўлган эди.

Бундай шароит менга жуда оғир эди. Бир кун акамга бориб шикоят қилдим (у вақтда акам укам билан бирга Олимжон мадрасасида турарди), ундан кийим ҳам берадиган бирор бошқа жойга ишга киритгин деб ёрдам сўрадим. Шунда акамнинг олдида Мирсолиҳ махдум деган шеригим бор эди. Унинг Чорхарос гузариди ҳовлиси ва ўша гузардаги Олимжон мадрасасида ҳужраси бор эди.

У менга Олимжон мадрасасига фаррош (супуриб-сидирувчи киши) қилиб ишга жойлаштиришга ваъда берди. Бироқ, икки ой кутиш керак экан:

— Ҳозир кўлоблик бир муллавачча фаррош. Икки ойдан кейин у Кўлобга кетади ва мен сени унинг ўрнига ўтказаман,— деди.

Мен яна икки ой давомида тишни тишга қўйиб Шарифжон махдум ҳовлисида турдим! Ваъдага биноан Олимжон мадрасасига фаррош тайинландим, хўжайинга айтиб, ундан рухсат олиб, жўнадим.

Кунлардан бир кун Чорхарос гузаридан ўтиб борар эдим, Шарифжон махдум дарвозаси олдида турган экан, мени чақириб олди.

— Бесабрлик қилиб бизнинг уйдан кет-

динг, мен сенга кийим тайёрлаётган эдим. Хамирнинг учидан патир дегандек бир ятак ҳам тайёр бўлган эди. Кел, ол, киясан,— деди. Мени ҳовлига бошлаб кириб, меҳмонхонадан бир ятак олиб чиқиб берди. Мадрасага келиб кийиб кўрдим, бўйимдан бир қарич узун эди. Бу хўжайиним билан охириги ҳисоб-китоб эди.

### III

Олимжон мадрасаси аслида мадраса учун қурилмаган бино бўлиб, Олимжон деган бир киши ўз ҳовлисини мадраса қилган экан. У ерда пасти-юқори қисми бўлиб жами ўнта ҳужра бор экан, бу ҳужралар тайёр уйларни девор олиб тўсиш билан қилинган экан. Мадрасанинг ичи тор ва ҳужралар бесўнақай эди.

Ҳиндистонлик ҳинд судхўрлари яшайдиган бир сарой мадрасага вақф сифатида қарар эди. Мадраса вақфидан фаррош қисматига ҳар ойда ўн танга (бир сўм эллик тийин) тегарди.

Акам далага кетди, мен у турган ҳужрага кўчиб ўтдим, укам билан бирга яшай бошладим. Фаррошликнинг асосий хизмати у қадар оғир эмас эди. Менга ўхшаш меҳнатда эзилган бир йигит учун кичик мадрасани супуриш, қор ёққанда томини кураш оғирлик қилмас эди. Бироқ, фаррошликнинг қўшимча меҳнати ғоят кўп бўлиб, бу дарс тайёрлашим ва адабиёт билан шуғулланишимга халақит берарди.

Ун ҳужрадан бирида — мен, яна бирида — муаззин (мадраса сўфиси) вақтинча турардик, қолган саккиз ҳужрада муллалар яшар эди, бу ҳужралар уларнинг хусусий мулки бўлиб, ўзлари сотиб олишган эди. Уларнинг барчаси бухороликлар бўлиб, ёзин-қишин мадрасада туришарди. Бири мен билан ҳамсабоқ эди, мен унга нисбатан тузук ўқирдим. Шунга кўра у менга иш буюрмасди, яна бири акамнинг шериги Мирсолиҳ махдум бўлиб, у менга текинга иш буюрмасди, ҳатто хизмати-ни қилмасам ҳам, менга доимо чой-нон берар ва кийим-кечак билан кўмаклашарди. Қолган 6 нафар киши менга шундай муомала қилишардики, гўё мен уларнинг қули эдим. Мен уларнинг ҳужраларини супурар эдим, ўтинларини ёриб берар эдим. Уларнинг ҳар қайсисининг ўз ҳовлиси ҳам бўлиб, ҳовлиларининг қорини кураш ва ўтин ёриш ишини ҳам менга буюришарди. Шунга қарамай, менга бирон пиёла чой ва бир бурда нон ҳам беришмасди.

Мадраса мутаваллиси саводсиз эди. Мутаваллилиги учун мадраса вақфининг ўндан бирини ўша оларди. У ўз ҳовлисида яшарди. Лекин ҳовлисида бирор оғир иш чиқиб қолса, чақириб олиб, мени ишлатарди. Ёзда мадраса вақфи бўлган сарой ремонт қилинди. Мутавалли мени чақириб олиб, усталар ишини назорат қилувчи саркор тайинлади. У харажатлар суммасини менга ёздирарди. Мен ўша ерда, Бухоронинг бошни мисдай қизитувчи иссиғида, лой-тупроқда икки ой ишладим. Бироқ, менга қўшимча (фаррошлик ҳақимга қўшимча) бирор пул ҳам тўламади.

Ҳужра эгалари, имом ва мадраса мудар-



риси мутавалли ўғирлик қилмасин деб менга, яширин равишда харажатларни кузатиб туришни буюришди. Мен бу буйруқни бажариш учун бир мардикордан «сени қанчага баҳолаб олиб келди» деб сўрадим, у «ҳаммамиз — ўн кишини бир танга (15 тийин)дан баҳолаб олиб келди» деди. Ваҳоланки, мутавалли харажатлар рўйхатига ўн мардикорни икки тангадан (30 тийин) ишлатилди деб ёздирган эди.

Бироқ, мутаваллининг мардикорлари ичида айғоқчиси бор экан, у менинг яширин назорат қилиб юрганимни сезиб қолибди. Мутавалли мени бир бурчакка чақириб олиб:— Сен иморат харажати текшириш изидан юрма, бу иш сенга мадраса аҳолиси томонидан топширилганини биламан. Мен истасам сени бир куннинг ўзидаёқ фаррошликдан четлатаман ва у катталар бирон нарса қилолмайдилар,— деди.

Мен буни менга ҳомий бўлган Мирсолиҳ махдумга айтдим. У:— мутавалли тўғри айтади. Сен унинг ишини текшириб юрма, кишиларнинг ўғрилигини мен билан сен бартараф қилолмаймиз. Ҳамма ўғри. Агар мутаваллининг ўғрилигини суриштириб юришни истаган ўша одамлардан бири иморатга бошлиқ қилиб қўйилса, мутаваллига қараганда ўн баравар ортиқ ўғрилик қилади,— деди.

Мен ҳам харажатни назорат қилиб юришдан воз кечдим. (Юқорида айтганимдек у саройда судхўр ҳиндилар туришарди. Мен «Дохунда»нинг «Ҳинд қарзи ва саллали ҳинди» бобларини) иккинчи қисм, 16 ва 17 боблар (ўша вақтда ўрганган эдим).

Укам қишлоқ мактабида бир неча йил ўқиган бўлса ҳам, ҳали саводсиз эди. Акам билан бирга мадрасада бўлиш унга фойда бермабди. Унинг саводини чиқаришга мажбур бўлдим. Шунга кўра ҳар куни кундузи ва кечқурун унга таълим бериш учун икки соат вақт ажратардим.

1892—93 ўқув йилида мен «Шарҳи мулло»<sup>1</sup> ўқийдиган бўлиб қолдим. Энди кичик муллардан ташқари бирон катта мударрисда ўқи-моғим керак эди. Даврининг машҳур мудар-риси ва акамни ҳам ўқитган домла Икромга шогирд бўлдим (Исо махдум шоир вабо йили ўлган эди). Унда ўқийдиган бизнинг жамоа (группа) олтмиш-етмиш киши эди. Жамоа қориси Шарифжон махдумнинг укаси эди (Бухорода жамоа қорисининг катта махдум-мулла зодагонлардан тайинланиши гўё бир қоида эди). У ҳам Бухоронинг кўпчилик катта махдумлари каби саводсиз эди. Унинг яхши ҳамсабоқларидан бўлганим туфайли (ўша давр кишилари фаҳми доирасида) у менга дарсдан олдин уйимга келасан, бирга дарс тайёрлаймиз деди. Мен қабул қилдим. Бироқ, ўртамизда бирон фойдали иш, дарс тайёрлаш, китоб ўрганиш бўлмасди. Мен унга ўқиладиган дарс ибораларини сўзма-сўз ўргатардим. У ҳам тўтига ўхшаш такрорлар-ди ва мендан ўрганганини домлага ўқиб берарди.

<sup>1</sup> Бу Абдурахмон Жомий асари бўлиб, араб тили синтаксисига доир «Қофия» деган китобга шарҳ сифатида ёзилган.

Шу муносабат билан мен ҳар куни бир марта яна Шарифжон махдум ҳовлисига бориб келадиган бўлиб қолдим. Шарифжон махдум энди мени кўрганда бир оз ҳурмат қиладиган бўлиб қолди. У укасининг қозикалонлар авлодидан бўлишига қарамай, илм бобида бир саҳройига (бухороликлар қишлоқ муллаваччаларини ва умуман қишлоқ аҳолисини саҳройи деб таҳқирлар эдилар) муҳтож эканидан уялгандек бўларди ҳам.

Бироқ, укаси уялмасди, ёрдамимга муҳтож бўлишига қарамай, баъзан уйини менга суртурарди ҳам.

\* \* \*

1893 (1310 ҳижрий) йилнинг ёзида Бухорода яна вабо тарқалди. Қишилар бу вабо 1889 йилдаги вабодан кўра оғирроқ келди деб айтар эдилар.

Укам билан бирга кунига нўхат шўрва сотиб олиб ичардик, нўхат хийла арзон эди. Одатдагидек бир куни эрталаб нўхат шўрва сотиб олиб келдим, ичдик, негадир ўзимни ёмон сездим. Уйқу босди, ухладим. Кўнглим айниб уйғондим. Мадраса ҳовлисига чиқиб қўсдим, кейин йиқилиб қолдим. Бошқа воқиядан хабарим йўқ. Бу воқия июль ойларида бўлган эди.

Бир куни кўзимни очиб қарасам Мирсолиҳ махдум ҳовлисида йўлакдаман, этагим тўла кесак. Укам зориқиб «этагингдан кесакларни олиб ташла» деб ялинмоқда эди (Мен икки қўлим билан этагимни ўраб маҳкам ушлаб турар эканман), ҳушимга келдим, этагимга

кесак соволганим учун уялдим, тўкиб ташладим, бироқ яна ҳушдан кетдим.

Бир куни азон пайтида кўзимни очдим. Ёнимда укам ухлаб ётарди. Уй Мирсолиҳ махдумнинг меҳмонхонаси эди. Унинг етмиш ёшли отаси менга яқин жойда ўтириб, китоб кўчирарди.

Мен унга қараганимда, у менга:

— Муборак бўлсин, қутулдинг, — деди ва ўғилларидан бирини чақириб олди-да, — тезда ширчай қилишсин, — деди.

Ярим соатда ширчай тайёр бўлди. Қария менга бир пиёла ширчай ичирди ва:

— Пешингача ҳеч нарса емайсан, — деди.

Мен нон ейишни истардим. Бироқ, у қатъий манъ этди. Пешинда ҳам ширчай ичирди. Эртаси куни ширчайга нон тўғради. Бироқ, нонини егани қўймади. «Бугун ноннинг суви ва мазаси кифоя қилади», — деди.

Учинчи куни шўрванинг сувини бир оз лочира билан ичирди.

Уларнинг ҳисобича мен 29 кун ҳушсиз ётган эканман. Хатардан ўтганимдан кейин бу ерда яна бир ой ётиб қолдим, қария менга оталарча қаради ва укамни ҳам боқиб турди.

Мирсолиҳ махдумнинг отаси Миризом деган киши бўлиб, у кишининг отаси Мир-олим деган Ўратепа муллаларидан бири экан. Миризом оз вақт мадрасада ўқиганидан кейин, отаси изидан бориб мулла бўлишдан воз кечиб, амир Музаффарга навқараскар бўлиб хизмат қила бошлаган эди. Амир билан рус подшоси ўртасидаги жангда у ўнг қўлининг панжасидан жудо бўлган эди.

Уратепа рус аскарлари томонидан олин-  
гандан кейин Миролим оиласи билан Бухоро-  
га кўчган экан. Миризом жангда ярадор бўл-  
гани учун амир уни қоровул беги қилиб  
тайинлаган, у бу амалидан йилига уч юз ёки  
тўрт юз танга (45—60 сўм) даромад қилар  
экан. Унинг икки ўғли қушбеги мирзахонаси-  
да кичик котиб бўлиб, учинчи ўғли Мирсолиҳ  
мадрасада ўқир ва энг кичик ўғли Мирҳик-  
мат уйда ишлар экан.

Бу қариянинг ўзи ўнг панжаси кесилгани-  
дан кейин чап қўли билан хат ёзишни машқ  
қилибди. Мен унинг уйда бир ой бўлдим, у  
доимо чап қўли билан китоб кўчиради. Бу  
киши хушхат бўлиб, арабча китобларни тўғри  
ёзарди.

— Мен қариган бўлсам ҳам, ўз юкимни  
болаларим гарданига ташламайман. Ойига  
китоб кўчириш билан эллик-олтмиш танга  
пул топаман, шу билан рўзғоримни ўнгара-  
ман,— дерди.

\* \* \*

Касалдан тузалиб турганимдан кейин  
фаррошликдан воз кечдим. Чунки, биринчи-  
дан, қаттиқ беморликдан кейин оғир ишга  
кучим етмасди, иккинчидан, дарсим ҳам кўп-  
роқ ва қийинроқ бўлиб қолган эди. Фаррош-  
ликни давом эттириш дарсларимни ўзлашти-  
ришга халақит берар эди.

1892—93 таҳсил йилида акам Бухоро  
катта масжидининг шимоли-гарб томонидаги  
янги Бадалбек мадрасасида истиқомат қилди.

1893—94 йилда акам у мадрасадаги ҳужрасини мен билан укамга бериб, ўзи яна Мир Араб мадрасасига кўчди.

Бадалбек мадрасасида биз жойлашган ҳужра соғана шаклида бўлиб, катталиги одатдаги соғанага икки баравар келар эди. Яхшиям укам Қозижон деган кишининг ҳовлисига хизматкор бўлиб борди ва мен у соғанада ёлғиз қолдим. Мен Бадалбек мадрасасида акамнинг ҳамсабоғи Зуҳур махдумга ошпаз бўлдим. Мадрасада унинг икки ҳужраси бўлиб, икки ҳужрада икки оғайни туришарди. Укаси сил эди. Мен икки оғайнининг овқатини тайёрлар, кирини ювиб берар ҳамда бемор силга ҳам қарашардим.

1894 йилнинг ёзида унинг касали оғирлашди, ҳавони ўзгартириш учун уни бир қишлоққа чиқаришди. Қишлоқда ҳам ошпаз ва касалга қаровчи киши мен эдим. Биз у қишлоқдаги бир боғда икки ой турдик. Дала ҳавоси беморга у қадар фойда бермаган бўлса-да, лекин менга катта фойда берди. Мен ўтган йилги касалликдан кейин ҳали ҳам яхши қувватга кирмаган эдим. Икки ой давомида яхшигина семириб, аввалгидан ҳам бақувватроқ бўлиб шаҳарга қайтдим.

Уша йили кузда бемор вафот этди, унинг энгагини ўзим боғладим (бу ишни мен отам ўлганда ўрганиб қолган эдим). Унинг вафотидан кейин акаси уйланди ва мадрасадан ҳовлисига кўчиб кетди.

Зуҳур махдумнинг кўчини ташир эканман, шунда у:

— Эсдалик учун укамнинг чопонларидан ёки китобларидан бирини олгин,— деди.

Мен унинг китоблари ичида Соибнинг бир девонини учратган эдим, ўшани топиб олдим.

Бу китобни танлаб олганимдан таажжубланган Зухур махдум:

— Нега бирон қиммат баҳо нарсани танлаб олмадинг? Бу китобни бозорга олиб чиқсанг беш тангага олишмайди,— деди.

— Мен буни сотмайман, менга бу ҳамма нарсадан ҳам қимматлидир,— дедим.

— Хўп, майлинг. Бизнинг қўлимизда бекор ётарди, мен ҳам, укам ҳам ўқимасдик. Шояд сен буни ўқисанг! Бу китобдан ҳам фойдаланилса (Соибнинг бу девони ҳозир ҳам менда сақланмоқда).

\* \* \*

1894—1895 таҳсил йили бизнинг жамоамиз қориси Ғафур махдум бирйўла икки йиллик дарсни ҳатлаб «пешқадам» бўлди. Зероки қози бўлиш учун тезроқ мадрасани тугатиш лозим эди. Жамоамизда кўзга кўринарли бошқа махдум йўқ эди. Шунга кўра Мулла Иброҳим деган Бухоро бойваччаларидан бири қори бўлди.

Иброҳим форсча-тожикчадан саводли эди, адабиётни севарди, ҳатто ўзи шеър ҳам машқ қиларди. Бироқ, арабчадан унинг саводи йўқ эди. Домла ва синфдошлар олдида шарманда бўлмасин деб мен унга ҳар куни бўлажак дарснинг ибораларини яхшилаб ўргатардим.

Иброҳимнинг ота-онаси йўқ эди. У отасидан қолган мерос билан яшарди. Укаси савдогар эди. Укаси ичкари ҳовлида ва Иброҳим ташқари ҳовлининг болохонасида турарди.

Унинг овқати ҳам, кийим-кечагини ювиш ҳам ичкари ҳовлида бўларди.

Иброҳим шеър машқ қиларди, тахаллуси Осим эди. Уратепалик Муллахоли деган бир шоир шеърда унга устозлик қиларди. Бироқ устоз билан шогирднинг маҳорат савияси деярли тенг эди.

Мен ҳам у пайтларда баъзан-баъзан шеър машқ қилардим. Бироқ, уларни бирон кишига кўрсатмас эдим. Ёзган шеърларимни қайта-қайта ўқирдим. Ун беш кун ё бир ой ўтгандан кейин шеърларимнинг яхши эмаслигини ўзим пайқаб, биров кўрмасданоқ куйдириб ташлар эдим.

Уша йили овқатим ва кийим-кечагим Иброҳимлар ҳисобидан бўлди. Унинг уйи Шарифжон махдумнинг уйидек бўлмаса ҳам, лекин адабиётдан холи эмас эди. Бойваччанинг дастурхони очиқ эди, баъзан шоирлар ва чолғучилар келишарди.

1895 йилнинг ёзида Осим саёҳат мақсади билан Ҳажга жўнади, у Ҳажга жўнаш олдида менга хотира учун Жомийнинг бир босма девонини берди, бу девон менда ҳали ҳам бор. («Намунаҳои адабиёти тожик» да мен Осим ҳақида сўзлаганман).

1895 йилнинг ёзида мен Бадалбек мадрасида бўлдим, ҳар ким-ҳар кимга ошпазлик қилар, кир ювар эдим. Бироқ, ёзнинг ўрталарида мадрасада ҳеч ким қолмади. қорин тўйғазиш учун, ошпазлик ва кир ювиш билан шуғулланишга имкон йўқ эди.

Бир куни батамом оч қолдим. Иккинчи куни муллаваччалик салламни ташлаб, мардикорлик қилиш учун бозорга бордим, ёллов-



чиларни кутиб ўтирган мардикорлар қаторига бориб ўтирдим. Ёлловчилар келиб баъзи мардикорларни баҳолашиб олиб кетишарди, менга эса ҳеч ким муурожаат ҳам қилмасди.

Шунда менга таниш бўлган, бизнинг мадрасада — Бадалбек мадрасасида яшаган бир киши мардикор истаб бозорга келиб қолди. Ҳамма унга «Махдуми Ҳазораги» деб хитоб қилишарди.

У мени бу ерда кўриб:

— Кимга мардикор ёлламоқчисан?— деб сўради.

— Мен бу ерга мардикор ёллаш учун келганим йўқ,— деб жавоб бердим.

— Ўзинг мардикорлик қилмоқчисан шекилли?.. Бу иш муллаваччаларга уятдир.

— Муллаваччага очликдан ўлиш ёки тиланчилик қилиш уят эмасми?

У менинг бу сўзимга жавоб қайтаролмай хижолат чекди, қизарди ва уялинқираб айтди:

— Хўп бундай бўлса, шу ерда кут, мен икки мардикор ёллайман, сени ҳам улар билан бирга қўшиб бир ошнамнинг иморатига олиб бораман. Хўжайин яхши одам, мулла ва муллаваччаларнинг қадрига етади. Бегонага борма!

Зотан менга бирор бегона жазман бўлмаган ҳам эди. Ночор уни кутиб ўтирдим.

У талашиб-тортишиб савдолашгандан кейин икки мардикорни икки танга (30 тийин) дан баҳолашиб, бизларни Бухоронинг Лабиховузи Чўббоз гузаридаги бир ҳовлига бошлаб кирди. У ерда уста ва мардикорлар нонушта қилиб ўтиришарди, бизлар ҳам уларнинг қаторига ўтириб олдик.

Уста мени назардан ўтказиб махдуми ҳазорагига қараб:

— Бу бола томга лой тортиб беролмайди, — деди.

— Томга лой тортолмаса, лой қилинган жойдан томгача ва томда сизнинг олдингизга олиб бора олади-ку, — деб Махдуми ҳазораги бизнинг олдимиздан кетди.

Бир оз вақтдан кейин Махдум ҳазораги мени имлаб чақириб олди ва йўлакка бошлаб бир болохонага олиб чиқди.

Болохонада бир беморнамо киши ётарди, салом-аликдан кейин у мендан:

— Хат-саводингиз борми? — деб сўради.

— Бир оз.

— Жуда яхши, сиз бугун мардикорлар билан ишланган, мен сизга ўзингизга муносиб бир иш топшираман.

Махдум ҳазораги чиқиб кетди, хўжайин токчадан бир дафтарни олиб, менинг олдимга қўйди: — Сиз бу дафтарни очиб ўқинг. Мен тинглайман, — деди.

Мен дафтарни очдим. Хўжайиннинг тартибсиз ёзилган рўйхат дафтари экан. У кимдан нима сотиб олган ва кимга нима сотган, ҳаммаси шу дафтарга ёзилганди. Бироқ, кўп жойларини ўқиб бўлмасди. Мен баъзиларини равон ўқирдим, баъзиларининг ҳар қаеридан айрим сўзларнигина ўқий олардим, шунда хўжайин эслаб олиб, менга қолганини айтиб берарди.

Бир-икки бет ўқилгандан кейин, у:

— Энди тўхтанг. Бу дафтарни қайта кўчириш керак, — деди.

— Бу дафтарни Махдуми ҳазораги ёзганлар шекилли,— деб сўрадим мен.

— У кишининг хати йўқ. Гузарнинг мактабдори ёзган эди. Маълум бўлдики, у ҳам бадхат экан, менинг дафтаримни бузибди,— деб токчадан янги бир дафтарни менга олиб бериб:

— Бу дафтардаги рўйхатни мана шу янги дафтарга равшан қилиб кўчиринг,— деди.

Мен ишга киришдим.

Рўйхатдан маълум бўлишича хўжайин резаворчи экан, рўйхатдаги нарсалар ичида пошна, михчўп, мих, ширач, лак ва елимга ўхшаш нарсалар ҳам учрар эди.

Мен бу ерда уч кун ишлаб ош-нон едим ва хизмат ҳақи 6 танга (90 тийин) пул ҳам олдим.

Ишни тугатганимдан кейин хўжайин мен билан оғзаки равишда шундай шартлашди:

Мен ҳар куни унинг ҳовлисига келиб, кундалик олди-соттисини ёзиб, кечки овқатни қилиб ҳужрамга қайтишим керак.

— Ҳар куни рўйхат учун бир соат вақтингиз сарф бўлади. Бу хизмат учун биз билан бирга кечқурунлари овқатланасиз ва бошқа ҳақ талаб қилмайсиз,— деди.

Мен кўндим, қайтаётганимда, у:

— Мен индинга қадар қувватга кириб, дўконга борсам керак деб ўйлайман. Уша кундан бошлаб сиз ишга киришасиз. Ишга бошлагунча кечқурунги овқатни бизникига келиб қилиб кетинг,— деди.

Мен «яхши» деб жўнадим. Бироқ, ишни бошламай овқат учун унинг уйига бормадим. Ҳар кунги овқатим учун 10 тийин кифоя қилар эди.

Хўжайиннинг дўконга ишга чиққанини Махдуми ҳазораги менга хабар қилди. Мен кунига бир соатлик ишга кирган эдим, кечки овқат хўжайинникида бўлар эди.

Уша ёз давомида мен кўпроқ адабиёт билан шуғулландим. Соиб ва Жомий девони қайта-қайта ўқидим. Қўлимда отам кўчирган Навоийнинг бир нусха қисқартирилган девони ҳам бор эди, уни ҳам ўқиб, туркий тилни ва туркий шеърни ўрганишга интилар эдим.

Бадалбек мадрасасида адабиётни севувчи Мулларўзи деган бир пешқадам мулла бўлар эди. У Бухоронинг Қўлбаи Карамкорон қишлоғидан бўлиб, отаси мадраса яқинида лавлаги сотарди. У хийла қашшоқ эди, адабиётни севишига қарамай, Ҳофизнинг босма девонидан бошқа китоби йўқ эди. У Ҳофизни деярли ёддан билар ва ёддан менга унинг шеърларини айтиб берар эди. Мен тушунмаган ўринларни у изоҳлаб тушунтирар эди.

Мен текинга унинг ҳужрасини супурар ва кирини ювар эдим. У икки йиллик шундай хизматим эвазига менга Ҳофиз девонини эсдаликка бериб:

«Мен Ҳофизни ёддан биламан, бу девон менга керак эмас, сеники бўлсин»,— деди (Ҳофизнинг ўша девони ҳали ҳам қўлимда сақланмоқда).

Адабиёт билан шуғулланишдан ташқари мен ўша йили ёзда базмларга ҳам борардим. Бухорода тўй ёки бирор бошқа муносабат билан доира базми бўларди. Ундай базмларга таклиф этилган меҳмонлардан ташқари истаган киши ҳам бора олар эди. Таклифсиз

келган киши «доира хабар» деб аталар эди. Мулларўзи бундай базмларга кўп қатнар ва мени ҳам ўзи билан бирга олиб борар эди. Базмларда ўйинлар кўрар ва ашулалар тинглар эдик. Уларда моҳир созандалар яхши доира чалар ва ашула айтар эдилар. Жумладан, Муллача деган саводли доирачи бўлиб, у классикларнинг шерърларини тўғри ва яхши ўқир эди. Мен ундан Бедилнинг икки байтини эшитган эдим. Бунинг таъсири ҳали ҳам қалбимда.

Шулардан бири:

— Эй ҳузурни мақдамат дар зиндаги бурҳониман!  
Мурда будам, зиндаам карди, биё, эй жониман!<sup>1</sup>

Яна бириси:

Чашми шўхаш айни ноз, абрўйи мушкин нози маҳз,  
Инчи тўфон, аст, ёраб, ноз бар балойи ноз<sup>2</sup>.

Шундай қилиб менда базмга бориш одати пайдо бўлди. Мен Бухорода эканман, доира базмига кўп борар эдим. (Мен базм ва «доира хабар»ни «Дохунда» романининг иккинчи қисми 12-бобида тасвир қилганман).

\* \* \*

1895—96 ўқув йилида дарс машғулотларим ва адабиёт ишларим ривож топди. Бу

<sup>1</sup> Сенинг қадамнингдан ҳузурланиш ҳаёт бўлишим далилидир, кел, жоним кел, ўлган эдим, сен мени тирилтирдинг.

<sup>2</sup> Шўх кўзлари нозга тенг, мушкин қоши нознинг ўзи, бу қандай тўфон, ёраб, ноз устида ноз.

йили Домулла Икром ўқитган бизнинг жамоага ёши менинг билан тенг бўлган Абдулхалил махдум қори бўлди. У Шарифжон махдумнинг укасининг ўғли эди. Абдулхалил адабиётни севувчи ва бадий завқли, дидли киши эди.

Унинг кутубхонасида деярли барча классикларнинг девонлари ва замондош шоирларнинг кейинги турли хил баёзлари бор эди. Мен унинг кутубхонасидан бемалол фойдаланардим.

Абдулхалил махдум форс-тожик тили ва адабиёти бўйича яхши билими бўлса ҳам, лекин арабча машғулотлар бўйича кучсиз эди. У ҳам жамоанинг ўзга қориларидек мен билан бирга дарс тайёрлар эди. Бироқ, у дарс ибораларини юзаки ўрганмасди, балки уларни тўла ва тушуниб ўзлаштиришга тиришарди. Шунга кўра у мен билан узоқ шуғулланарди. Менга ифтитоҳ (ўқиш ҳақи тўлаш)га ёрдамлашарди, дарсликларни фойдаланишга берарди. Тушки овқатни гоҳида унинг ҳужрасида қилардим. Менинг кийим-кечагимга ҳам у ёрдамлашар эди. Мадрасада энди ошпазлик ва кир ювиш ишлари ҳам топиларди. Шунга кўра мен таҳсил бошланганидан кейин резаворчининг дафтарини ёзиб бериш ишидан воз кечдим.

\* \* \*

Уша йили баъзи синфдошларим ва ҳужра қўшниларим менинг шеър ёзиш билан шуғулланишимни эшитиб қолган эдилар. Мен билан бирга дарс тайёрлайдиган ўқишда қолоқроқ

бир ҳужра қўшним менинг шеър ёзишимни эшитиб қолиб:

— Мен ўтган йили Муҳаммадалиҳожии мадрасасида бўлгандим, у ерда Махдуми Ҳайрат деган бир муллабачча бор эди. У ҳам сизга ўхшаб ғазал тўқирди,— деди.

Мен у муллабаччага:— Агар сен у билан таниш бўлсанг, бирон куни уни бу ёққа олиб кел,— дедим.

Ўша ҳафтанинг дам олиш куни у Ҳайратни бошлаб келди. Ҳайрат озгин, қорача, паст бўйли, бўйни қисқа бир йигит эди. У камгап бўлиб, тахаллусининг маъноси ифодалаганидек, кўпинча хаёл сурар ва ҳар нарсага таажжуб билан қарар эди.

У мендан шеър сўради, мен ундан. Бошлаб у бир шеър ўқиди. Шеъри классикларнинг шеърларига яқинлашарди, мен бошлаб бу шеърнинг унинг ўз шеъри эканига ишонмадим (узоқ суҳбатлашиб шеър ўқишганимиздан кейин унинг жуда яхши қобилиятга эга эканлигини билдим, у машҳур шоирларнинг деярли барча шеърларини ёддан биларди, шеър санъати, шеър техникаси, вазн, вазн-қофия қоидаларидан мукаммал билими бор эди).

Мен ҳам ўша йили ёзда «Айний» тахаллуси билан ёзган бир шеъримни ўқиб бердим. Шеъримни асосан маъқуллади, бироқ, камчиликларини ҳам кўрсатди. Унинг маслаҳати билан шеърни қайта тузатдим.

Шундан кейин биз Ҳайрат билан яқин дўст бўлиб қолдик. Мен «Намунаи адабиёти тожик» да кўрсатганимдек, шеър ёзишда у менга ҳамиша устозлик қиларди, мен ундан кўп

баҳраманд бўлган эдим. Унинг номи Муҳаммадсиддиқ бўлиб, мен билан тенгдош ва ҳамсабоқ эди. Фақат домлаларимиз бошқа-бошқа эди. Ҳайрат билан адабий алоқа тутганимдан кейин мен ўзимни чиндан ҳам шоир деб айта олар эдим.

\* \* \*

Мен бу ўринда ўз тахаллусим (адабий лақабим) ҳақида изоҳ беришим керак: Бухорода бўлганимда биринчи йиллари кишилар, айниқса муллалар, менга паст назар билан қарар эдилар. Шунга кўра мен аввал ўзимга «Сифлий» («паст») сўзини тахаллус қилиб олдим. Кейинроқ бу тахаллус менга маъқул бўлмади: «кишилар мени паст санар эканлар, нега мен ҳам ўзимни паст билар эканман, йўқ, мен паст эмасман, мен билан мени паст сановчи кишилар ўртасида фарқ шундаки, мен қашшоқман, улар эса бой, мен уларга муҳтожман» ва шу мулоҳаза билан «сифлий» сўзини ташлаб, ўзимга «Муҳтожий» сўзини тахаллус қилиб олдим. Бора-бора менга бу ҳам маъқул бўлмади. «Тўғри, мен муҳтожман, нега ўз муҳтожлигимни кишиларга ошкора қилар эканман» деб «Муҳтожий»ни ҳам ташладим.

Баъзи кишилар оддий хатти-ҳаракатдан фарқ этувчи менинг айрим хатти-ҳаракатларимни кўриб, «бир оз телбалиги бор» дер эдилар. Мен ҳам уларнинг бу сўзига тобе бўлиб ўзимга «Жунуний» («телба») сўзини тахаллус қилиб олдим. Кейинроқ бу ҳам маъқул бўлмади, «мен девона эмасман-ку



ахир» дедим ўз дилимда, ҳамда бошқа тахаллус топиб олиш фикрига тушдим.

Айрим саводли муллабаччалар (ҳатто саводсизлари ҳам) шеър машқини ҳавас қилишарди, улар ҳали бирон шеър ёзмасданоқ тахаллус танлаб олишарди. Агар улардан бири ўзига ўхшаш бошқа «шоир»га дуч келса, ундан тахаллуси ва бу тахаллуснинг маъносини суриштириб сўрар эди.

Менинг шеър ёзишимни эшитиб, тахаллусим ва унинг маъносини сўрай бошладилар. Бу сўроқлар менинг жонимга тегди. (Маъноси кўп бўлган сўз топиб тахаллус қилмоқчи бўлдим. Шу мақсад билан луғат китобини варақлар эдим, кўзим «айн» сўзига тушди. Луғатда бу сўзнинг 48 хил маъноси кўрсатилган эди. Энг муҳимлари чунончи шулар: 1) кўз, 2) булоқ, 3) офтоб ва яна бошқалар, Мен бу сўзнинг кўз ва булоқ маъноларига нисбат бериб, ўзимга «Айний» тахаллусини қабул этишга қарор қилдим. Шундан кейин кимки мендан тахаллусимнинг маъносини сўраса, «48 маъноси бор, луғатларни қидириб ўзингиз топиб олинг» деб жавоб қайтарар эдим. Бу жавоб аҳмоқларни тинчитувчи ғалати жавоб бўлар эди. (Сифлий, Муҳтожий ва Жунуний тахаллуси билан ёзган шеърларим сақланиб қолмаган. Чунки уларнинг бемаънилигини билиб, ўша вақтлардаёқ ёқиб ташлаган эдим. Фақат Ҳайратнинг «Бо Жунуний мекушоди гаҳ тумори китоб — Гаҳ китоби ҳарфи ширин бар Камолий дошти»<sup>1</sup> деган

---

<sup>1</sup> Гоҳи Жунунийга итоб туморин очардинг, гоҳи Камолийга ширин сўз хитоб қилардинг.

мисрали шеърида Жунуний тахаллуси сақланган. Камолий ҳам ўша замоннинг кичик шоирларидан бири эди).

\* \* \*

Ҳожизоҳид деган бир бой 1896 йилда Бухоронинг Сарипули равғангарон гузарида бир мадраса қуриб, мадрасанинг ҳужраларини ҳужрасиз қишлоқлик муллабаччаларга бўлиб берди ва Шарифжон махдумнинг ёрдами билан шу жумладан менинг акамга бир ҳужра тегди. Ўша йили Абдулхалил махдум вақфдан фойдаланиш мақсадида Кўкалтош мадрасасидан бир ҳужра сотиб олиб, ўзи турган ҳужрани менга берди. Акам пешқадам муллабачча бўлиб, муаллимлик ҳам қилгани учун мен Кўкалтош мадрасасидаги ҳужрани унга бериб, ўзим янги мадрасанинг унга тегишли бўлган ҳужрасига кўчишга қарор қилдим. Янги мадрасанинг ҳужраларини қуръа ташлаб бўлиб беришди. Менга мадрасанинг дарвозаси устидаги ҳужра тегди. 1896—97 таҳсил йилининг бошида мен у ерга кўчиб бордим.

Ҳожизоҳид мадрасасида эканман, Бухоронинг оддий кишилари билан алоқам кенгайиб борди. Мадрасага яқин бўлган — Лабиҳовузи арбоб гузарида Ҳомидхўжа Меҳрий деган сабоқдошимиз яшар эди (у ҳам замонининг шоирчаларидан эди, амир уни 1918 йилда ўлдирди). Мен у билан борди-келди қила бошладим. Ўша гузарда Мирзаашраф деган сандиқсоз бўлар эди. Унинг ота-онаси ва ҳовли-жойи бўлмай, поччасини-

кида яшар эди. У поччасиникида сиқилди, Лабиҳовузи арбоб гузаридаги масжиднинг бир вайрона ҳужрасини тузатиб ўша ерга кўчди. Масжиднинг бошқа ҳужраларида ҳам шундай уй-жойсиз кишилар туришар эди. Улар мулла эмас эдилар, аниқ бир касблари ҳам йўқ эди. Мирзаашрафнинг ҳужраси дам олиш кечаларида бизга гўё бир клуб вазифасини бажарар эди. У ерга турли табақадан бўлган одамлар, косиблар ёки ишсиз саёқлар тўпланишар эди. Мен ҳам у ерга борар эдим. (Бунинг тафсилотини ифодалаш учун алоҳида китоб ёзиш керак, фақат шуни айтиш керакки, у суҳбатлар менинг ўша давр ҳаётини чуқурроқ ўрганишимга катта фойда келтирган эди).

\* \* \*

1896 йилда Шарифжон махдум мадрасани тугатиб, Жондор (ҳозирги Свердлов райони)га қози бўлиб кетди. Мен Мирзаабдулвоҳид билан бирга собиқ хўжайинимиз олдига меҳмон бўлиб бордик. Мирзаабдулвоҳид у ерда мирза бўлиб ишга қолди, мен 15 кун меҳмон бўлганимдан кейин Бухорога қайтдим. Кейинчалик Мирзаабдулвоҳид ҳар йили ёзда у қозининг олдига бориб мирзалик қиладиган бўлиб қолди. Қишда эса Бухорога қайтиб биз билан бирга дарс ўқирди. У дарслардан бўш эди. Шунга кўра мен билан бирга дарс тайёрлар эди. Мирзаабдулвоҳид Абдулхалил мирза каби менга моддий томондан кўмаклашар эди.

Хоҳ шеърӣ ижодда бўлмасин, хоҳ дарс машғулотларида мен катта шуҳрат қозониб ном чиқардим. Дарс тайёрлашим дарс ўқитиш тусини олди. Ҳамсабоқларим менга ҳатто «мударрис» деб ном қўйган эдилар. Мен энди бировларнинг кирини ювишга муҳтож бўлмас эдим. Бировларга хизматкор сифатида ошпазлик ҳам қилмас эдим. Ёлғиз ҳамсабоқларим ва таниш-билишларим коллективида дўстлик тарзида доимо ўзим овқат пиширар эдим.

Энди менинг дарс машғулотларим билан боғлиқ фаолиятим жамоамиз қорилари ва таниш-билишларим доирасидагина қолмай, балки менга кўпгина ҳамсабоқлар ва муллабаччалар мурожаат қилишар эди.

Мир Араб мадрасасида Муллакомил деган бир ғиждивонлик муллабачча бўлиб, у биз билан ҳамсабоқ эди. Зеҳни паст бўлса ҳам, ҳар бир нарсани ўрганишга ҳавас қиларди. Бироқ, бунга тезда эриша олмас эди. У ҳам дарсларни мен билан бирга тайёрламоқчи бўлди. Унга дарс ўргатиш жуда оғир бир нарса эди. Бироқ, у камбағал эди, мен унинг истагини рад этсам, кўнгли озор топар эди. Шунга кўра мен унинг истагини қабул қилдим, биз ҳафтасига икки кеча бирга дарс тайёрламоқчи бўлдик. Менинг ҳужрам билан унинг ҳужраси бир-биридан қарийб бир километр узоқ эди. Дарс тайёрлагандан кейин тунда унинг ўз ҳужрасига қайтиб кетиши хийла оғир эди. Бироқ, менинг ҳужрамда қолиши учун имконият ҳам йўқ эди. Чунки менинг бир кўрпам бор эди, холос. Унинг ҳам ҳужрасида бир кўрпаси бўлиб, баъзан

ётиб қолиш учун уни менинг ҳужрамга олиб келиб қолдириши мумкин эмас эди. Шунга кўра у мен билан бирга дарс тайёрлаганида ночор ўз кўрпасини орқалаб келар, машғулотдан кейин унга ўралиб ётиб қолар эди, эрта-лаб яна орқалаб ҳужрасига олиб бориб қўяр, кейин ўқишга — мадрасага қараб йўл оларди.

\* \* \*

Мен 1898 (1316) йилгача Ҳожизоҳид мадрасасида яшадим. Уша йили акам мадраса ўқишини тугатиб, уйланиб далага кўчди. Мен унинг ўрнига Кўкалтош мадрасасига кўчиб, Абдулхалил махдум ҳужрасида яшай бошладим.

1900 йилда янги бир воқиа юз бериб, у менинг ва айрим ҳамсабоқларимнинг фикр-қарашларини ўзгартирди. 1900 йилда Бухорода турувчи Шарифжон махдум қозилик вазифасидан бўшатилади. У Аҳмад Қалланинг «Наводирул вақое» асарини қўлга киритиб, уни кўчириб бериш учун Мирзаабдулвоҳидга топширган эди. Уша кезларда Мирзаабдулвоҳид Ғозиён гузаридаги Мулла Муҳаммад-шариф мадрасасида яшар эди. Мен Ҳайрат билан бирга баъзан унинг олдига бориб, «Наводирул вақое»нинг ҳар қаеридан парчалар ўқир эдик. Ҳикоя ва суҳбат тариқасида у китобда баъзи бир нарсалар тасвирланган эдики, биз уларни кундалик ҳаётда учратиб турсак ҳам, эътибор бермас эдик. Автор ана шундай нарсаларни тасвирлаб, уларни танқид қилар эди.

Китоб кўчирилгандан кейин Шарифжон махдум кўчирилган нусхани асл нусхага — автор қўл ёзмасига чоғиштириб чиқиш учун Мирзаабдулвоҳид билан бирга ишлашни менадан илтимос қилди. Шунда биз китобни бир бошдан ўқиб чиқдик. Гарчи китобнинг бир қисми қадим космография масалаларига, дунёнинг пайдо бўлишига доир диний-фалсафий қарашларга бағишланган бўлса ҳам, лекин унинг асосий қисми ўз даври ҳаётига доир эди. Автор амирнинг давлат усулдорасини, унинг кишилар билан муносабатини, қозиларни, раисларни ва бошқаларни танқид қилар эди. У мадрасаларни, мудarrisлар ва уларнинг дарс бериш усулини ҳамда ўша даврда ўқитиладиган билимларни танқид қилар эди. Шунингдек автор турли касб-ҳунарлар, оила ва оила муносабатлари, уйланиш урф-одати, хотинни талоқ қўйиш ва бошқалар ҳақида сўзлар, танқидий мулоҳазаларини ифодалар эди.

Бу китоб бизга шунчалик таъсир қилдики, бизнинг амир, вазир, муллаларга ва умуман ўша давр ҳаётига қарашимиз деярли батамом ўзгарди. Автор 1896 (1314) йилда, яъни биз унинг китоби билан танишганимиздан тўрт йил бурун вафот этган бўлса ҳам, Ҳайрат гўё у шу яқиндагина ўлгандек ҳаяжонланар ҳамда унга атаб иккита тарихли марсия битган эди.

Ҳайрат Ҳиндистонда форс тилида чиқадиган «Ҳаблул матин» газетасини, Мисрда форс тилида босиладиган «Чеҳранамо» газетасини баъзан қаерлардандир топиб келар эди. Биз бу газеталар орқали дунёнинг аҳволи билан оз бўлса ҳам танишар эдик. Уша

вақтларда Абдулқодир махдум деган бир сабоқдошимиз бўлиб, у қаердандир «Таржимон» газетасини топиб кела бошлади. «Таржимон» Қримда нашр қилинар эди, унинг ярми татарча ва ярми русча эди.

Чор ҳукумати татарларга ўз тилида газета нашр этишга рухсат бермас экан. «Таржимон» газетасини нашр этувчи киши татар тилида босиладиган материалларни русчага ҳам таржима қилиб бериш шарти билан газета чиқаришга рухсат олган экан, шунга кўра, газета «Таржимон» деб аталар экан.

Ҳеч қайси биримиз ҳам татар тилини билмас эдик. Газетада учрайдиган интернационал ва рус сўзларидан эса тамомила хабарсиз эдик. Абдулқодир махдум бўлса ҳаммасини сувдай биламан деб даъво қилар ва бизнинг тушунмаган ўринларимизни «изоҳлаб», «тушунтириб» берар эди. У парламент сўзини шундай изоҳлаган эдики, эсимга тушса, ҳали ҳам кулгим қистайди.

Мен ундан:— Парламент нима?— деб сўрадим.

— Ер юзининг қоқ ўртасида бир шаҳар бор, уни Париж дейдилар ва Парижнинг ўртасида бир бино бор, уни парламент деб атайдилар. Парламентда ақлли ва қудратли кишилар ўтиради, улар сўралган ҳар бир сиёсий масалага тўғри ва аниқ жавоб берадилар.

У вақтларда Бухоро амири Абдулаҳад шаҳарда — Бухорода турмай, кўпинча Карманда бўлар эди. Кишилар рус ҳукумати амирга пойтахтга киришни ман этган деб айтишарди.

Бизнинг «татар тили муаллимимиз» шу ҳодисани мисол қилиб бундай деди:

— Агар, масалан, бирон Бухоро машкоби телеграфхонага бориб, парламентга «Нега Бухоро амири ўз пойтахтига кирмайди?» деб телеграмма юборса, парламент унга жуда тўғри ва аниқ жавоб қайтаради.

— Модомики телеграф рус ҳукумати қўлида экан, Бухоро машкоби қандай қилиб парламентга телеграмма бера олиши ёки парламентнинг жавобини ола билиши мумкин?— деб мен ўз ишончсизлигимни баён қилдим.

«Муаллим»:

— Парламент шундай кучлики, агар унинг номи тилга олинса, ер юзининг барча ҳукуматлари лом-мим дея олмайдилар, қўрқинчдан ларзага келадилар,— деди.

Бундай изоҳ бизга маъқул бўлмаса-да, ўзимиз парламент сўзининг маъносини билмаганимиз учун, ночор жим қолдик. Лекин кейинроқ билсак бизнинг «муаллимимиз» ҳеч нарсани билмас экан, у интернационал ва русча сўзларнигина эмас, балки татарча ва туркча сўзларни ҳам билмас экан. У ўзига ўхшаш нодон кишилардан буларни эшитиб, унга ишона қолар ва келиб бизларга сўзлаб берар экан.

\* \* \*

1902 (ҳижрий 1320) йилда бизнинг коллективимиз учун катта бир йўқотиш, оғир мусибат юз берди: Ҳайрат икки йил сил касали билан ётиб, 1902 йилнинг ёзида вафот этди.



Унинг вафотига мен шунчалик қайғурдимки, ҳатто ота-онам ўлганда ҳам бунчалик қайғурмаган эдим. Отам-онам ўлганда кўп йиғламаган эдим. Унинг ўлимига эса фарёд чекиб йиғладим. Йиллар давомида дунёдан безиб хафа бўлсам Ҳайратнинг қабрига бориб йиғлаб, кўнглимни бўшатар эдим.

\* \* \*

Бухоро амирлигида ўша вақтларда шеър тематикасини дунёда ва замондан шикоят қилиш, ўтакетган мадҳиялар, одобсизлик билан айтилган шахсий ҳажвиялар, май, маҳбуб ва шунга ўхшаш феодал ҳаётга мос масалалар ташкил қилар эди. Агар биз Аҳмад Қалла, Шоҳин, Ҳайрат ва уларга ўхшаган баъзи ёзувчиларни мустасно қилсак, ҳамма бир-бирига эргашар ва ўтмиш ёзувчиларга муваффақиятсизлик билан тақлид қилар эдилар.

XIX асрнинг охирларигача поэзияда Бедилнинг услубига тақлид қилинар эди, фақат XIX асрнинг охирларидан бошлаб омманинг тилига майл-эътибор кучайиб, поэзияда содда, оммабоп тил вужудга келди. Шоҳин, Қозикурбонхон, Музтариб, Ҳайрат ва бошқаларнинг кейинги шеърлари мана шундай тилда ёзилган шеърлардир.

Кейинги вақтларда наср мактубга хос сифатлар доирасида қолиб кетган эди, дейиш мумкин. Бир жумла билан ифодалаш мумкин бўлган мақсад-муддаони икки саҳифада қофиядош жумлаларга ўраб ёза олувчи киши

яхши мунши ва яхши мактуб ёзувчи киши ҳисобланар эди. Мактуб ва иншолар айнан Бедилнинг нуқотлари тарзида эди. Фақат фарқ шунда эдики, Бедил нозик фалсафий фикрларни оғир ибораларга ўраб ифодалар эди (унинг даврида фалсафий фикрларни очиқ ифодалашга имкон бўлмагани туфайлидандир), бизнинг даврнинг нуқотнамо иншолари эса батамом бемаъни эди.

Насрнинг бундай услубига ҳужум қилган биринчи киши Аҳмад Қалла бўлган эди. Аҳмад Қалланинг «Наводирул вақое» асари совет даври китобхонларига оғирлик қилса ҳам, бизнинг ёшлик давримиздаги китобхонлар учун жуда содда эди ва ўз давридаги наср ёзиш анъаналарига қарама-қарши эди. Аҳмад Қалладан кейин Мирзаазим Сомий содда наср услубини ривожлантирди ва Аҳмад Қаллага нисбатан ўз асарларини янада соддароқ ёзди.

Даврининг машҳур иншо ёзувчиларидан бири ҳисобланган Шарифжон махдум Аҳмад Қалла ва Сомийнинг мухлисларидан бўлиб, иншо, мактуб ва эсдаликларни янада содда, янада оммабоп қилиб ёзарди. Мен шеърда услубнинг соддалиги тарафдори бўлиб, кўпинча халқнинг ибораларини, ўхшатиш ва киноя-истиораларини қўллар эдим. Насрда ҳам содда услубнинг тарафдори эдим. Бироқ, менинг насрий асарларим дўстларимга ёзилган хатлардан иборат эди, холос.

1902 йилда менинг собиқ хўжайиним Шарифжон махдум Қаркига қози бўлиб кетди. Ўша йили ёз мавсумида у менга хат ёзиб Қаркига келиб бир неча кун меҳмон

бўлишни сўради. У хатда:—«бу ерда бирга гаплашадиган, китобхонлик ва шеърхонлик қиладиган одам йўқ» деб ёзган эди.

Мен бордим. Карки қозихонаси торгина бир ҳовлида эди. Ҳатто қозихонанинг мирзаси қозихонадан ташқарида, бозор йўли устидаги бир дўкончада турар эди. У қозининг расмий ҳужжатлари ва мактубларини ўша ерда ёзар ва кўчиради эди. Мен бўлсам Мирзанинг ёнига ўтириб олиб, бозорнинг келди-кетдисини томоша қилар эдим.

Қозининг мирзаси Мирзааҳмад деган хушхат бир йигит эди. Лекин у ўзи мустақил бирон мактубни ёза олмас эди, расмий ҳужжатларни бўлса анъанавий маъмурий услубда ёзарди. Мактубларни қозининг ўзи ёзиб берар эди.

Кунларнинг бирида мен мирзахонада ўтирар эканман, қозининг хизматкори келиб мирзани чақириб кетди. Мирза жўнади. Икки минутча вақтдан кейин қайтиб келди. Унинг аҳволи парешон бўлиб, қўлида очиқлигича бир мактуб бор эди.

Мен ундан:— Нега аҳволингиз парешон,— деб сўрадим.

— Қози мени ишдан бўшатади, — деди.

— Нега?

— Сабабини билмайман.

— Сизни ишдан бўшатишини қаердан билдингиз?

— Бунгача хатларни унинг ўзи ёзиб берарди. Бугун акасидан бир хат келибди. Қози: «шу хатга жавоб ёз, жавобда ҳам табрик, ҳам таъзия баён этилсин, тобим қочиб турибди, ўзим сенга ёзиб бера олмай-

ман» деди. Мен бўлсам оддий мактубларни ёзолмайман-у, бундай мураккаб, бир-бирига қарама-қарши бўлган фикрни ифода этувчи бу мактубни қандай ёзаман? Албатта, мен бунинг уддасидан чиқолмайман. Шундан сўнг у мени ишнинг уддасидан чиқмайди, деб мирзоликдан бўшатади.

Мен мирзага:— Агар мактубнинг жавобини мен ёзиб берсам қанча пул тўлайсан?— дедим.

— Агар сиз ёзган мактубни мен кўчириб қозига олиб борсам, у маъқулласа, нимани хоҳласангиз бераман,— деди.

Қозининг уй-рўзғор харажати ишларини олиб борувчи Қоришожон деган киши бизнинг олдимизда турар, сўзларимизга қулоқ солар эди. Шу орада бир туркман елкасида бир неча хуржуни билан кўчадан ўтиб қолди.

Қоришожон хуржун сотувчи туркмани чақириб, бир хуржунни 22 танга (3 сўм 30 тийин)га сотиб олди-да, менга ва мирзага қараб:

— Сиз мактубни ёзинг, мирза уни оққа кўчириб қозига олиб борсин. Агар қози мактубни қабул қилса, мирза хуржунни сизга мукофот бериб, пулини менга тўласин. Агар қози мактубни ёқтирмаса, хуржун менда қолаверади,— деди.

Бу таклифни мен ҳам, мирза ҳам қабул қилдик.

Мен аввал қозининг акаси ёзган мактубни диққат билан ўқиб чиқдим, кейин жавоб мактуби ёзишга киришдим. Табрик ва таъзия баёнида фарзандларни дарахтнинг шохларига ўшшатдим. Фарзандларидан бирининг ўлиши-

ни дарахт шохларидан бирининг кесилишига ўхшатиб ёздим:

«Гарчи сершоҳ дарахтнинг бир шохи кесилиб кетиши кишини афсуслантирса ҳам, бироқ табиат қонунига кўра бирининг кесилиши қолганларининг камол топишига сабаб бўлади. Шунга кўра сизни, ўлган фарзандингиз ўрнига камолга етишувчи янги фарзандга эга бўлганингиз билан табриклаш ўринлидир».

Мирза бу хатни кўчириб, қозига олиб борди ва бир неча минутдан кейин шоду хурсанд бўлиб қайтиб келди.

— Қози хатни маъқуллади. У сизни чақиряпти,— деди. Мен қози олдига бордим. У мирза кўчирган хатни менга бериб:

— Ўқиб кўр!— деди.

Мен мактубни ўқидим ва қозига қайтариб узатар эканман:

— Яхши ёзибди,— дедим.

Қози терговчилардай менга бир муддат тикилиб қараб қолди-да, кейин бундай деди:

— Менинг мирзом бундай хатни ёзишга у қадар қобилиятли эмас. Мен биламан, бу хатни унга биров ёзиб берган, бироқ, ҳар қанча ўйласам ҳам бу атрофда шундай хатни ёза оладиган бирор киши эсимга келмаяпти. Сен унга ким ёзиб берганини билмайсанми?

— Билмайман!

— Ундай бўлса, ўзинг ёзиб бергансан.

Мен тондим. Қози Қоришожонни чақириб келиш учун хизматкорини юборди. У етиб келди. Қози сўради:

— Бу мактубни мирзага ким ёзиб берди?

Шожон бир менга ва бир қозига қараб:

— Қозининг олдида ёлғон гапириш яхши эмас. Домла Айний ёзиб бердилар,— деди-да, мирзахонадаги воқияни тўла ҳикоя қилиб берди. Қози:

— Мирзанинг қобилиятсизлиги менинг кўнглимга урганини ўзи ҳам яхши тушунбди. Мен бир баҳона билан уни ишдан бўшатмоқчи эдим. Сенинг қобилиятинг шарофати у бу балодан қутулди. Кейин бўғчасидан ўша вақтда 50 танга (7 сўм 50 тийин)га арзийдиган бир янги чопон олиб менга кийгазди ва «мукофот» деб 100 танга (15 сўм) нақд пул ҳам берди. У менга қарар экан, сўзини давом эттирди:

— Мен ўз тазкирамда (у шоирлар ҳақида тазкира ёзган эди) сени назмда иқтидорли, бироқ, насрда бўшроқ, Мирзаабдулвоҳидни эса насрда иқтидорли, назмда сустроқ деб баҳо берган эдим. Кўринишича мен хато қилибман, сен назмда ҳам, насрда ҳам ундан иқтидорли экансан,— деди.

Ўша кунни менинг ҳаётим учун жуда ажойиб воқиа юз берган эди:

1. Мен бир умр шеър ёзишга ҳаракат қилиб келдим-у, бироқ, қалам учун дастлабки ҳақни насрдан олдим.

2. Қози Шарифжон менинг 8 ойлик меҳнатимга на ҳақ тўлаган эди ва на кийим-кечак берган эди. Лекин бугун эса менга чопон тақдим қилишга мажбур бўлди.

Шу воқиядан кейин қози Шарифжон менга собиқ бир хизматкори сифатида эмас, балки ўзига тенг бўлган бир кишидек эҳтиром ва эҳтиётлик билан муомала қиладиган бўлиб қолди.

1904 йилда Абдулхалил махдум пулга мухтож бўлиб, мен турган ҳужрани сотди. Мен йил бўйи турар жойсиз қолдим. Уч юздан ортиқ мадрасаларида уч-тўрт мишг ҳужраси бўлган Бухорода мендай таниш-билиши кўп бўлган ва шоирликда ҳам ном чиқарган киши бирон турар жой тополмай сарсон эди. Бундан Бухорога ўқишга келган, таниш-билиши бўлмаган қашшоқ муллаваччаларнинг аҳволини қиёс қилиб билиш мумкин (мен қашшоқ муллаваччаларнинг ҳужра топиш қийинчиликларини «Судхўрнинг ўлими» асаримда тасвир этганман).

Мен китоб ва палос парчаларни торгина бир ҳужрада укаси билан бирга ижарага яшовчи гиждивонлик Сирож махдум деган муллаваччанинг ҳужрасида қолдириб, ўзим кўча-кўйда санғиб юрдим. Кечалари тўғри келган ҳамсабоқларимнинг ҳужрасида ётиб қолар эдим. Уша кезларда мен тубандаги рубойини ёзган эдим:

Дар мадраса ҳужраини қулай нест маро,  
 Дар майкада важҳи нуқлу май нест маро,  
 Токай гўям, ки ину вай нест маро,  
 Филжумла ба даҳр ҳеч шай нест маро.<sup>1</sup>

Бир йил ҳужрасиз санқиб юрганимдан кейин Кўкалтош мадрасаси орқасидаги бир мадраса (Домлашер мадрасаси)дан жуда

<sup>1</sup> Мадрасада қулай ҳужрам йўқ, майхонада таом ва май учун маблағим йўқ. Қачонгача мен уним-буним йўқ дейман. Умуман дунёда менинг ҳеч нима йўқ.

ёмон бир ҳужра топдим. У шунчалик ёмон эдики, унда ҳеч ким турмас, тургиси ҳам келмас эди. Мен ўша ерда икки йил яшадим.

Қаршида қози бўлган қози Шарифжон менинг ҳужрасиз қолиб қийналганимни эшитиб Қўкалтош мадрасасидан бир ҳужра сотиб олиб яшаш учун менга берди. Мен у ҳужрада 1907 йилдан тортиб амирнинг одамлари қўлига тушганимга қадар яшадим.

\* \* \*

1905 йил революцияси Бухорога катта таъсир қилди, авваллари кишиларнинг кичик ва бир-бирига боғланмаган тор доираларини ўз ичига олган прогрессив ҳаракат энди кенгайиб бормоқда эди. Рус газеталари ҳар бир воқияни ошкор ёзадиган бўлиб қолди, (Илгариги «Таржимон»дан бошқа газетаси бўлмаган Россия турклари<sup>1</sup>) ва татарларнинг турли газета ва журналлари чиқа бошлади. 1905 йил революциясидан кейин чор ҳукумати-нинг цензураси йўқ қилинди. Энди «Таржимон» газетаси фақат битта тилда — татар тилида чиқиб, у чор ҳукумати цензурасининг йўқ қилингани хабарини «Инно лиллоҳи ва инно илайҳирожеун»<sup>2</sup> сарлавҳаси билан ёзиб, цензурадан истеҳзо билан кулар эди.

Бу газета ва журналлар Бухорога кам келса ҳам улар амирнинг ўрта асрларча оғир идора усули ва мутаассиб муллалар таъсири

---

1 Россия турклари — туркий тилда сўзлашувчи Россия халқлари. (Тарж.)

2 «Ҳақиқатда биз худоданмиз ва унинг йўлидан борувчилармиз».



остида қолоқликда қолган Бухоро оммасининг фикрига ижобий таъсир кўрсата бошлади.

Бироқ, ҳали бу прогрессив ҳаракатларни революцион ҳаракат деб бўлмас эди. У ёлғиз мактаб, мадраса ва айрим эски урф-одатларни ислоҳ қилиш, амир томонидан солинадиган солиқларни бир аниқ тартибга киритиш, амир амалдорларининг ўзбошимчалигига чек қўйишни талаб этарди. Ислоҳот ҳаракатининг муҳим бир масаласи деҳқонлардан солиқ олишни қатъий бир тартиб-қоидага киритиш эди.

Бу прогрессив ҳаракатда мен ҳам иштирок этдим. Биз мактаб ва мадрасаларни ислоҳ этишни ташвиқ қилар эдик.

Самарқандда, Тошкентда маҳаллий болалар учун янги типдаги мактаблар очилган эди. Бухорода яшовчи татарлар ўз болалари учун хусусий бир мактаб очдилар. Эски мактаб жонига теккан айрим бухороликлар (мен эски мактабнинг нима эканлигини «Эски мактаб» асаримда ёритганман) ўз болаларини татар мактабига ўқишга бердилар. Мен у мактабни 1907 йилда бориб кўрдим. Татар тили у ёқда турсин, ҳатто ўзбек тилини ҳам билмаган Бухоро болалари татар тилида ўқишга мажбур эдилар.

Бу ҳолни кўриб болаларга раҳмим келди ва татар муаллимига шундай дедим:

— Агар сиз кўнсангиз, мен сизнинг мактабингизда ҳақ олмай хизмат қилиб берман. Таржимонлик қилиб, татарча дарсларни болаларга тожик тилига таржима қилиб берман, сизнинг сўзларингизни ҳам тожик тилига

таржима қилиб бераман (мен матбуот орқали татар тилини таржима қила олиш даражасида ўрганиб олган эдим).

Муаллим кўнди. Мен ишга киришдим, у мактабда олти ой ишладим. Бундан ташқари Самарқандда ҳам шунга ўхшаш тожик тилидаги мактабни кўрган эдим. Шу билим ва тажрибаларга асосланиб Мирзаабдулвоҳид билан бирга унинг ҳовлисида бир мактаб очдим. Бой болаларни ойига уч сўм тўлаш шarti билан, камбағал болаларни эса бепул ўқишга олдик. Мен татар мактабида олган ва олаётган тажрибамни тожик мактабида татбиқ қила бошладим.

Мирзаабдулвоҳид билан бирга бир алифбе туздик. Бундан ташқари мен татар мактабида тожик болаларига таржима қилиб берган дарсларга ўхшаш бир ўқиш китоби ҳам туздик. Бу адабий китоб характерида бўлиб, болаларни хийла завқлантирар эди. Тўғри, ўша даврнинг шароити ва талабларига кўра китобда диний нарсалар ҳам бор эди. Бироқ, нима бўлса ҳам, у янги бир нарса эди. (Бу китобни 1909 йилда «Таҳзибус сибиён» — «Болалар тарбияси» номи билан нашр эттирдим).

Болалар тўлайдиган пулдан тўпланган маблағ билан мактабхонани — Мирзаабдулвоҳиднинг меҳмонхонасини ремонт қилдик, пол қилдик ва соғлиқни сақлаш қоидаларига мувофиқлаштирдик.

Лекин имтиҳонлар бошланган паллада катта муллалар иғво бошлаб, бу мактаб болаларни кофир қилади деб бизнинг мактабимизга қарши чиқдилар, улар амирга мурожаат

қилиб бизнинг мактабимизни ёптирдилар ва амирга қарашли бўлган кишилар бу билан ҳам қаноатланмай, Мирзаабдулвоҳидни оломонга олиб ўлдирмоқчи бўлдилар. У Бухородан қочиб кетиб, бирмунча вақт Қаршида туришга мажбур бўлди.

Мен ҳам бир неча кун яшириниб юрдим. Пировардида яшириниб юришдан зерикиб мактабимизни беркитишга ташаббус кўрсатган кишилардан бири бўлган ва мени ўқитган Бухоро аъламига бордим. У билан мактабимиз ҳақида сўзлашдим, мактабнинг шариятга қарши эмаслигини ҳамда имтиҳон кунда аниқланганидек у болаларни тезроқ саводли қилишга мувофиқ эканини исбот қилдим.

Аълам енгилди, бироқ у бошқача йўл тутди.

— Бировларнинг боласи саводли бўлса нима-ю, саводсиз қолса нима? Ўзингнинг саводинг бор, илминг бор, қози бўлгин, раис бўлгин. Агар яшашни хоҳласанг ундай ишларнинг изига тушма,— деди.

Бу гаплар мени сотиб олиш учун қилинаётган савдо эди. Агар мен уларга сотилмасам, ўлим билан қўрқитмоқчи эдилар.

Мен тамомила ноумидлик билан аъламининг қошидан чиқдим. Бироқ, шунга қарамай биз ўз мақсадимиздан қайтмадик. Мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш учун яширин бир жамият туздик. Бу жамиятни «Тарбияйи атфол» («Болалар тарбияси») деб номладик, шу жамиятнинг ёрдами билан мактаблар ташкил этдик. Бу мактабларда саводини чиқариб олган болаларни жамият Оренбург, Қозон, Уфа, Қрим ва Туркияга ўқишга юбора

бошлади. Бадавлат оила болалари ўз ҳисоби-га, камбағал болалар эса жамият ҳисобига ўқишга юборилар эди. Айрим ёш ҳаваскорлар ўз ихтиёрлари билан мустақил равишда боришар эди. Амирнинг таъқибидан қочиб қутулишга мажбур бўлган ёшлар ё Россияга ёки Туркияга бориб ўқишга кирар эдилар.

Жамиятга аъзо қабул қилиш масаласи жуда оғир эди. Жамиятни сиёсий характердаги жамият деб бўлмагани каби, айниқса уни революцион ҳам деб бўлмас эди. Ўрта асрчилик қоида-тартибларидан иборат бўлган амирлик ва Бухорода ўрта асрчасига иш юритган император амалдорлари, маориф ва илм масалалари билан шуғулланувчи бу жамиятга бир революцион ташкилот деб қарар ва жамият аъзоларини «давлатга қарши суи қасд қилувчилар» деб ҳисоблар эдилар. Шунга кўра жамиятга агар биронта лақма киши ёки иғвогар кириб қолса, у жамиятнинг сири тезда очилар эди. Бинобарин, Фитратга ўхшаш ўша вақтда катта шуҳрати бўлган киши ҳам бу жамиятга қабул қилинмаган эди. Бундай кишилардан жамиятнинг сирини эҳтиётлик билан сақлаб қолиш учун қаттиқ чора-тадбирлар кўрилган эди. Афсуски, жамиятдаги кишиларнинг биронтаси ҳам сиёсий маълумотга эга эмас эди, Россиядаги ишчилар ҳаракатидан эса ҳаммамиз ҳам мутлақо хабарсиз эдик.

\* \* \*

Биринчи жаҳон уруши бошлангандан кейин 1914 ўқув йилида ёпиқ ва ғайри расмий бўлган мактабларнинг сони беш-олтитага

етди. Бундай бошланғич мактаблардан ташқари катта ёшдаги саводли кишилар учун, юқори типдаги мактаб ва саводсизлар учун савод чиқариш кечки курслари ҳам очилган эди.

Худди мана шу вақтда қушбегининг одамлари барча мактабларнинг муаллимларини йиғиб аркка — қушбегининг олдига олиб бордилар. Қушбеги улардан бундан кейин муаллимлик қилмаслик ҳақида тилхат олди, агар ким муаллимлик қилса, сургун қилинади деб огоҳлантирди.

\* \* \*

Уруш йилларида чор махфий охранкасининг ва унинг махсус кўрсатмаси билан амир ҳукуматининг таъқиб янада кучайди. Тошкент губернатори аҳолини таъқиб қилиш мақсадида Бухорода махсус полиция идораси очиб, унга Вельман деган кишини бошлиқ қилиб тайинлади. Бу идора Бухородаги ифвогар кишиларни топиб олиб ўзига агент қила бошлади. Улар ҳар куни бир неча ҳовлини тинтув қилар, бир неча кишини қамоққа олар эдилар. Буларнинг барчаси провакация учун қилинар эди.

Бундай шароитда жамият баъзи-баъзида ва хийла номаълум жойлардагина йиғилар эди. Чор махфий охранкасининг буйруғи билан амир ҳукумати «шубҳали» кишиларни тезда қўлга тушириш мақсади билан сиёсат бобида мулоҳаза юритувчи ёки бир-икки газетхони бўлган ҳар бир гузарга махфий агентлар тайинлаб қўйди (мен буни Бухоронинг қозикалонига яқин бўлган бир дўстимдан эшитиб, ўртоқларимни огоҳлантириб қўйдим).

Амир ҳукумати ва махфий охранка «шуб-ҳали» кишиларни «жиноят» устида қўлга тушира олмагандан кейин, таъқиб этиш ва қўрқитишнинг бошқача йўлини тутдилар.

1915 йилнинг августида ўз қишлоғимдан Бухорога қайтишим биланоқ Мирзаабдулвоҳид олдимга келиб бундай деди:

— Бундан икки кун бурун тахминан эллик кишини, шу жумладан мени ҳам, биринкетин қушбеги олдига олиб боришди. Қушбеги «сизлар сиёсат билан шуғулланиб, рус аскарларининг мағлубияти ҳақида сўзлар экансизлар, сизларга жазо бериш лозим» деб дўқ қилди ва ниҳоят ҳар биримиздан газета ўқимаслик ҳақида тилхат олиб жавоб берди. Сизни ҳам чақирсалар керак, қўрқманг.

Ҳақиқатда қушбеги одамлари келиб мени топа олмай мадраса муаззинига топиб қушбегига юборишни топширган эканлар. Муаззин мени чақиртириб, қушбегига юбориш жавобгарлигини ўз зиммасига олганини айтди.

— Қўрқма, мен қочмайман,— дедим унга ва эртаси куни эрталаб қушбегининг олдига бордим. Ҳовлисининг йўлагига бир неча мулла интизорлик билан ўтиришар эди. Бир кун бурун бир мударрис ўлган экан, булар унинг ўрнини талаб этиб олиш учун келган эканлар. Улардан бири менга таниш бўлиб, дуруст одам эди. У мени кўрар экан, мансаб талаб деб гумон қилди шекилли, муллаларга:

— Биродарлар, Айний ҳеч мансаб талаб қилиб амалдорлар эшигига келган эмас. Бугун нечук мансабга эга бўлиш фикрига тушиб қолибди. Биз билан сизлар-ку ҳар куни шу даргоҳдамиз, келинлар, бугун унга йўл бе-

райлик, биринчи бўлиб арз билан қушбегининг олдига кирсин,— деди.

Улар қабул этишди. Мен қушбеги томон бордим, дарчасининг олдида тўхтаб, унга салом бердим. У мени шахсан танимас эди.

— Ҳа, нима гап?— деб сўради.

— Мен Айний!— дедим.

— Ҳа, ҳа, ҳа,— деб тиззасидан бир рўйхатни олиб, менга қараб,— ўтиринг,— деди.

Мен ўтирдим, у давом этди:

— Сиз газета ўқир экансиз, сиёсат ва рус аскарлари мағлубияти ҳақида сўзлар экансиз!— деди.

— Газета ўқишим тўғри, бироқ, бирор ерда сиёсат бобида ва рус аскарлари мағлубияти ҳақида сўзлаганим йўқ,— дедим.

— Ундай бўлса, нега сизнинг номингизни бу рўйхатга ҳаммадан юқори ёзиб қўйишган?! (Рўйхат махфий оҳранка, ёки рус консулхонаси томонидан тузилган бўлиб, менинг фамилиям «А» билан бошлангани учун ҳаммадан олдин ёзилган эди. Қушбеги эса «энг катта жиноятчи бўлгани учун» номи юқорироққа ёзилган деб ўйлар эди).

— Буни кимки рўйхатни тузган бўлса, ўшандан сўраш керак,— дедим.

— Бу рўйхатни менга Россиянинг муътабар идораларидан бири юборган, ундай идора текширмай, ҳақиқат қилмай туриб, биров тўғрисида ёмон сўз ёзмайди,— деди.

— Кимки ёзган бўлса нотўғри ёзбди,— дедим,— буни исботлаш учун мен қаерда, кимга ва кимнинг олдида сўзлаган эканман, аниқлаш ва гувоҳлар билан юзлаштириш керак.

— Нега газета ўқийсиз?— деб сўради қушбеги.

— Газета ман қилинган нарсаси эмас, уни ўқиш жиноят ҳам эмас, газетани ўзим яширин нашр этиб ўқиётганим йўқ, махфий нашр этилган газеталарни ўқиётганим йўқ. Мен Россия тупроғида Россия цензураси рухсати билан нашр бўладиган ва Россия почталари газетхонларга етказадиган газеталарни ўқийман, ундай газеталарни мингларча кишилар ўқийди, мен ҳам ўшалар қатори. Бу ишнинг нимаси жиноят?

— Сиз мулласиз, шоир ва фозилсиз, сизнинг газета ўқишингизни гап-сўз қилишади. Сиз қуръон ўқинг, китоб ўқинг, газета ўқиш сизга муносиб эмас.

— Қуръон ва бошқа китобларни ўқиб чарчадим, энди менга янги нарсалар керак, токим ҳордиқ чиқарайин. Бу ҳам бўлса газета ва журналлар.

— Жуда бўлмаганда уруш битгунча ўқиманг.

— Биринчидан, бир куни ҳам газета ўқимасам жиннилардек бўламан; иккинчидан, ўқисам-ўқимасам ҳам мен обуна бўлган газеталарни Рус давлати почтаси келтириб бериб туради.

— Жуда яхши, «ўқимайман» дег-да, кетаверинг!— деди қушбеги.

— Мен ёлғон сўзлашга одатланганим йўқ ва ёлғон сўзлай олмайман ҳам.

Қушбеги бас келолмай:

— Яхши!— деб менга жавоб берди. Мен чиқдим.



Ўз навбатини менга берган мулла йўлакда кўриб:

— Қушбеги билан кўп сўзлашдингиз, ўз муддаоингизни қабул қилдирдингиз шекилли? Қутлуғ бўлсин!— деди.

— Билмадим, ростми-ёлғонми бир ваъда беришди, бироқ ҳали қутлаш эрта,— дедимда, қушбеги дарвозасидан чиқиб кетдим.

Қушбеги олдига келаётиб ғазабланган эдим. «Агар бошқаларга бўлганидек менга ҳам қаттиқ тегса, қўрқитмоқчи бўлса, мен ҳам қаттиқ гапираман, нимаики қилса, майли» деб ўзимча аҳд қилган эдим. Бироқ, кутганимча бўлмади. У Бухоро амалдорлари одатига хилофан негадир менга қаттиқ гапирмади. Мантиқсиз гаплар гапирган бўлса ҳам мен қизимадим, мантиқ доирасидан четга чиқишга мажбур бўлмадим. Мен ғолиб чиққан эдим. Бироқ, бу ғалабанинг вақтинча эканини билардим. Амир ҳукумати ва махфий охранка бир кишини таъқиб қилиб ундан воз кечувчилардан эмас эди. Бинобарин, бугун бўлмаса, эртага бирон баҳона билан қўлга туширишлари мумкин эди. Хусусан шунинг учунки мен ўз сўзимда қаттиқ туриб қолган эдим. Шунга кўра мен бирмунча вақт шаҳардан кетишни лозим кўрдим ва дўстларимиздан бирининг ёрдами билан Қизилтепа станциясидаги пахта заводига ишга кирдим.

#### IV

Қизилтепадаги пахта тозалаш заводи бухоролик бир бойнинг заводи бўлиб, унда завод хўжайинининг пахтаси ва «чистачи»

(пахта жаллоблари) ларнинг пахтаси тозаланар эди. Унда ишловчилар руслар, маҳаллий миллат кишилари барбарлар ва пирсиёнлар бўлиб, жами тахминан 150 киши эди. Уларнинг орасида тоғ тожиклари — қоратегинликлар ҳам кўп эди. 1915—16 йилларда заводда пахта кўп йиғилиб қолди, очиқ ҳавода қолган пахта ишчи кучи етишмай мағорлаб ёниб кетди. Хўжайин 1916 йилда Фарғонадан яна 50 қоратегинлик ишчини ишга чақриб келтиришга мажбур бўлди. Хўжайиндан ташқари ишчиларни гўё уларнинг «ўз ичидан» чиққан пудратчилар ҳам эксплуатация қилар эдилар. Бирон мутахассисликка эга бўлган рус ишчиларигина пудратчиларга қарам эмас эдилар. Аммо тоғ тожиклари, барбарлар ва пирсиён ишчиларининг барчаси пудратчиларнинг қўл остида ишлар эдилар.

Мен у ерда заводнинг чигит бўлимида ишлар эдим. Менинг вазифам машинахона ишчилари завод айвонига олиб чиқиб тўккан чигитларни сотиш эди. Чигит сотиб олувчи харидорлар икки хил бўлар эди: бир хили атроф жойларнинг жувозчилари бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси икки пуддан тортиб саккиз пудгача чигит сотиб олар эди, иккинчи хили юз пуддан 500 пудгача чигит сотиб олувчи улгуржи харидорлар — жаллоблар эди. Чигит эса тўрт хил бўлиб, ҳар бири алоҳида нарх билан сотилар эди.

Мен мана шу тўрт хил чигитни турли харидорларга икки пуддан-тўрт пуддан сотиб, пулни олиб, дафтарчага харидорнинг номи, олган молининг миқдори, нархи ва тўлаган пули суммасини ёзиб олар эдим. Чигитни

«пахта виходи» деб тортмасдан тахмин билан чиқариб тўкар эдилар, агар хато кетиб, чигит кам чиқиб қолса, мен жавобгар бўлар эдим.<sup>1</sup> Менинг ихтиёримда фақат битта ишчи ишлар эди, унинг вазифаси чигитни тортиш эди. Харидор кам бўлган куни завод бошқарувчиси у ишчини ҳам мандан олиб бошқа ишларга солар эди. Шунда чигитни ҳам ўзим тортар эдим.

Менинг иш ҳақим чакана сотиш бўйича ҳар бир ман (8 пуд) дан 10 тийин, улгуржи сотиш бўйича ҳар бир мандан 5 тийин эди.

Пахта тозалаш мавсуми охирида менинг ишимни ҳисоб-китоб қилишди, хўжайиннинг тахминича менинг бўйнимга катта тўлов тушиб, бу тўлов иш ҳақимнинг қарийб ярмини ташкил қилар эди. Аммо хўжайиннинг мен билан ўртоқлашган бир ўғли бор эди. У отасини менга тўлов солишга қўймади. Заводнинг бир эски ишчисидан эшитишимча, мандан бурун заводда мен ишлаган вазифада хизмат қилган йигитнинг чигити меникига қараганда хийла кам чиққан экан (у заводда ишчиларнинг ҳаёти бўйича олган таассуротларимни мен «Одина» номли повестининг завод эпизодида тасвирлаганман, унда мен тилга олган Қурбонали деган киши ишчиларни ёллаган пудратчилардан бирининг номидир).

Мен у заводда 1915 йилнинг сентябридан 1916 йил апрель ойининг охирларигача ишладим.

---

<sup>1</sup> «Пахта виходи» шуки, агар 8 пуд терилган пахтадан икки пуд тоза пахта чиққан бўлса, 4 пуд чигит чиққан деб ҳисоб қилинар эди.

Ишда эканман ҳафтада бир кун дам олар эдим. Дам олиш кунни арафасида иш тамом бўлгандан кейин поездга тушиб шаҳарга келар эдим, кечаси баъзи дўстларимни учрати-тиб, улардан янги воқиаларни билиб олар, кундуз кунни ухлаб, кечаси яна Қизилтепага қайтар эдим.

Подшо махфий оҳранкасининг таъқиби қиш бўйи давом этди, кўп кишилар қамоққа олинди ва тинтув қилинди. Подшо ҳукумати сиёсий агентлигининг Бухородаги масъул ходимлари ўз мансабларидан суи истемол қилар эдилар. Сиёсий агентликнинг биринчи котиби — Шулка пора бериш қудратига эга бўлган кишиларни «шубҳали одам» деб рўй-хатга олар, яширин равишда у кишини бундан хабардор қилар, у киши пора бергандан кейин «шубҳа»дан чиқар эди.

Шулка амир ва Николай II нинг пулсиз сотиб олинган қули бўлмиш ҳатто қозикалонга ҳам хат ёзиб, унинг қариндошларидан бир неча кишини «шубҳали» кишилар деб кўрсатди. Қозикалон Шулканинг котиби орқали унга пора юборади. Шундан кейин, Шулка қозикалонга иккинчи хат рози-ризолик хатини ёзиб, биринчи хатида «шубҳали» деб аталган кишиларга қозикалон орқали «дўстлик саломи» йўллайди (қозикалонга яқин турган кишилардан бири менинг дўстим эди, у жамиятнинг топшириғи билан махфий хабарларни билиш учун қозикалоннинг олдида бўлиб турар эди. Бу воқияни менга ўша айтди. Қозикалон унга ўша хатларни ёқиб ташлаш учун берган экан. Аммо у менга кўрса-тиш мақсадида хатларни сақлаб олиб қўйиб-

ди. Тожиқча ёзилган у хатларни мен ўз кўзим билан ўқидим ва уларни бир куни керак бўлар деб сақлаб қўйишни унга тайинладим). Хатлар февраль революциясидан кейин Қогон Совдепига топширилди, улар асосида Совдеп Шулкани қамашга қарор қилди, бироқ, Шулка Қогондан Петроградга қочиб қамоққа тушишдан қутулди.

\* \* \*

Мен 1916 йилнинг ёзини кўпроқ саёҳат билан ўтказдим. Бухоронинг баъзи район ва қишлоқларини кездим. Самарқандда, Хўжандда ва Фарғона водийсида бўлдим.

Бухорода таъқиб аввалги йилларга қараганда янада кучлироқ ва шиддатлироқ бўлди. Айниқса Туркистон деҳқонлари ва меҳнаткашларининг мардикор олиш муносабати билан подшо ҳукуматига қарши қўзғолонларидан кейин амир ва подшолик оҳранкасининг олди-қўйдиси кучайди. Амир ҳар бир районга ва катта қишлоқларга махсус агентлар қўйиб, Туркистондаги қўзғолон ҳақида гапиришни қатъиян ман қилган эди. Бухоронинг катта бойлари Бухородаги Россия сиёсий агентлигига қўзғолон муносабати билан умумий бир ариза ёзиб, Россия подшолигига ўз садоқатларини билдирган эдилар.

Бироқ, халқ оммаси қўзғолонга хайрихоҳлик билан қарар эди! У «худодан» қўзғолоннинг ғалабасини тилар эди, қўзғолон бостирилгандан кейин эса, қочқин қўзғолончиларга ўз уйдан бошпана берар, уларнинг узоқ жойларга қочиб кетишига кўмаклашар эди.

Мен 1916 йилнинг октябрь ойида собиқ хўжайиним Шарифжон махдум қози бўлган Қаршига бордим ва у ерда бир ой туриб, Қарши қишлоқларига саёҳат қилиб, деҳқонлар ва косибларнинг турмушини ўргандим (Қаршида тўқувчилик ҳунари хийла ривожланган эди, дасткорлик корхоналари кўп эди, ундай корхоналарнинг ҳар бирида юзтага қадар халифа, шогирд ва тўқувчи ишлар эди).

Октябрнинг охирларида Бухородан — қозикалонга яқин бўлган бир кишидан телеграмма олдим. Телеграмманинг мазмуни бундай эди: «Тезда Бухорога қайтинг, сизни Хиёбон мадрасасига мударрис тайинлашди».

Мен бу телеграммадан хийла таажжубландим. Аввалан, таажжубки, мен талаб қилганим йўғ-у, мени мударрис тайинлашган. Ваҳоланки, мударрис бўлиш учун ўша давр шароитига кўра қозикалон ва қушбегиларнинг эшиги олдида хорланиш, катта мулла ва бойлардан воситачи бўлиш зори-тавалло, илтимос-илтижо қилиш керак эди. Аммо мударрис бўлишни ҳеч кимдан талаб қилмаган, унинг устига қаттиқ сиёсий таъқиб остига олинган мени мударрис тайинлашибди. Яна бир таажжубим Хиёбон мадрасасига мударрис тайинлашлари эди. Ваҳоланки, Хиёбон мадрасасига ўхшаш бир мадрасага мударрис бўлиш учун камида ўн йил кичик мадрасаларда мударрислик қилиш, уч-тўрт даражага эришиб, кейин у мадрасага ўтиш мумкин эди. Аммо муллалик ишидан қарийб чиқиб кетган, заводда ишлаётган мендақа

бир кишини бирданига бу мадрасага мударрис тайинлашган эди.

Лекин ўзимча муҳокама қилиб, бу таажжублардан қутулдим: 1. Амир ҳукумати менинг муллалар доирасидан чиқиб кетишимни истамас эди. Чунки, муллалар доирасидан чиқиб кетиш, унинг қўл остидан чиқиб кетиш деган гап эди. Менинг муллаларга хос бўлмаган бошқа ишлар билан шуғулланишим муллалар доирасидан чиқиб кетишимнинг муқаддимаси эди. У мени бирданига катта мадрасага мударрис тайинлаш билан ҳам жисман, ҳам маънавий жиҳатдан ўз қўлида сақлаб қолишни истар эди. Бошқача қилиб айтганда, у мени сотиб олмоқчи эди. Чунки энди мен омма ўртасида катта нуфузга эга бўлиб қолган эдим.

2. Гарчи ишчилар ҳаракатига алоқам бўлмасам ҳам, ҳатто бу ҳаракатнинг сиёсий ва революцион мазмунини тушунмасам ҳам ўз шарпаларидан кўрқиб қолган подшонинг махфий охранкаси ва рус сиёсий агентураси бунга қарамай, менинг заводда — ишчилар орасида бўлишимни ўзлари учун «хавфли» деб ҳисоблардилар. (Мен буни худди шу маънода революциядан кейингина тушундим). Шу мулоҳазаларга кўра, улар (яъни яширин охранка ва подшонинг сиёсий агентураси) мени муллалар қаторида сақлаб қолиш учун амир ҳукуматига шу тадбирни маслаҳат кўрган бўлишлари мумкин.

Хуллас, қайси бир сабаб билан бўлмасин мен мударрис тайинланган эдим. Бухорога қайтдим, мударрислик ёрлиғини олдим. Мен мударрис тайинланган мадраса (Хиёбон

мадрасаси)га бордим. У ерда юз танга харж-  
лаб катталар ва мадрасанинг бутун аҳли  
учун гўшт-ёғи мўл-кўл бир зиёфат бердим.  
Зиёфатнинг охирида мадрасанинг катталари-  
га қаратиб бундай дедим:

— Гарчи «жаноб олийлари» мени бу  
мадрасага мударрис тайинлаган бўлсалар  
ҳам, мен бу ишнинг уддасидан чиқа олмай-  
ман. Мен «савдойи кишиман» ва «зиқ-нафа-  
сим» бор, дарс бериш уддасидан чиқа олмай-  
ман. Лекин бу марҳаматни рад қилиш бир  
беодоблик бўлур эди, шунга биноан «марҳа-  
мат» эскиргунча мен сизнинг мадрасангизда  
номидагина мударрис бўламан ва мударрис-  
лик учун қанчаки пул тушса, сизларга ва  
бутун мадраса аҳлига сарф қиламан. Сизлар  
бу ишдан мени маъзур тутинглар. Бирмунча  
вақт ўтгач, менинг бу ишга лойиқ эмаслигим-  
ни кўриб, ўрнимга бошқа бирор муносиб  
кишини мударрис тайинлайдилар.

Менинг бу илтимосим катталарга жуда  
маъқул тушди, чунки улар бошқа бирор киши  
менинг ўрнимга тайинлангунча, мударрис-  
лик ҳақини олиб ётар эдилар, мен бўлсам, ўз  
ҳужрамда — Кўкалтош мадрасасида ўз одат-  
даги ишларим билан шуғулланар эдим.

\* \* \*

1917 йилнинг январь ойидан бошлаб рус  
газеталари очиқдан-очиқ подшолик ҳукума-  
тига қарши чиқа бошладилар, ҳатто «Новое  
время» каби черносотенцлар газетаси ҳам  
подшолик ҳукуматини танқид қилар эди.  
Давлат думасидаги оппозицион фракциягина



эмас, ҳатто Гучков каби черносотенцлар ҳам Николай II ҳокими мутлақнинг яшашга қобил эмаслигини эътироф қилар эдилар.

Шуларнинг барчасига қарамай Бухорода газета ўқиш ва ҳокимнинг аҳволи ҳақида сўзлаш ман этилган эди.

Кўп ўтмай февраль ҳам етиб келди. Россияда революция бўлди, Бухоро аҳолиси бундан беҳабар эди. Агар биров бу воқияни қаердандир эшитиб, уни иккинчи бир кишига айтмоқчи бўлса, фақат қулоғига пичирлаб, сўзлар эди.

4 мартдагина, ҳокими мутлақ ва подшонинг ағдарилиши хабарини баён этган газеталар келгандан кейингина, сиёсий агентлик подшо ўз ихтиёри билан тахтдан кетди деб расмий хабар чиқарди.

Агентликнинг масъул ходимларидан бири ўз ошналаридан бирига «олдин бизнинг мартабамиз паст эди, биз сиёсий агент эдик, энди мартабамиз юқорилашди, резидент бўлдик» деган экан.

Ҳокими мутлақнинг ағдарилиши расман эълон қилингандан кейин, Қогон ва Бухоро шаҳарлари дарвозаси олдида намойишлар, митинглар бўла бошлади. Бухоро аҳолиси бундай митинг ва намойишларга иштирок этишдан маҳрум эди.

Қогон ва шаҳар дарвозаси олдида (вокзалчада) доимо агентлар ва қушбеги одамлари айланиб юрар, Бухоро аҳолисидан бирон киши митинг ва намойишга яқинлашса, уни суриб четлаштира эдилар. Бирон таниқли ва саводли киши бу ман этишларга қарамай митинг ёки намойишга қатнашса, тезда унинг

номини ёзиб олар, қушбеги ва қозикалонга берар эдилар. У киши чақиртирилар ва бундай ишларга қатнашмагин деб огоҳлантирар эди.

Бухоро аҳолиси ўртасида қандайдир бир ҳаракат бошланди, бироқ, бу ҳаракатнинг талаби ва мақсади тор бўлиб, амир саройини ислоҳ қилиш ва амирлик тартибини маълум бир режимга солиш, мактабларни, мадрасаларни, ер солиғини ислоҳ қилиш каби нарсалардан иборат эди. Бу талаблар янги талаблар бўлмагани каби ислоҳот масаласи ҳам янги масала эмас эди. Ислоҳот масаласи олдинлари — жаҳон урушига қадар ҳам вақт-вақти билан Россия матбуотида кўтарилар, подшолик ҳукуматининг сиёсий агентлиги бу ислоҳотга ҳатто «раҳбарлик» қилмоқчи бўлар эди. Амир эса уларга пора беришни аямас, бу масала яна шу билан босилиб қолар эди.

Февраль революциясидан кейин ислоҳотчилар ҳаракати бошида Фитрат ва Усмонхўжа каби Туркиядан таълим олган ва пантуркизмни тарғиб қилувчи жаидлар туриб олдилар. Улар ўз оролларидагина эмас, балки кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган Бухоро аҳолиси билан ҳам усмонли турк тилида сўзлашар эдилар.

Февраль революциясидан кейин улар ислоҳот талаб қилишга киришдилар. Бироқ уларнинг бирон таянчи йўқ эди. Улар қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам, шаҳар аҳолиси ўртасида ҳам ислоҳот ҳақида ташвиқот олиб борган эмас эдилар, февраль революциясидан кейин ҳам буни қилмадилар. Ҳатто ислоҳот

ҳақида уларнинг ёзилган программаси ҳам йўқ эди, кейин ҳам улар программа тузмадилар. Ёлғиз, кўп кишини тўплаб олиб «биз ислоҳот талаб қиламиз» дер эдилар. Тўдани «Махфий жамият» деб атар эдилар. Ваҳоланки у тўданинг кўпчилигини ҳар қандай ислоҳотга қарши бўлган амир ҳукуматининг ошкор агентлари ва амир саройи амалдорларининг фарзандлари ташкил этар эди.

Жадидлар ислоҳот талаб қилиб Петроградга — муваққат ҳукуматга ариза ёзиб, амирга ислоҳот ўтказишга буйруқ беришни сўрадилар. Шунингдек улар Туркистон губернатори Куропаткинга ҳам шу мазмунда ариза бердилар. Қозоқ пантуркистларидан ёрдам олиш учун улар Фитрат ва Усмонхўжани Оренбургга жўнатган эдилар.

Ислоҳотчи жадидларнинг биринчи амалий иши шу эди. Бироқ, бизнинг «Махфий жамиятимиз» нима иш қилди? Афсусланиб иқрор бўлиш керакки, у ҳам бирор иш қила олмади.

Февраль революцияси эълон қилингандан кейин бизнинг жамиятимиз 3 марта йиғилди. Бу 3 йиғилиш ҳам жанжал билан ўтди. Мен жамият махфийлигича қолсин, аммо у ҳозирги талабга мувофиқ программа тузиб, ўз аъзоларини кўпайтиришга ҳаракат қилиши, аъзоликка аввалгидек текшириб, суриштириб олиши лозим ва жамият аъзолари очиқ ва ярим очиқ бўлган барча ҳаракатларга иштирок этсинлар, ҳар ким жамият топшириғига биноан иш кўриши, топшириқни бажариши ва бошқаларга ёрдам қилиши лозим, деб таклиф киритдим.

Бошқалар, модомики, Россияда революция бўлди, энди «Махфий жамият»нинг ҳожати йўқ, биз ўз жамиятимизни тарқатиб, «ўқиб келган муллалар» изидан боришимиз керак деб таклиф қилишди.

Менинг томонимда ёлғиз укам Сирожиддин (амир томонидан 1918 йилда ўлдирилган), Ҳомидхўжа Меҳрий (у ҳам амир томонидан ўлдирилган) ва Мирзаназулло (у 1917 йилда мен билан бирга қўлга тушиб бир қамоқхонада ётди, бирга етмиш беш таёқ билан жазоланди ва таёқлар зарби билан жазонинг учинчи куни ўлди) қолишди.

Уч кунлик жанжалдан кейин мен ўз таклифимни ўзгартиришга мажбур бўлдим: жамият тарқатиб юборилмасин, у вақтинча ўз фаолиятини тўхтатсин, жамият аъзоларидан ҳар бир киши хоҳлаган кишининг изидан бориши мумкин ва агар очиқ ёки ярим очиқ равишда фаолиятни давом эттириш имконияти қолмаса, жамият шароитга қараб программа қабул қилиши, эски состав билан ишга кириши ва ўзига мувофиқ кўрган кишини жамиятга жалб қилиши мумкин.

Бу таклиф қабул қилинди, ўз аъзоларининг номи ва олиб борган ишларини оммалаштирмасдан жамият ўз фаолиятини тўхтатди.

Мендан, Ҳомидхўжа, Мирзаназулло ва укамдан бошқа ҳаммалари Фитрат ва унинг ҳамроҳлари изидан бордилар. Мен улар билан ғайри расмий алоқа тутар эдим, ҳар бири билан сўзлашиб, уларни фойдали бир йўлга киритишга ҳаракат қилар эдим, жуда бўлмаса амир ва ҳукумат агентларини ҳамда

бошқа провакаторларни яқин йўлатмасинлар деб тушунтирмоқчи бўлар эдим, бироқ, бу фойда бермас эди. Чунки у «раҳбарлар»нинг ўзлари провакаторлар бўлиб, оммани сарсон-саргардон қилиб алдар эдилар.

Мен уларнинг олдига деҳқонлар ўртасида ташвиқот олиб бориш масаласини қўйдим.

— Модомики, ислоҳотнинг бир масаласи ерга солинадиган солиқ ислоҳоти экан, бу соҳада деҳқонларни тайёрлаб бориш керак,— дер эдим.

— Биз муваққат ҳукумат воситаси билан амирни ислоҳот ўтказишга мажбур қиламиз. Ислоҳот бўлгандан кейин ундан манфаатдор бўлган деҳқонлар албатта бунга «йўқ» демайди,— деб менга жавоб беришар эди.

Аҳволни билиш учун шахсан ўзим қишлоққа чиқдим, шаҳардан йигирма тўрт километр узоқ бўлган Вобкентга бордим, турли деҳқонлар ва қишлоқиларнинг кўксига қўл солиб кўрдим. Аммо бу деҳқонлар мен 1916 йилда ва ундан олдин амирнинг зулми ҳақида суҳбат қилганимда ўз турмушларидан мисоллар келтириб нолиган деҳқонлар эмас эди.

Энди ундай деҳқонлар йўқолиб кетган эди, уларнинг ўрнига мутаассиб деҳқонлар пайдо бўлган эдики, улар амирнинг ҳар бир ишини шариатга мувофиқ деб билиб, ислоҳотчиларни кофир деб санар эдилар. Чунки февраль революцияси бошланиши билан амир ҳукумати ва унинг тарафдорлари, муллалар орқали саводсиз деҳқонларни дин ва шариат номи билан ҳар қандай ислоҳот ва ислоҳотчиларга қарши отлантириб қўйган эдилар. Ислоҳотнинг нималигини ва унинг ўзларига

зарарли эканлигини билувчи бой деҳқонлар, амалдорлар ва оқсоқоллар амирнинг ўзбошимча ҳаракатларига тарафдорлик қилиб, ҳар қандай ислоҳот ва ислоҳотчиларга қарши бўлиб, деҳқонларни ислоҳотга қарши қўзғар эдилар.

Мен ўзимнинг бу саёҳатимни фойдасиз деб ҳисобладим ва шаҳарга қайтдим.

Мен у вақтларда Россиядаги ишчилар ҳаракатининг сиёсий моҳиятини билмас эдим. Сиёсий-революцион билимга эга эмас эдим, бирон сиёсий ташкилотдан, лоақал бирон революционердан тарбия ва йўлланма олман эдим. Шунга кўра нима қилишимни билмай, бирмунча вақт ҳайрон ва сарсон бўлиб қолган эдим.

## V

Ислоҳотчиларнинг муваққат ҳукуматга қарата ёзган аризаси «натижасиз» қолмади. Бир вақт Россия сиёсий агентлиги ва амирнинг номига телеграмма келди. Телеграмманинг мазмуни бундай эди: «Бухоро аҳолиси ислоҳот талаб қилаётган экан, уларнинг талаби «Жаноби олийнинг ризолиги» доирасида қаноатлантирилсин» (Мен бу телеграмманинг мазмунини қушбеги ва консулхона билан алоқаси бўлган бир кишидан эшитган эдим).

Бу телеграмма келгандан кейин кишилар орасида амир ислоҳот қилар экан деган мишмиш тарқалди. Бироқ, ҳеч ким амир нимани ислоҳ қилади ва қандай ислоҳ қилади, бил-

мас эди. Аммо шуниси маълум эдики, агентликнинг масъул ходимлари ва сиёсий агент Миллернинг ўзи амир қошига тез-тез келадиган бўлиб қолган эди. Баъзан улар ҳатто кечаси ҳам Бухорода қолиб, амирнинг ҳовлиларидан бирида тунаб қолар эдилар.

Петроградга — муваққат ҳукуматга ислоҳот талаб қилиб ариза юборган раҳбарларга — ислоҳотчиларга на қушбеги ва на сиёсий агентлик расмий ёки ғайри расмий тарзда бўлса ҳам ислоҳот ҳақида ҳеч нима демас эдилар.

Фақат бир марта сиёсий агентлик бошлиғи Миллер ислоҳотчиларнинг бошлиқларидан икки-уч кишини ўз ҳузурига даъват қилди (мен улар орасида йўқ эдим) ва улардан талабларини сўраб олди.

Улар мактаб ва мадраса ислоҳотидан тортиб бошқа ислоҳотларга қадар ўз мулоҳазаларини айтдилар. Миллер жавоб қайтариб «мактаб ва мадраса ислоҳоти учун ҳали вақт эрта, бунга катта муллалар қарши. Бошқа ишлар бўлса жаноб олийнинг марҳамати билан яхши бўлиб кетади» деди.

Шу суҳбатдан кейин Миллер матбуот мухбирларига «жаноб олий — Бухоро амири кенг ислоҳотлар қилади» деб ахборот берди.

\* \* \*

Ислоҳот лойиҳаси ҳақидаги фармон агентлик томонидан тузилган эди. Унинг мазмуни кўчаларда оғиздан-оғизга тарқала бошлади. Ҳамма ислоҳотга умид қилар эди. Амир ҳу-

куматининг бу соҳада кўрган тайёргарлиги ислоҳотга очиқдан-очиқ қарши бўлган Бухоро қозикалони ва раисини ишдан бўшатиб, уларнинг ўрнига ислоҳотга бир даража тарафдор бўлган Шарифжонни қозикалон ва Абдусаматхўжани раис тайинлашдан иборат бўлди, холос.

Қушбеги уларга мансаб фармонини топширганда «жаноби олийга шукрона тортиғи юбориш», катталарга «муборакбодлик» бериш каби эски одатлар тарк қилинсин деди. Чунки у одатлар жаноби олийнинг ислоҳот фармони билан ман қилинган эди (бирок, фармоннинг ўзи ҳали эълон қилинмаган эди).

Бир неча кундан кейин ўша қушбеги Қозикалонга «жаноб олийга шукрона тортиғи юборилсин. Ислоҳотчилар билан яқинлашманг, раисга ҳам бундай ишлардан четда туринг деб тушунтириб қўйинг» деган мазмунда хат юборди. (Бу хатни собиқ хўжайиним Шарифжон махдум уйида ўз кўзим билан кўриб ўқидим.) Бу хат амир ҳукуматининг ислоҳот ниятидан қайтганини очиқ ва равшан кўрсатар эди. Мен яна буни сўриштира бошладим. Натижада эшитишимча, қушбегининг яқини ва ислоҳот бўйича маслаҳатчиси бўлган киши «энди ислоҳот фармонини нашр қилмасак ҳам бўлади. Чунки консулхона (сиёсий агентлик) воситаси билан Петроградда уч миллион сўм сарф қилдик. Натижада Клеммдан «ислоҳот ўтказиш ёки ўтказмасликни Муваққат ҳукумат амир ихтиёрига ҳавола қилди», деган телеграмма олдик. (Клемм ҳокими мутлақ вақтида Урта Осиё ишлари билан шуғулланувчи киши



бўлиб, Муваққат ҳукумат даврида ҳам шу мансабда эди.)

Мен бу воқияни ислоҳотчиларнинг раҳбарларига — жадидларнинг бошлиқларига билдирдим, агар амир ислоҳот ҳақида фармон чиқарса ҳам, провакация характеридаги бу фармонга ишонмаслик керак, мақсадга эришиш учун жиддий чоралар кўриб, ташкилотни махфий ташкилот қилиб, аҳолини ислоҳот талаб қилишга ҳозирлаш лозим дедим.

Аmmo улар бу маслаҳатларга қулоқ солмадилар ва қулоқ солишни истамас ҳам эдилар, улар ёлғиз ислоҳот эълон қилинган кунда шодиёна намойишини уюштиришга ва амирга ташаккур изҳор этишга тайёрланар эдилар. Бунинг учун бахмал байроқлар тайёрлаб, уларга олтин ҳал билан «Яшасин ҳурриятпарвар амир — амир Олимхон» ва шунга ўхшаш шиорлар ёзган эдилар. Бу — уларнинг «ислоҳотдаги муҳим тайёргарлиги» эди.

\* \* \*

Куннинг охирида ислоҳот фармони ҳақида эълон чиқди. 1917 йилнинг 6 апрели (эски ҳисоб билан) да пайшанба куни қушбеги одамлари қозикалон, Бухоро раиси, катта саркардалар, муллалар ва 40 нафар катта бойларга жума куни 7 апрелда соат 10 да «Арки олий»да ҳозир бўлишларини хабар қилган эди.

Бу оғзаки таклиф бўлиб, даъватнинг сабаби маълум эмас эди. Кишилар «Ислоҳот фармони эълон қилинади» дер эдилар.

Даъват қилинган кишилар айтилган соатда аркда тўпландилар. Амир ҳам бу йиғилишда иштирок этди. Қушбеги ишораси билан қозикалон фармонни ўқиб эшиттирди. Бундан бошқа нутқ сўзлаш ҳам, гап-сўз ҳам бўлмади. Шу билан фармон эълон қилиш маросими тугади. Амир одамлари Регистонда фармоннинг бир неча нусхасини тўпланган кишилар томонига сочиб юборишди.

Фармонни ўқидик, «Ўлик йиғи-сиғига арзимасди». Фармон тожик тилида бўлиб, арабча ёзувда қўлтош босмахонада нашр қилинган эди. Фармон мазмунининг хулосаси шундай эди: амир саройини ислоҳ қилади, ҳукумат хизматчилари учун маош белгилайди. Ҳукумронлар ўзбошимча хатти-ҳаракатлар қилишмайди. Закот, хирож ва бошқа солиқлар муайян бир тартибда солинади. Инъом-эҳсон ва сарой тортиқлари тугатилади. Бухорода босмахона қурилади. Ҳукумат қошида Бухоро аҳолисининг «доно ва донишмандларидан» иборат маслаҳат кенгаши тузилади. Ҳукумат хазинаси аниқланади, кирим-чиқим ҳисобга олинади, вассалом.

Бу фармон киши тушуна олмайдиган иборалар билан ёзилган эди. Унинг бир неча жойида қуйидаги сўзлар қайта-қайта такрорланарди. «...Бизнинг ҳукумат идораларининг ислоҳоти ва ўзгаришлари шарияти шарифга мувофиқ бўлади...» Бу қайднинг ўзиёқ бирон нарса ҳам бўлмаслигини кўрсатар эди. Ислоҳотчилар нимаики талаб этишса, «бу шарияти шарифга мувофиқ эмас» деб рад этар эдилар. Бироқ, ислоҳотни орзу қилган кишилар бу нозикликни тушунмадилар, уларнинг раҳбар-

лари — жадидлар бўлса, «амирнинг бу мукофоти»ни шодиёналик билан қабул қилиб, провокация йўлида амирга ташаккур изҳор этишга тайёрлик кўрмоқда эдилар.

Зотан «Яшасин ҳурриятпарвар амир — амир Олимхон», «Яшасин эрксевар амир» каби шиорлари ёзилган байроқлар олдиндан тайёрлаб қўйилган эди.

Фармон нашр этилган 7 апрель (эски ҳисоб билан)да — жума куни жадидларнинг бошлиқлари кўчаларда митинглар уюштириб, фармонни изоҳлар, ҳар бир сўзда амирга ташаккур изҳор қилар эдилар. Бироқ, бу билан қаноатланмай, улар 8 апрель — шанба куни шодиёна ва шукрона намойишни уюштирамоқчи бўлдилар. Бунга тайёрлик кўриш учун 7 апрель кечқурун соат 5 да бир ҳовлида йиғилиш ўтказишди.

Бу йиғилишга мен ҳам қатнашдим. У ерда амирнинг махфий агентлари ва томошабинлар ҳам бор эди. Мажлизда шодиёна ва шукрона намойишни ташкил қилиш муҳокама қилинди. Мен бунга қаттиқ қарши туриб: биринчидан, фармон ташаккур айтишга арзимайди, иккинчидан, ҳукумат намойишни баҳона қилиб, унга қарши ҳаракат кўтаради, фармонни йўққа чиқаради, фармонни амалга оширмаслик сабабини намойишчиларга тўнкайди (амир ва унинг ҳукуматининг бу плани ҳақида менда маълумот бор эди).

Бироқ, менинг бу таклифим жадидларнинг бошлиқлари томонидан рад қилинди, менинг томонимда уч-тўрт кишигина қолди, холос.

Жадидлар муваққат ҳукуматнинг сиёсий агенти Миллерга вакил юбориб, ундан намо-

йиш учун рухсат олишга, шу билан бирга унинг ёрдамида амир ҳукуматидан амир давлати ҳарбий духовой музикасини сўраб олиб, намоёйишни янада шодиёна ва шукрона тантана билан ўтказишга қарор қилишди.

Мен намоёйиш раҳбарларига яқин бўлган, гапга фаҳми етадиган бир неча дўстим билан кечаси алоқа тутиб, уларни шукроналик намоёйишини ман қилишга ташвиқ қилдим, уларга амир, муллалар ва ҳукуматнинг планини тушунтириб бердим. Бу, аниқ маълумотлар асосан менга маълум эди. Улар намоёйишга йўл қўймасликка кўндилар.

Шанба куни — 8 апрелда эрталаб Бухоро пассажидаги жадидларнинг ширкат магазини олдига — уларнинг тўпланиши лозим бўлган жойга бордим. Одам кўп эди, ҳамма шавқ-завқ билан намоёйишга тайёрланар эди, «ташаккур» шиорлари олтин ҳал билан ёзилган бахмал байроқлар магазинда эди. Бироқ раҳбарлар йўқ эди.

Мен ўз ҳужрамга қайтиб келдим, намоёйиш раҳбарларига яқин турган дўстларимдан бирига хат ёзиб, намоёйишга чиқманглар деб таклиф қилдим, бўлмаса жавобгар бўласанлар деб қатъий огоҳлантирдим. Бу хатни шогирдларимдан бири орқали намоёйишчилар марказига юбориб, намоёйиш бошланса, менга хабар бергин деб тайинладим. Бундан менинг мақсадим агар намоёйиш бошланса, шаҳардан кетиб яшириниш эди. Чунки менга қарши ҳаракат бошлаб, қўлга туширмоқчи эканликларини билардим.

Бироқ, менинг «бу хабарчим» қайтиб келмади ва бир соатдан кейин кўчада оёқ овоз-

лари кўпая бошлади. Деразадан қарасам калтак ва теша кўтариб олган муллалар турли томонга чопишар, қуролланган ҳукумат одамлари от чоптирар эдилар. Мадрасадан фарёд овозлари чиқди. Қулоқ солдим, муллалар «во шариат» деб фарёд кўтармоқда эдилар.

Бир соатдан кейин «менинг хабарчим» деразани чертиб, намойиш бошланганини, унга қарши ҳаракат кўтарилгани, дўконлар ёпилгани, амир одамлари намойишга қатнашган баъзи кишиларни қўлга тушириб, қамаганларини айтди. Намойиш раҳбарлари тарқалиб қочганлар, улардан битта одам ҳам қўлга тушмаган. Ваҳоланки улардан уч киши ҳарбий музикани сўраб олиб келиш учун амир саройига юборилган эди...

Аммо менинг қочишим учун йўл бек эди. Қўча-кўй ва мадраса аксилҳаракатчилар билан тўла эди. «Во шариат» овози тобора баланд кўтарилмоқда. Агар улар мени кўриб қолишса, оломонга юлиб уриб ўлдиришар эди.

Кеч кирди. Мен қоронғиликда мадрасадан чиқдим. Ўғли менга шогирд бўлган дўстларимдан бирининг уйига бордим, ундан аҳволни сўрадим, у айтди: «Мен муллалар билан ҳамроҳ бўлиб аркка чиқдим, у ерда бир жазо рўйхати тузилди. Рўйхатнинг бошида сизнинг номингиз бор, мен сизга шогирд бўлган ўғилларим ва укаларимни бир жойга қочирдим, агар хоҳласангиз сизни ҳам қочириб кўрай».

Аммо мен буни қабул қилмадим ва ўзимга «нимаики бўлса, ўз ҳужрамда бўлсин, менинг

учун бировларнинг уйи оёқ ости, талон-тарож бўлмасин» дедим.

Тунни қўлга тушиш хавфи билан ўтказдим. Тонг ёришидан олдин ювиниб олиб, хужрамни ичкаридан бўйлаб қўйдим. Ҳали қуёш ҳам чиқмаган эди, мадраса ичида этик товўшлари эшитилди. Қелаётган кишилар менинг хужрамнинг олдида тўхтаб, эшикни қаттиқ қоқа бошладилар. Мен овоз чиқармадим. Хужра қўшним бўлган бир наманганлик мулла, у ҳожи ҳам эди, хужрасидан чиқиб менинг хужрада эканимни айтди ва «кечаси билан мажлис қилиб, жаноб олийга қарши қарорлар қабул қилишди» деган ёлгонни ҳам қўшиб қўйди. Ваҳоланки, менинг хужрамга кечаси ҳеч ким ҳам келмаган эди.

Қелган кишилар хужра эшиги олдига қоровул қўйиб, қолганлари дераза томонга келишди, деразани синдириб, мени судрас кўчага тортиб туширишди. Дераза кўчадан бир одам бўйи баланд эди, мен пастга йиқилдим.

Умримда қурол кўтарган эмас эдим, қуролим йўқ эди ва қуроладан фойдаланишни ҳам билмас эдим. Уша пайтда бундан пушаймон бўлдим. Агар қуролим бўлганда, бу итларнинг бир нечасини ўлдириб ташлаб, кейин қўлга тушсам майли эди.

Кўчага йиқилиб тушган жойимдаёқ мени этиклари билан тепа бошлашди, кейин файтунга ўтқазишди. Қаршимда ва ёнимда биттадан иккита қушбеги одамлари ўтиришар эди. Уларнинг бир қўлида тўппонча бўлиб, иккинчи қўллари билан, афт-башарамга мушт туширишар эди.

Бирининг бир мушти бурнимни қонатди, шоҳи чопонларига қон сачраб, доғ қилди.

Улар «нега бизнинг чопонларимизни қон қилдинг» дея яна қаттиқроқ ура бошладилар.

Мени Регистонга олиб бориб файтундан туширишди. Регистонда амирнинг пиёда сарбозлари икки тарафда саф тортиб туришар эди. Муллалар «фисқ-фасол хамиртурушини олиб келишди» дея бақирар эдилар.

Мени сарбозлар сафи ўртасидан ўтказиб аркка олиб киришди. Арк йўлагидан тортиб масжид жомияга қадар амир амалдорлари расмий кийимларда саф тортиб туришар эди. Уларнинг олдидан олиб ўтар эканлар, кўпи менга яқин келиб бир мушт туширар эди. Мен батамом ҳолдан кетган эдим. Аммо қушбегининг одамлари қоп судрагандек мени судрашар эди. Амирнинг сайисхонасидан Султон деган жиловдор чиқиб, бошимга чунон бир мушт туширдик, ўзимни билмай қолдим. Кўзимни очиб қарасам, қушбегининг қаршисидаман, муллаларнинг вакиллари ҳам бор.

Қушбеги бирон нарса сўрамай, мени қамоқ қилишга буйруқ берди. Унинг олдидан олиб чиқиб яна аркнинг йўлагига томон «обхона» деган қамоқхонага йўл олишди. Қушбегининг ҳовлиси олдида рўпарамиздан Тўрақул удайчи (ташриф қабул қилувчи вазир) чиқди, у қушбеги одамларига «уриб-уриб олиб боринг» деб буюрди. Зотан қушбеги одамлари бусиз ҳам мени «бекаму-кўст» урмоқда эдилар. Бу буйруқдан кейин улар янада қаттиқроқ ура бошладилар.

Мени «обхона»га олиб боришди. Зиндон-бон эшикни очди, мени унга олиб киришганда, қўлида тўрт-беш яшар боласи билан йўлда қушбегининг одами турар эди, у менга бир мушт туширди, унинг боласи ҳам нозик қўллари билан мени бир мушт урди. Лекин ҳамма муштан ҳам мана шу тўрт яшар боланинг мушти менга қаттиқ таъсир қилди. Чунки, бу — ҳукуматнинг катта арбобларигина эмас, ҳатто уларнинг болалари ҳам бизни маҳв этишга бел боғлаганини кўрсатар эди...

\* \* \*

Мени обхонага ташлашди. Обхона кенглиги 4 квадрат аршиндан кўп эмас эди. Бироқ, у ерда маҳбуслар шунчалик кўп эдики қарийб бир-бирининг устига ўтирар эди. Уларнинг баъзилари етти йилдан бери шу ерда эди (7 йил қамоқда ётганлардан бири эса икки йилдан бери кўр бўлиб қолган эди).

У уйга ёруғлик кирадиган жой йўқ эди. Кириш эшиги бир аршин бўлиб, у ҳам аркнинг қоронғи йўлагидан очилар ва доимо қулфлоғлик эди. Уйнинг бир четида кичкина ва олди берк йўлакча бор эди, маҳбуслар унинг шифтидан Регистон томонига қаратиб бир тешикча очган эдилар, ундан Регистонни «томоша» қилар эдилар (мен «обхона» деган амирнинг қамоқхонаси ва ундаги маҳбуслар аҳволи тафсилотини «Дохунда» номли романимда тасвирлаганман).

Обхонада кўйлак ва лозимимдан ташқари бутун кийимимни ечиб олишган эди, бунчалик ваҳшиёна калтаклардан кейин офтоб кўрм-



ган у қоронғи тор уйга тушганимда, яхлаган сувга шўнғитилгандек аъзойи баданим қалтирар эди...

Бирон соатдан кейин Мирзаназрулло деган ўртоғимни обхонага ташлаб кетишди. Уни шунақаям калтаклашган эдики, қимирлашга мажоли етмас эди. Унинг кетидан ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамаси бир ўспиринни олиб келишди. У ўспиринни ҳам қаттиқ калтаклашган эди, бунинг устига унинг қулоғидан темир мих ўтказишган эди, ундан қон оқар эди...

Бирмунча вақтдан кейин мени ва Мирзаназруллони обхонадан олиб чиқишди. Эғнимизда бир кўйлагимизни қолдиришган эди холос. Арк йўлагидан дарвоза ва ёғоч кўприкка қадар амирнинг амалдорлари ва катта муллалар лиқ тўла эди. Қушбеги — Мирзаназрулло росмана кийимлари билан арк дарвозаси остонаси устида турар эди. Унинг қўлида бир хат бор эди. У мени кўриши биланоқ хатга қаради-да, амалдорлардан:

— Айний шуми?— деб сўради.

— Айний шу!— деб амалдорлар ва муллалар ҳаммаси бирдан бўкиришди.

Бироқ, одамлар орасидан бир овоз чиқиб:

— Бу Айний эмас!— деб юборди. Мен овоз чиққан томонга қарадим. Бу Бухоро дуторчиларидан бири, мени танир эди, у кейинги вақтларда амир тузоғига тушиб қолган эди, бечора сарой ходимлари қаторида тик турар ва йиғлар эди.

Яхшиям бирор амалдор унинг гапини пайқаб қолмади, бўлмаса у ҳам мен билан бирга жазоланар эди.

Тахта кўприк устида мени бир тўлагина келган одамнинг орқасига мингаштиришди, у энгашиди. Қўлларимни унинг бўйнидан оша тушириб, бир киши маҳкам ушлаб турди. Қўйлагимни йиғиштириб бошимга оширишди. У ерда бир ярим аршинли эллик-олтмиш бута калтак турар эди, ҳар бирининг йўғонлиги оёқнинг бошмалдоғидай.

Қушбегининг ишорати билан икки мирғазаб биттадан калтак олиб, икки ёнимга ўтишди. Кўзим қушбегининг кўзига тушди, мен унга тиғдай тикилиб қарадим. У менинг бундай тикилишимга тоб бермай, кўзини қочирди.

Мирғазаблар «бир-икки» деб икки томондан савалай бошладилар, улар темирчилар навбатма-навбат темирга болға ургандек бири калтагини кўтарганда, иккинчиси калтаги билан урар эди. Шу зайл бўйнимдан тортиб белимнинг пастига қадар калтак билан савалашар эди. Баданимдан қон сачрар, узилган гўшт ва тери парчалари турли томонга отилар эди. Дардга чидаб бўлмас эди. Бироқ, ўшанда менда чунон куч ва чидам пайдо бўлдики, у золим ваҳший палитлар олдида додлаш ва йиғлашдан номус қилар эдим, мардоналик билан амалдорларга тик боқар эдим.

Қалтаклаётганларида яқинроқ турган мулла ва амалдорлар бошимга, бетимга мушт туширишар эди.

Бир вақт мирғазаблардан бирининг «етмиш беш» деган овози эшитилди. Бу сон амирнинг калтак жазосида энг катта ва сўнгги сон эди. Қушбегининг ишорати билан мирғазаблар калтаклашни тўхтатдилар (мен

амирнинг 75 калтак уриш тартибини «Қуллар»нинг биринчи қисмида тасвирлаб ёзганман).

Мени у кишининг орқасидан туширишди. Тик туриш ва оёқ босишга мажолим йўқ эди, зиндонбонлар кўтариб олиб қайтишди. Яна мени «обхона»га ташлашди.

Эски маҳбуслар ўзлари ўтирадиган бир бўйрани бўшатиб, мени чалқанчасига ётқизишди, бошим тагига ёстиқ ўрнига икки пишиқ ғишт қўйилди. Ярамдан ҳамон қон оқар эди. Баданим қизитилган мих қоққандай ичидан ҳам, тошидан ҳам санчиб оғрир эди. Ачиштириб қийновчи бу оғриқнинг устига худди муз устига ётқизгандек қалтирар эдим, тишим тишимга тегиб шақиллар эди. (Эски «тажрибали» маҳбусларнинг ақидасича етмиш беш калтак еган киши учун ягона даво бўйра эди. Агар жароҳатланган маҳбуснинг яраси бўйрага босилмаса, яра йиринглаб кетар ва кишини ўлдирар экан. Аммо бу бўйра етмиш беш калтак еган маҳбусларнинг орқасини кўра бериб қассоб тахтачасидай қон ва гўшт парчалари билан қотиб кетган эди).

Маҳбуслар менинг титроғимни кўриб барча кийимларини устимга ёпиб, агар бандилар қоровули келса кийимларни устингдан иритиб ташла, бўлмаса улар яна жазолайди деб огоҳлантиришди.

У кийимлар чунон бит босган эдики, сасиган гўштда қурт ўрмалагандек ярамнинг устида ўрмалашар эди.

Нафасим сиқилди, жон талвасасига тушдим, шунда қаттиқ яраланган кишини силаш

фойдали деган нарса эсимга тушиб қолди. Эски маҳбуслардан қўл-оёқларимни қаттиқ силашларини илтимос қилдим. Тетикроқ маҳбуслардан тўрттаси менинг қўл-оёғимни қаттиқ силай бошлади.

Тахминан ярим соат давом этган бу амалдан кейин нафас олишим енгиллашиб, уйга назар сола бошладим; яқинимда, бошқа бир бўйранинг устида чала сўйилган товуқдек Мирзанагрулло қўл-оёғини у ёқ-бу ёққа ташлаб талваса қилар эди. Унинг бу аҳволи отамнинг жон узишига ўхшар эди. Мендан кейин Мирзанагруллони етмиш беш калтак билан уриб ташлаб кетишган экан. Маҳбуслардан мени ўз ҳолимга қўйиб, унинг оёқ-қўлларини силашларини илтимос қилдим. Силаш бирмунча вақт давом этгандан кейин, унинг ҳам нафас олиши енгиллашиб бир қадар ором олди. Умри Бухоронинг соясида ўтиб, офтобдан кам баҳраманд бўлган кишиларидан эди. Калтак камқувват Мирзанагруллога мендан кўра қаттикроқ таъсир қилган эди.

\* \* \*

Эрталаб соат 4 лар чамаси эди. Бу ерда беш йилдан бери маҳбус бўлиб ётган бир туркман обхонанинг олди ёпиқ йўлагидаги шифт тешигидан қараб тураркан, бирдан шодлик билан қичқириб юборди:

— Солдатлар келишди, бизни қутқаришади!

Тешик олдида тик турган туркмандан бошқа киши у кичкина тешикдан Регистонни

кўролмаса ҳам, барча маҳбуслар у томонга ёприлишди. Мен, Мирзаназулло ва мажруҳ Абдурасулгина ўрнимизда қолдик.

Кўп узоққа чўзилмади, қамоқхона эшиги олдида этикли кишиларнинг овози баландроқ эшитила бошлади, қулф шарақлаб кетиб, эшик очилди. Қўлида винтовкаси бор бир рус солдати бошини ичкарига киритиб, аввал рус тилида ва кейин русча-ўзбекча аралаш:

— Чиқинглар, сизларни Россия революцияси озод қилди!— деди.

Буюмларини йиғиштирмасданоқ ҳамма қамоқхона дарчасидан чиқа бошлади. Ўридан қимирлашга ҳолимиз бўлмаган мен ва Мирзаназулло ҳам руҳланиб ўзимиз оёққа туриб, қамоқхонадан чиқиб кетдик.

Арkning йўлагиди солдатлар юришар эди, улар бошқа обхоналарни ҳам очиб, маҳбусларни чиқаришди. Деворнинг тагида турган амалдорлар бу ҳолни кўриб таажжубланар, ғазаб билан боқишар эди...

Солдатлар маҳбусларни аркдан олиб тушиб, ҳаммани ўз ихтиёрига қўйиб юбордилар, биз — мажруҳларни ҳамда ўзларини революционер ҳисоблаган кишиларни бўлса файтун ва отларга миндириб, шаҳардан олиб чиқиб кетдилар.

Бухоро қалъаси дарвозасининг ташқарисиди — поездча (кукушка) станцияси майдониди кўп солдат саф тортиб турар эди. У ерди митинг бўлди, солдатлар бирин-кетин сўзга чиқиб биз учун амирдан қасос олишга ваъди берар эдилар. Қизил байроқ ҳилпирар эди, бир солдат суяб тургани ҳолди, мен байроқнинг тагида тик турар эдим.

Амирнинг етмиш беш таёғи билан калтакланганимда, йиғлаш у ёқда турсин, ҳатто «вой» ҳам демаган эдим, бу ерда бўлса йиғидан ўзимни тутолмас эдим. Бу шодлик йиғиси эди, бундай йиғининг тасвирини адабиётда ўқиган эдим, бироқ, бугун буни ўз тимсолимда, ўз кўзларим билан кўраётган эдим...

Биз қутулдик. Воқиа шундай бўлган экан: 8 апрелда Бухорода контрреволюция бошланганда Когон Совдепи ва Бухоронинг революцион ёшлари бу ҳақда Тошкент, Самарқанд ва Қаркига хабар қилиб, улардан ёрдам сўраган экан. Муваққат ҳукумат намояндалари бунга аҳамият бермаган бўлсалар ҳам, мазкур совдеплар революцион руҳдаги аскарларни Бухорога юборишади. Муваққат ҳукумат намояндалари Тошкентдан Россиянинг Когондаги сиёсий агентига Бухоро революционерларини ҳимоя қилишга йўл бермаслик учун, аскарларни шаҳарга киритмаслик ҳақида буйруқ берган экан. Агент ҳам худди шундай қилган. Аммо аскарлар шаҳар дарвозаси олдида чодир тикиб туриб қолишган.

Когон Совдепи ва аскарлар амирнинг маҳбусларни таёқ билан жазолаётганини эшитиб, жанг билан бўлса ҳам шаҳарга кириб, маҳбусларни озод қилишга шайланишади. Агент жанг бошланиб кетиши мумкинлигини кўриб, амирдан маҳбусларни озод қилишни талаб этишга мажбур бўлади. Амир бунга ваъда беради. Бироқ, аскарлар ваъдага ишонмай, «бориб ўз қўлимиз билан маҳбусларни озод қиламиз» дейишади.

Амир ночор рози бўлади. Агент аскар-

лардан эллик кишини ажратиб шаҳарга киритади ва улар бизни ўз қўллари билан қутқозишадилар.

Аскарлар шаҳар дарвозаси олдида менадан: «амирнинг яна қаерда қамоқхонаси бор» деб сўрашди, мен зиндонларни ва қамоққа айлантирилган ҳовлиларни айтиб бердим. Улар Бухорога қайтиб, у ердаги маҳбусларни ҳам озод қилишди.

\* \* \*

Биз — мажруҳларни Когоннинг шаҳар касалхонасига олиб келишди. Менинг ҳароратим ўттиз тўққиз-қирқ даража ўртасида эди. Аммо Мирзаназруллонинг ҳарорати нуқул қирқдан ошиқ эди.

Чоршанба куни эски ҳисоб билан 12 апрелда Мирзаназрулло вафот этди. Ўша куни больницада ўликни ҳам, бизни ҳам суратга олишди. (Суратларнинг асл нусхасига ҳар кимнинг номи ва фамилиясини, орқасига эса унинг қамоққа олинган куни, калтакланган куни ва сурат олинган кунни ёзиб қўйдим)...

Провакацион шукрона намоишини уюштирган жадидларнинг бошлиқлари контрреволюция авж олгандан кейин амир билан ярашмоқчи бўлдилар. Россиянинг сиёсий агенти — подшо Николай II нинг содиқ қули бу ишда воситачилик қилар эди.

Бунинг барчасини больницага менга хабар қилишди. Мен қаттиқ эътироз билдирдим ва «амир билан ярашмоқ мумкин эмас» дедим.

Бироқ, улар қарорларини амалга ошириш

учун амирнинг аркига ўн икки вакил юборишди. Агентликнинг ходимлари ҳам улар билан бирга эди. Амир уларни қўлга тушириб, ўзига хавfli деб эҳтимол қилган кишиларни йўқотиб юбормоқчи эди. Аммо улар Совдеп ва рус революцион аскарларининг қаттиқ туриб ҳарбийларча қилган ҳаракатидан кейин амирнинг тузоғидан қутулдилар.

Гарчи амир билан жаидларнинг бошлиқлари ўртасида расмий равишда ярашув бўлмаган бўлса-да, аммо амалда бу нарса бўлган эди. Жаидларнинг бошлиқлари бир неча вақт Когонда қолиб, кейин Бухорога қайтиб, ўз савдогарлик ишлари билан машғул бўлиб кетдилар...

Эллик икки кун касалхонада ётиб, йигирма беш хирургия тадбирлари кўрилгандан кейин, мен бирмунча тузалдим. Духтур касалхонадан чиқиб кетишга рухсат берди. Мен у ердан Самарқандга кўчиб бордим.

Самарқандга келганимнинг учинчи куни қаттиқ бемор бўлиб клубда йиқилиб қолдим. Бир самарқандлик мени ўз уйига олиб кетди. Мен уни шахсан танимасам ҳам, лекин унинг менга нисбатан фикр-қараши яхши экан. У ерда икки ой бемор ётдим, кейин кучга кириб, ҳассага таяниб, кўчага чиқа оладиган бўлдим.

Мени кўрган Самарқанд муллалари Исохон қози бошчилигида менга қарши фатво беришди. Фатвонинг мазмуни шундай эди: «кимки ислом подшоҳига қарши тиф кўтариб, у ердан қувланган бўлса, ундай кишининг мусулмонлар шаҳрида яшаши шариатга тўғри келмайди».



Мен буни бир дўстим орқали билиб олиб, ўзимни мудофаа қилишга киришдим. Гарчи бу фатво расман бирон мақсадни амалга ошира олмаса ҳам, ҳар ҳолда бирон фожианинг рўй бериши, муллаларга мухлис бўлган кишилар менга қарши оломон бўлиб, ҳалок қилишлари ҳам мумкин эди.

Мен Самарқанд Совдепига бориб буни билдирдим. Совдеп муллаларнинг бошлигини чақиртириб олиб, агар фалончига зарар етказилса жавобгар бўласизлар, деб улардан тилхат олди.

Шундан кейин муллалар менга қарши очикдан-очик ҳужум қилишмайдиган бўлиб қолишди. Лекин уларнинг махфий таъқиблари давом этар эди. Мен эҳтиёт учун кечалари ётар жойимни ўзгартириб турар эдим.

Октябрь ғалаба қозониши билан тезда Самарқандда ҳам революция ғолиб чиқди, маҳаллий ҳукуматнинг раҳбарлик органида кўпчиликни большевиклар ташкил этди. Мен муллалар таъқибидан тинчидим...

\* \* \*

Октябрдан кейин амирнинг жабр-зулми аввалгидан ҳам кучайиб кетди. У ўз ҳокимияти остидаги территорияда большевистик ҳаракатга йўл бермасликни истар ва имкон топса Туркистондаги контрреволюционерларни бирлаштириб Туркистонда ҳам Совет ҳукуматига шикаст етказмоқчи бўлар эди. Шу мақсад билан у ўз мамлакати ичкараси-

да қаттиққўллик қилар ва кишиларни қатл этар, ҳарбий кучини кўпайтирар эди. У, Россиянинг қочқин оқ гвардиячиларидан, казаклардан қурол сотиб олиб қуролланиб, Фарғона босмачилари билан алоқа боғлар ва Афғонистон воситаси билан чет эл давлатлари Англия билан алоқа тутар эди. Хуллас, Бухоро Урта Осиёдаги контрреволюциянинг бир марказига айланиб қолган эди.

Ички Россиядан алоқаси узилиб қолган Туркистон Совет ҳукумати амирнинг бу хатти-ҳаракатларидан хавфсирар эди. Октябрь ғалабаси мустаҳкамлангандан кейин 1918 йилнинг бошларида Москвада қоракўл сотиш магазини ёпилиб қолган. Бухоро жадиdlарининг бошлиқларидан бири шу фурсатдан фойдаланиб амир ҳукуматига шерик бўлмоқчи бўлди. У бир томондан амир ҳукуматининг ҳарбий тайёргарликларини Туркистондаги Совет ҳукуматидан сир тутар, иккинчи томондан, Туркистон Комиссарлари Совети Раиси Колесовга «Бухоро ичкарисида ўттиз минг кишидан иборат қуролли куч бор ва агар Колесов бир озгина ҳаракат қилса, амир таслим бўлади» деб уни ишонтирар эди.

Бу билан унинг мақсади амирни қўрқитиб, у ўз тахтида экан вақтида ҳукумат ишларини ўз қўлига киритиб олмоқ эди.

Охири Колесов бир озгина ҳарбий куч ҳамда бир неча қуролсиз бухоролик қочқинлар билан Когонга бориб, ўша жадид номидан амирга нота юборди. Жадидлар раҳбари бир томондан Колесовни Когонга яқин йўлатиб, иккинчи томондан амирнинг кишилари

билан алоқа тутиб, у билан ярашмоқчи бўлди.

Бу провакацион ҳаракат натижасида амир «ярашув»га кўнди. Колесов руслардан Самарқанд, Кавказ ва татар қизил партизанларидан иборат йигирма бир кишини амирга юборди. Амир вакилларни ваҳшийларча ўлдирди. Улардан бир киши қочиб келиб, Колесовга бўлган воқияни маълум қилди. Аммо энди фойдасиз эди: ярашув мунозаралари бўлаётган вақтда амир Куюкмозордан тортиб Зерабулоққача, Мурғакдан тортиб Чоржўйгача ва Амирободдан тортиб Шаҳрисабз ва Термизгача темир йўлни бузиб ташлаб, ҳар томондан ҳам Колесовнинг алоқа йўлларини кесиб қўйган эди. Қамалда қолган Колесов темир йўлни тиклаб бориб Самарқандга қараб чекинди.

Бу провакацион ҳаракатнинг натижаси шу бўлдики, амир Бухоро ва унинг вилоятларида большевик, революционер деб шубҳа қилган ёки улар билан алоқаси бор деб ҳисоблаган жуда кўп кишини ваҳшийларча қириб юборди (у тоғаларимнинг қишлоғида яшириниб юрган укам Сирожиддинни ҳам қўлга тушириб, мен ётган обхонага ташлаб, ўн беш кун азоб-машаққатлар бергандан кейин ўлдирди. Бу ҳақда мен бир марсия ёзганман, (у «Ёдгори» номли шеърлар тўпламида нашр бўлган).

Амир Бухоро тупроғида бўлган рус меҳнаткашларини, темир йўл ва завод ишчиларини ҳам бола-чақалари билан бирга батамом қириб ташлади. Ҳолбуки, у вақтда императорнинг оқ офицерлари амир ҳузурида бў-

либ, унинг ҳарбий ишларига ва жаллодликка раҳбарлик қилар ва ёрдам берар эдилар.

Мен ўша вақтга қадар Самарқандда бўлдим, ҳали яхши кучга кирганим йўқ эди. Колесов воқисидан кейин амир Самарқандда террорчиларнинг шайкаларини тузди. Бу шайкаларнинг иштирокчилари Самарқанд ўғрилари бўлиб, оқибатда улар босмачи бўлиб кетган эдилар.

Яшашим учун Самарқанд менга хавфли бир жой бўлиб қолди. Мен 1918 йилнинг 22 апрелида Самарқанддан Тошкентга кўчдим. Тошкентда олти ой турдим. Шу орада соғлигим яхшиланиб куч-қувватга кирдим. Самарқандда Совет ҳукумати ўз куч-қувватини мустаҳкамлаб олди. Мен 22 октябрда Тошкентдан Самарқандга қайтиб Совет ҳукумати томонидан маҳаллий болаларни ўқитиш учун очилган бир ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишга кирдим. Мактабда ўзбек ва тожик тили, адабиёт ва тарихдан дарс берар эдим.

\* \* \*

Мен 1918—19 ўқув йилини, ўша вақт шароити доирасида, муваффақият билан тугатдим. Ҳали маҳаллий аҳолидан тажрибали ва билимли ўқитувчилар йўқ эди. Кўп мактаблар очилган эди, аммо ўқитувчиларнинг аксари икки-уч ойлик курсларни битириб муаллимлик даражасига етган кишилардан иборат эди. Маҳаллий тилда китоб мутлақо йўқ эди. Мен ўз тажрибамга суяниб дарсларни ёзиб тайёрлар ва шу асосда дарс

берар эдим. Албатта, курсни тугатиб келган кишилар бу ишларни қила олмас эдилар. Шунга кўра менинг мактабим ўзининг барча камчиликларига қарамай, бошқа мактабларга қараганда сифат жиҳатдан яхшироқ эди.

Лекин ўқув йилининг охирларига келиб ҳаддан ташқари кўп ишлаш ва ғайрат қилиш натижасида асаб касалига йўлиқиб, ўқитувчилик ишини ташлаб, матбуотга хизматга кирдим. Самарқандда тожик тилида «Шўълаи инқилоб» журнали ва ўзбек тилида «Меҳнаткашлар товуши» газетаси нашр бўлар эди. Мен буларнинг ҳар иккаласида ҳам хизмат қилар эдим. У вақтларда маҳаллий кишилар ичида адабий ходимлар ҳам кам эди, шунга кўра айта оламанки, бу журнал ва газета саҳифаларини турли хил имзо билан деярли якка ўзим тўлдирар эдим. Икки тилда шеърлар, мақолалар ёзар эдим.

«Шўълаи инқилоб» журналида «Бухоро манғит амирлари тарихи» номи билан бир тарихий очерк чиқара бошладим. Бу мақолалар цикли Бухоро революциясига қадар бўлган даврни ўз ичига олди. Очеркда охирги амир ва унинг саройинигина эмас, балки Бухорода 150 йилча ҳукмронлик қилган барча манғит амирлари, уларнинг идора усули ва ҳамма ярамас хатти-ҳаракатларини фош қилдим (бу мақолалар китоб шаклида 1925 йилда Тошкентда нашр бўлди).

1919—20 ўқув йили бошланганда маориф бўлими тажрибали ўқитувчилар кам бўлгани учун мени маориф ишидан тамомила озод қилмади. Учта мактабга инструктор қилиб

тайинлади, ҳар куни навбатма-навбат мен бу мактаблардан бирига бориб бир-икки соат консультант сифатида ишлар эдим.

\* \* \*

Қолесов воқиясидан кейин амирнинг зулми ва кишиларни қириши тоқат қилиб бўлмас даражада кучайиб кетди. Бухоро меҳнаткашларидан ва ҳатто амир аскарларидан кунига бир неча киши Самарқанд ва Тошкентга қочиб ўтар эди. Ўзларини «Бухоро инқилобчилари» деб атаган Бухоро жадидлари ташкилоти билан бир қаторда Самарқанд ва Тошкентда Бухоро Коммунистлари ташкилоти ҳам пайдо бўлди. Бухоро Коммунистлари ташкилотининг аъзолари кўпроқ Бухоро меҳнаткашлари ва қочоқ аскарлардан иборат эди. Аммо «Бухоро инқилобчилари» ташкилотининг раҳбарларини ҳам, аъзоларини ҳам Бухоро бойлари ва майда савдогарлари ҳамда қисман муллазодалар ташкил қилар эди. Бу ташкилотларнинг Бухоро ва Бухорога қарашли вилоятларда махфий бўлимлари бор эди. Аммо хоҳ Тошкентда бўлмасин, хоҳ маҳаллий жойларда бўлмасин бу икки ташкилот ўртасида низо ва жанжаллар бўлиб, бу Бухоро революциясининг ўсиб боришига маълум даражада ҳалал бермасдан қолмас эди.

Бухоро революцияси пишиб етилди. Бухоро оммаси Россия ва Туркистон большевикларидан ёрдам талаб қилар эди. Мен 1920 йилнинг июнида Бухоро Коммунистлари ташкилоти томонидан Тошкентга чақирил-

дим. Мен у ерда бир ой туриб, менинг қала-  
мимни талаб этган лойиҳа, баёнот ва бошқа  
нарсаларни икки тилда, тожик ва ўзбек тил-  
ларида ёзиб бердим.

\* \* \*

Самарқандга қайтиб келганимдан кейин  
Бухоро аҳолисини Бухоро революциясига  
тайёрлаш учун мен газета ва журнал йўли  
билан янада кўпроқ ва жиддийроқ ишладим.  
Бу газета ва журнал Бухоро Коммунистлари  
ташкilotи томонидан Бухоро районларида  
яширин равишда тарқатилар эди. (Мен буни  
«Қуллар» романида ўтинчилар воқияси эпи-  
зоди баёнида тасвирлаганман).

Россия ҳамда Туркистон коммунистлари  
раҳбарлигига Туркфронтнинг ҳаракати на-  
тижасида Бухоро Коммунистлари ташкilotи  
билан «Бухоро инқилобчилари» (жадидлар)  
ўртасида заруриятдан номигагина бир яра-  
шув бўлди. Большевикларнинг раҳбарлиги  
остида ва қизил аскарларнинг бевосита ёр-  
дами билан Бухоро меҳнаткашлари ниҳоят  
амир кишанларидан қутулиб, Бухоро Совет  
халқ республикаси ташкил бўлди.

Бухоро революцияси ғалабасидан кейин  
мен хотиржам бўлиб энди биринчи марта  
(1920 йилнинг октябрь ойида) Самарқандда  
уйланиб, у ерда доимий турғун бўлиб қол-  
дим.

Мен Бухоро Совет халқ ҳукумати ишлари-  
га бевосита иштирок этишни хоҳламадим.  
Чунки у ҳукуматнинг бошида турган баъзи  
бир кишилар менга шубҳали кишилар бўлиб

туюлар эди. Бу шубҳамнинг ҳақиқатга мувофиқлигини исбот этиш учун бир воқияни эслаб ўтишга мажбурман:

Революция ғалабасидан кейин Бухоро ва унга қарашли жойларда аввал кичикроқ, кейин эса каттароқ босмачилар шайкалари вужудга келди.

Бухоро Совет халқ ҳукуматининг раҳбарлик вазифаларида бўлган айрим ходимлари баъзи бир босмачи шайкаларни, чунончи, Мулла Қаҳҳор ва Жаббор хўжайинларни қуроллантириб, гўё уларнинг ёрдами билан «кичик ўғриларни тугатмоқчи» бўлдилар.

Қишлоғимизга яқин бир қишлоқда турувчи Мулла Қаҳҳор босмачи бир тўй қилди. Руҳонийлардан бўлган акам қишлоғимизда имом ва мударрис эди, у бу тўйга қатнашмади ҳамда «Мулла Қаҳҳор ўғридир, кишиларни талон-тарож этиб тўй қиляпти, унинг тўйига қатнашиш ва ошини ейиш яхши эмас» деб қишлоқ аҳолисини тўйга боргани қўймади.

Аmmo Бухоро Совет халқ ҳукуматининг баъзи маъмурий ходимлари, жумладан раҳбарлик ишида бўлган ҳукумат бошлиқларидан бирининг укаси тўйда қатнашиб, уч кун тўй еди ва улоқ чопди.

Мулла Қаҳҳор қўрбоши 1922 йилнинг баҳорида очикдан-очик ҳукуматга қарши исён кўтарди. Унинг биринчи қилган иши қуролланган бир тўда босмачиларни куппа-кундуз куни акамнинг ҳовлисига юбориш бўлди. Кундузи соат икки акам қишлоқ мадрасасида эди. Уни судраб чиқиб, бир дарахтга боғлаб, ўқ ёғдириб ўлдиришди. Ҳовлисини



тамоман талон-тарож қилишди. Жоңли ва жонсиз барча нарсани, ҳатто аёлларнинг эғнидаги кийимларни ҳам олиб кетишди. Акамнинг ўн беш-ўн олти ёшлардаги катта ўғли бу даҳшатдан қўрқиб хашак тагига яшириниб олган эди, уни тониб олиб, боғлаб ўлдирмоқчи бўлишди. Бироқ, қишлоқ қариялари ёш болага шафқат қилиб, босмачилардан илтижо этиб, уни ўлимдан қутқазди. Босмачилар уни асир қилиб олиб кетишди. Акамнинг бошқа болалари жуда ёш эди. Асир қилинган ўғли Муслиҳиддин Нуротага олиб кетилган эди. Буни эшитган етмиш ёшдаги тоғам Нуротага бориб, болани босмачилар қўлидан қутқарди. Босмачиларнинг қўлидан қутулганидан кейин Муслиҳиддин қишлоғимизда туролмас эди, у Самарқандга — менинг олдимга келди. Уни бир неча вақт Самарқандда олиб қолиб, кейин бирон мактабга ўқишга кирсин ва махфий равишда қишлоқ билан алоқа тутиб, отасининг қотиллари — босмачиларнинг қаерда эканини билиб олиб менга хабар қилсин деб Бухорога жўнатдим.

1922 йилнинг охирларида у яна Самарқандга келиб, босмачиларнинг маркази Нурота экани, отасининг бир неча қотили қишлоғимиз атрофида ин қуриб, яширин равишда ўз ҳовлиларига келиб кетаётганликларини менга маълум қилди.

Буни эшитиш билан Бухорога жўнадим. Бухоро Совет халқ ҳукуматининг ЧЕКАсига бориб, мазкур босмачиларнинг, ҳовлилари билан бирга, рўйхатини бериб, уларни қўлга туширишни илтимос қилдим. Бухоро Мар-

казий Ижроия Комитети ва Бухоро Халқ Комиссарлари Совети раҳбарлигида шубҳали кишилар тургани учун, уларга мурожаат қилишни лозим кўрмадим.

Чека уч кун мобайнида акамнинг қотиллари бўлган беш босмачини қўлга тушириб олди. Бухоро Чекасининг бошлиғи Юнус Нодий деган киши эди. У тергов тамом бўлгандан кейин улар Олий судга берилади, суд қонунга мувофиқ уларга жазо беради деб мени хотиржам қилди.

Шундан сўнг мен Самарқандга қайтдим. Икки ойдан кейин Бухоро Совет халқ ҳукумати Олий судидан қуйидаги мазмунда хат олдим:

«Олий суд акангизнинг қотилларини — қўлга тушган босмачиларни олий жазога — отиб ўлдиришга ҳукм қилди. Аммо Бухоро Совет халқ республикаси Марказий Ижроия Комитетининг раиси Аминов бу ҳукмни ўн йиллик қамоқ билан алмаштирди».

Бу воқиядан икки-уч ой ўтгандан кейин Муслиҳиддин яна Самарқандга келиб, мен маҳбусларни — ўн йилга қамоққа ҳукм қилинган қотилларни Бухоро чойхоналарида кўрдим, уларни кузатиб юрдим. Улардан бир неча киши, жумладан Муллатош Бухоро ҳукумат бошлиқларидан бирининг укаси ҳовлисига кириб кетишди. Текширишим натижасида уларнинг ҳар кеча ўша жойга боришлари маълум бўлди, деди. Мен буни Марказий Ижроия Комитетига бориб раис Аминовга айтдим. У: «Ёлғон сўзлайсан, катта бир одамга нисбатан туҳмат қиласан, сен жазога лойиқсан» деб мени қувлади...» (Мен

Бухоро Совет халқ республикаси ҳукумати айрим раҳбарларининг босмачилар билан алоқаси борлигини 1930 йилда нашр бўлган «Дохунда» романида Анварпошшо хуружи воқиаси баёнида мухтор элчининг котиби тилидан ҳикоя қилдим ва акамнинг ўлдирилишини «Қуллар» романида тасвирладим).

Албатта, шундай бир шароитда мен Бухорода туролмас эдим ва буни Бухоро Совет халқ республикаси барпо бўлган биринчи кунлардаёқ сезган эдим. Шунга кўра Самарқандда уйланиб, ўша ерда қолдим.

У вақтларда Самарқандда тирикчилигим жуда оғир эди. Ўз уйим йўқ эди. Қайнана­нинг ҳовлисида турар эдим. Унда икки уй бўлиб, чакка ўтар эди. Мен танчага ўтириб олиб, таҳририй ишларим билан шуғулланар эдим, бошимга, атрофимга чакка томчилар эди. 1920—21 йилларда қимматчилик бўлди. Матбуот идорасидан олган маошим бир ҳафтага етмас эди. Адабий иш билан бирга 1921—22 йилда қайнана­нинг эшагига гўн­г ортиб, боғини ўғитлаб, сабзавот ва картошка экдим, бу менга жуда катта ёрдам берди.

\* \* \*

Мен кўпдан бери Бухорога бормаган эдим, Бухоро Совет халқ ҳукумати ишларига бевосита иштирок этмаган эдим. Бироқ, шунга қарамай, ундан батамом узоқлашишни истамасдим, чунки бу афкор оммада Бухоро революциясига нисбатан ёмон бир кайфият туғдириши мумкин эди. Шунга кўра мен

1921 йилда Самарқанддаги Бухоро консулхонасига консултант сифатида ишга кирдим. Ваҳоланки у ерда бундай штат ҳам, вазифага эҳтиёж ҳам йўқ эди. Аввалгидек менинг асосий ишим матбуот иши ва адабий ижодиёт бўлиб қолди.

Мен мана шу йиллар мобайнида революцияни ҳимоя қилиб, амир ҳукумати ва босмачиларни фош этувчи мақолалар билан Самарқанд матбуотида чиқдим ҳамда мустақил асарлар ҳам яратдим.

1920 йилнинг август ойида (Бухоро революцияси арафасида) «Бухоро жаллодлари» номли асаримни ёзишга киришдим. Уни ноябрь ойида тугатиб, Бухорога бориб, Бухоро Совет халқ республикаси Давлат нашриётига топширдим. Аммо улар бу асарни нашр этмадилар. Асарни қайтариб беришни талаб этганимда «йўқолди» деб жавоб бердилар. Бу асарнинг қисқартирилган варианты 1922 йилдагина Тошкентда «Инқилоб» журналида нашр бўлди.

1920—21 йилларда «Бухоро инқилоби тарихи материаллари» асарини ёзиб, Бухоро Давлат нашриётига топширдим. Буни ҳам нашр қилишмади. (Бу асар 1926 йилда Москвада СССР халқлари нашриёти томонидан нашр қилинди).

1921—22 йилларда «Шуълайи инқилоб» журналида «Бухоро манғит амирлари тарихи» номи билан нашр бўлган тарихий очерк мақолаларини қайта ишлаб, яна мазкур Давлат нашриётига топширдим. (Бу асар 1923 йилда Тошкентда Бухоро Халқ маорифи комиссарнати томонидан нашр қилинди).

Бухоро Давлат нашриёти менинг асарларимни нашр қилмаган бўлса ҳам, уларга тўла ҳақ берди ва мен у пулларга 1923 йилда Самарқандда алоҳида бир ҳовли сотиб олдим.

\* \* \*

1923 йилда Бухоро ҳукуматининг Самарқанддаги консулхонаси ёпилди ва мени 1923 йилнинг охирида Самарқанддаги Бухгосторгга мудир қилиб тайинлашди. Мен бу вазифани рад қилдим. Бироқ, Бухоронинг савдо ишлари бошлиғи одам топилишига қадар вақтинча ишлаб туришга кўндирди. Лекин бу «вақтинча» иш ва менинг мудирлик номим 1924 йилнинг бошидан 1925 йилнинг бошига қадар давом этди.

Мен 1924 йилда Самарқандда Бухгосторг мудирлиги бўлиб ишлаганимда «Одина» номли повестимни ёздим. Унинг бир қисми 1924—25 йилларда Самарқандда чиқадиган «Овози тожик» газетасида тожик тилида босилди. Бу асар 1927 йили Тожикистон Давлат нашриёти томонидан босилди ва шу вақтга қадар тожик тилида тўрт марта, ўзбек тилида (ўз таҳририда) уч марта, рус тилида икки марта, украин ва СССРнинг бошқа халқлари тилларида бир мартадан нашр бўлди, унинг парчалари чет тилларда журналларда ҳам босилди.

\* \* \*

Ўрта Осиё республикалари миллий чегараланишдан кейин Самарқанд Бухгосторги Ўзбекистонга ўтди ва мени яна унга мудир

қилиб тайинлашди. Аммо мен Самарқанд Вилоят Комитетига ариза бериб, бу ишдан озод бўлдим ва тамомила адабий ишга берилиб кетдим. 1925 йилнинг баҳорида Тожикистон Совет Автоном республикаси тузилгандан кейин республика ҳукумати билан шартнома тузиб «Намунаи адабиёти тожик» ни ёзишга киришдим ва ўша йили бу ишни тугатдим. Бу асар қирқ печатъ лист ҳажмида бўлиб, тожик адабиётининг X асрнинг бошларидан тортиб то замонамизга қадар минг йиллик намуналарини ўз ичига олар эди. Бу асар 1926 йилда Тожикистон ҳукумати маблағи ҳисобидан СССР халқлари Марказий нашриёти томонидан Москвада босилди.

Бу асар ўз даврида партиянинг миллий сиёсати фойдаси учун катта роль ўйнади. Чунки у вақтларда пантуркистлар миллий чегараланишга қарши иғво тарқатиб, партиянинг бу соҳадаги миллий сиёсатини «турклар»ни парчалаб ташлаш деб ҳисоблар, Тожикистон республикасининг ташкил бўлишига қарши янада кучлироқ иғво тарқатар эдилар. Улар, «Урта Осиёда тожик деган халқ йўқ, булар Эрон ва мадраса таъсири билан ўз тилини унутган ўзбеклардир» дер эдилар. Бу асар «Тожик адабиёти намуналари» тарихий фактлар асосида у иғвогарларнинг ниқобини очиб ташлади ва уларнинг оғзини юмди.

Аммо, у контрреволюцион иғвогарлар бу асарга қарши «қизил сўзлар» билан ҳужум қила бошладилар. Рўдакийнинг бундан минг йил бурун ёзилган бир шеърини дастак қилиб

олиб «асарнинг автори ўзининг бу шеърини қочқоқ амир ҳақида ёзган» деб тарқатдилар... Асарни ман қилмоқчи бўлдилар.

Аммо рус шарқшунослари бу асарни ҳимоя қилдилар, асар ман бўлишдан қутулди. Лекин ўша контрреволюцион ифвогарлар шу масалани ўз маслакдошлари Бухарин тили билан Москвада комсомол мажлисида муҳокама эттирдилар ва Тожикистон нашриётида ўрнашиб олган одамлари воситаси билан 1930 йилда китобни ман этиб, бу қимматли асарни утилсирьяга топширдилар.

Мен 1926 йилнинг 15 июнида Самарқандда таъсис бўлган Тожикистон Давлат нашриётига адабий ходим бўлиб ишга кирдим. У вақтда адабий ходимлар йўқ эди, мен таржима ва оригинал асарларни таҳрир қилар эдим ҳамда мустақил асарлар ёзар эдим.

1927—29 йилларда «Дохунда» романини ёздим, у биринчи марта 1930 йилда Қозонда нашр бўлди. Бу асар шу вақтга қадар тожик тилида уч марта нашр бўлди, рус, ўзбек, украин ва бошқа тилларга ҳам таржима қилиниб босилди.

1932—1935 йиллар давомида тожик ва ўзбек тилларида «Қуллар» романини ёзиб тугатдим. У 1934 йилда ўзбек тилида, 1935 йилда тожик тилида босилди. У 1935 йилдан 1939 йилга қадар Вахш ҳақида икки минг мисрали «Жанги одаму об» («Одамнинг сув билан жанги») достонини ёздим, «Бухоро жаллодлари»ни иккинчи марта ишлаб чиқдим, «Судхўрнинг ўлими» деган катта повесть ёздим, эски ва янги шеърла-

римдан «Едгори» («Эсдалик») номли бир шеърлар тўпламини туздим, «Аҳмади девбанд» номли очеркни қайта ишладим, қандай ўқиганим ҳақида «Эски мактаб» асарини ёздим, Тожикистоннинг ўн йиллиги муносабати билан «Етим» романини ёзиб нашриётга топширдим. Шу билан бирга 1926 йилдан бери журнал ва газеталарда менинг кўп илмий ва адабий мақолаларим, алоҳида ҳикояларим босилмоқда.

1936—38 йиллар орасида ўн беш минг сўздан иборат тожик адабий тили луғатини туздим.

\* \* \*

1923 йилда Бухоро Совет халқ республикаси ҳукумати составида ўзгаришлар бўлгандан кейин 1929 йилда Марказий Ижроия Комитети аъзоси бўлиб сайландим, 1938 йилгача турли сайловлар бўйича сайланиб келдим. 1939 йилда Сталинобод шаҳар Советига депутат бўлиб сайландим. 1931 йилда Тожикистон Марказий Ижроия Комитети томонидан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотландим. 1935 йилда адабий фаолиятимнинг ўттиз йиллиги муносабати билан Тожикистон ҳукумати томонидан енгил машина билан мукофотландим.

Мен 1926 йилдан 1933 йилнинг сентябрь ойига қадар Самарқанддаги Тожикистон нашриёти бўлимида адабий муҳаррир, илмий ва адабий консультант бўлиб ишладим. Ундан кейин Тожикистон ҳукумати шахсий пенсия белгилаб, штатли ишдан озод қилди.



Аmmo ҳозирга қадар Тожикистон ва Ўзбекистон нашриётлари билан шартнома йўли билан ўз ишимни давом эттирмақдаман.

*Садриддин Айний*

22/IV 1940 йил, Самарқанд.

Илова:

1941 йилда Москвада бўлган тожик санъати ўн кунлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми мени (1941 йил 23 апрель) Ленин ордени билан мукофотлади.

1947 йилда Тожикистон ССР Олий Совети иккинчи чақириқ сайловида Олий Совет депутати бўлиб сайландим.

1948 йилда иккинчи марта Сталинобод шаҳар Совети депутати бўлиб сайландим.



## ҚАЙД ВА ИЗОҲЛАР

Абдулкарим Офаридўзахий (1892—1893 йилларда вафот этган)—XIX асрнинг иккинчи ярмида етишган шоир.

Абдуллаҳўжа Таҳсин—XX асрнинг 20-йилларида вафот этган тожик шоири.

Абдулмажид Зуфунун—Аҳмад Донишнинг истеъдодли шогирди ва дўстларидан бири бўлиб, шеърларида мустабид ҳукмронларни ва реакцион руҳонийларни қаттиқ ва ошкора танқид қилади. Зуфунун 1903 йилда вафот этган.

Аҳмад Дониш (1827—1896/97) машҳур шоир ва маърифатпарвар бўлиб, амирлик системасини қаттиқ танқид қилади ва рус маданиятини тарғиб этади. Аҳмад Дониш Ўрта Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрларнинг ривожидан ва тожик адабиётининг тараққиётида катта роль ўйнаган, даврининг энг илгор зиёлиси ва ёзувчиларидандир.

Бедил-Мирзо Абдулқодир Бедил (1644—1720) ҳиндистонлик машҳур шоир ва мутафаккир бўлиб, ўз асарларини Ҳиндистоннинг адабий тилларидан бири бўлган форс тилида яратган. Бедил Ўрта Осиё халқларига, жумладан ўзбек халқига яқиндан маълум ва манзур бўлган файласуф шоирдир.

Исо Маҳдум (1826—1887)—XIX асрнинг иккинчи ярмида етишган йирик шоир бўлиб, Аҳмад Донишнинг дўсти ва маслакдошидир.

К л е м м В. О.—Подшо замонида ва вақтли ҳукумат даврида ташқи ишлар министрлиги учинчи департаментининг директори бўлган.

М и р з о М у ҳ а м м а д А з и м С о м и й — амир Музаффар ва амир Абдулаҳад саройида котиб бўлиб, 1900 йилларда саройдан ҳайдалган ва муҳтожликда кун кечирган. Сомий шоир ва тарихчи ҳам бўлган. У тахминан 1809 йилда туғилиб, 1908 йилда вафот этган.

М и р з о Ҳ а й и т С а ҳ б о — амир саройига қарши оппозицияда туриб, 1918 йилда амирнинг буйруғи билан қатл қилинган.

М у з т а р и б — Мулла Абдулмажид. Музтариб Аҳмад Доппининг пайравларидан бўлиб, айниқса ҳажвчиликда шуҳрат топган. Музтарибнинг бизга қадар шеърларидан намуналар жуда оз сақланиб қолган.

М у л л а Н а з р у л л о Л у т ф и й — XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ижод этган йирик тожик шоири ва маърифатпарвари. У 1918 йилда Бухоро амири томонидан 75 таёқ билан жазолашга ҳукм қилинади. Бироқ, Лутфий 7-таёқнинг зарби биланоқ ҳалок бўлади.

М у ҳ а м м а д Ш а р и ф ж о н (1868—1931) — амалдор бўлишига қарамай, тараққийпарвар ва маърифатпарвар киши бўлиб, амир томонидан таъқиб этилган. Муҳаммад Шарифжон ўз хотираларини китоб қилиб ёзиб қолдирган. Унинг хотира китоби Бухоро амирлигининг иқтисодий-сиёсий тарихи ва маданий-адабий ҳаётини ўрганишда аҳамиятлидир. Муҳаммад Шарифжон ўз замондош ёзувчилари ҳақида «Тазкирул-ашъор» («Шоирлар тазкираси») китобини ҳам тузган.

С а ъ д и й — Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1291 йилда вафот этган) форс-тожик адабиётининг буюк намояндаси. У кўп ва гўзал лирик шеърлари билан бирга «Гулистон» ва «Бўстон» ахлоқий-бадий китобларини яратган. Бу асарлар ўзбек китобхоналарига

ҳам манзур бўлиб, бир неча бор ўзбек тилига таржима қилинган.

**Соиб Табризий**— Мирзо Муҳаммад Али Соиб Табризий (1669—70 йилларда вафот этган) форс-тожик адабиётининг истеъдодли намояндаларидан биридир. У кўп вақт Исфаҳонда яшагани учун Соиб Исфаҳоний деб ҳам юритилган.

**Соҳибхўжа Гулшаний** (1910 йилда вафот этган)— XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида яшаб ижод этган истеъдодли шоир. У Бухоро вилоятини кезиб чиқиб, тожик тилида Ўрта Осиё географиясига доир асар ҳам яратган.

**Фузулий**— Муҳаммад Фузулий XVI асрда етишган улуғ Озарбайжон ёзувчиси, олими ва мутафаккиридир. Фузулий асарлари Ўрта Осиё халқларига яқиндан манзур бўлиб, унинг шеърлари ўзбек халқ ҳофизлари томонидан шу кунга қадар куйга солиб айтилмоқда.

**Шамсиддин Шоҳин** (1859—1894)— тожик адабиётининг XIX асрнинг иккинчи ярмида етишган отоқли вакилларида бири бўлиб, у Аҳмад Донишнинг традицияларини давом эттиради ва ривожлантиради.

**Қозин Абдушукур** (1888 йилда вафот этган)— Муҳаммад Шарифжоннинг отаси, қозикалон ва мударрис бўлган. У «Оят» тахаллуси билан шеърлар ҳам битган.

**Қозин Қурбонжон Фитрат**— 1887/88 йилларда вафот этган амалдор ва шоир.

**Ҳожи Иброҳим Осим** (1905 йилда вафот этган)— XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ижод этган шоирлардан.

**Ҳомидбек Ҳомид** (1910 йилда вафот этган)— XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ижод этган шоир. У мансабдор бўлишига қарамай, амир-амалдорларга нисбатан танқидий муносабатда бўлиб, шеърларида уларни қоралаган.

Ҳомидхўжа Меҳрий—1918 йилда амир томонидан ўлдирилган шоир ва маърифатпарвар.

Ҳофиз—Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий (1349 йилда вафот этган) форс-тожик классик адабиётининг буюк намояндаларидан бири бўлиб, унинг газал ва рубоийлари ўзбек китобхонларига ҳам манзур бўлиб келмоқда.

«Бидон»—тожик тилида ёзилган араб тили грамматикасига доир китоб. Бу китоб мадраса таҳсилига қадар ўқитилар эди.

«Занжоний»—араб тили грамматикаси (синтаксис)га доир китоб бўлиб, мадраса таҳсилига қадар ўқитилар эди.

«Коммунизм колхози»—С. Айнийнинг очерки бўлиб, у 1934 йилда «Социалистик адабиёт учун» журналида (№ 3—4) ва 1935 ҳам 1936 йилларда алоҳида китоб қилиб нашр этилди.

«Муиззий»—араб тилида ёзилган грамматика (морфология) га доир китоб бўлиб, мадраса таҳсилига қадар ўқитилар эди.

«Новое время» («Янги замон») —1868—1917 йилларда Петербургда чиққан газета. У дастлабки даврида либерал газета бўлса ҳам, 1876 йилдан бошлаб тамомила реакционлашади, ҳатто либерал-буржуазияга ҳам қарши курашади ва 1905 йилда қора гуруҳчилар (черносотенцы)нинг органига айланади.

«Нукот»—Бедилнинг асарларидан бири бўлиб, унда автор ўз фалсафий, ахлоқий қарашларини ва динга доир мулоҳазаларини баён этади. «Нукоти» оғир услубда ёзилган асардир.

«Овози тожик»—1924 йилнинг августидан 1926 йилгача Самарқандда чиққан тожикча газета. С. Айнийнинг «Одина» повестининг бир қисми бу газетада 1924—1925 йилларда «Бир камбағал деҳқоннинг саргузашти. Ўтмиш хотирасидан» номини билан босилган.

«Т а р ж и м о н» — Қримда чиққан ва пантуркизмни тарғиб қилган газета.

«Т а ҳ з и б - у с - с и б ё н» («Болалар тарбияси») — 1909 йилда С. Айний тузган дарслик бўлиб, у 1909 йилда ва иккинчи марта 1917 йилда нашр этилган.

«Ш ў ъ л а и и н қ и л о б» — 1919 йилнинг 10 апрелидан 1921 йилнинг декабригача Самарқандда чиққан тожик тилидаги ҳафталик журнал. С. Айний бу журналда актив иштирок этиб, «С. Айний», «С. А.», «С. М.», «Қ. С.», «С. Х.», «С», «Х», «Қ. А.», «С. Қ.» имзолари билан шеър ва мақолаларини бостирган.

«Ч е ҳ р а н а м о» — 1904—1905 йиллардан бошлаб, аввал Искандарияда, кейинроқ эса Қоҳирада форс тилида чиққан ҳафталик газета.

«Ҳ а б л у л - м а т и н» — 1893—1894 йилларда Калькуттада чиқа бошлаган форс тилидаги газета.

А б ж а д — араб алифбесидagi ҳарфлар маълум бир сонни ҳам ифодалайди. Масалан, алиф — 1, бо (б) — 2, жим (ж) — 3 ва ҳоказо. Абжад ҳисоби шу ҳарфлар рақами асосидаги ҳисоб бўлиб, у шеърда кўпинча маълум бир воқиянинг йилини ифодалаш учун қўлланилар эди. Тарих жанри деб аталган шеър тури абжад ҳисоби билан бирга битилади.

А р б о б — катта қишлоқ ёки шаҳарлардаги маҳалла бошлиғи — амалдор.

Б и б и х а л и ф а — революциядан бурун айрим ҳовлиларда қизлар мактаби очилиб, уларда ҳовли бекаси ўқитувчилик қилган. Бундай ўқитувчилар биҳалифа номи билан юритилган.

М а д р а с а м у т а в а л л и с и — мадрасанинг хўжалик ишлари билан шуғулланувчи амалдор.

М и р ғ а з а б — жазони назорат қилувчи ёки уни амалга оширувчи амалдор. Одатда ўлимга ҳукм қилиниб қўли боғланган киши шу мирғазаб томонидан жазо жойига қадар олиб борилар эди.

М у д а р р и с — мадраса ўқитувчиси.

М у н ш и — сарой котиби.

Р а и с — Бухоро амирлигида дин-шариат қоидаларининг бажарилиши ва бозор ишларини назорат қилувчи амалдор.

«Т а й н а я о х р а н к а» — 1881 йилда чор ҳукумати томонидан революцион ҳаракатларга қарши тузилган полициянинг махфий органи («охранное отделение» деб юритилган).

Қ о р о в у л б е г и — сарой қўриқчиларини назорат қилиб турувчи амалдор.

Қ у ш б е г и — амирнинг бош вазири бўлиб, қушбеги мансабидаги амалдор давлатнинг ички ва хорижий ишларини бошқарар эди.

Ҳ и ж р и й — мусулмон ўлкаларидаги йил ҳисоби бўлиб, у мелодийнинг 622-йилидан бошланади.

*На узбекском языке*

С. АЙНИ

## АВТОБИОГРАФИЯ

*Гослитиздат УзССР — 1960 — Ташкент*

Редактор *Муинзода*

Рассом *К. Рудов*

Рассомлар-редактори *Г. Бедарев*

Техн. редактор *Л. Парпихўжаев*

Корректор *И. Қобилов*

\* \* \*

Босмахонага берилди 7/1 1960 Босишга рухсат этилди 8/III 1960. Формати 70×92<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 4,25 Шартли босма л. 4,97 Нашр. л. 5,0 Индекс *к/а*. Тиражи 10000. ЎзССР Давлат балий адабиёт нашриёти. Тошкент Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 288—58.

\* \* \*

ЎзССР Маланият министрлиги Ўзглавида-  
тининг 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза кўча-  
си. № 21, Заказ № 57. Баҳ си 2 с. 55 т.